

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ

«ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРИ» КАФЕДРАСИ

«ДИНШУНОСЛИК» ФАНИДАН
МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим бакалавриат босқичи учун)

Тузувчилар: Х.Ж.Худойкулов
Х.Бердиев

ТОШКЕНТ-2007

СЎЗ БОШИ

Мана ўн уч йилдан ошдики мустақил республикамиз янги жамият куриш йўлидан бормоқда. Аммо бундай тарихий жараён мураккаб ўтиш даврида пайдо бўлаётган турли хил қийинчиликларга дуч келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги қонунига зид ҳолда айрим ақидапарастлар дин ниқоби остида турли-туман хурофий ташвиқотлар билан баъзи ёшларимиз фикрини чалғитиб, уларни маънавий қашшоқлик йўлига чорлаб келаётганликлари ёки чорлашга уринаётганликлари ҳам бугунги кунда сир эмас. Бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларимизни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантдириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар.

Бундай ҳаракатларнинг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун мунтазам курашни тақозо этмоқда.

Бу курашда Диншунослик фанини ўқитиш ва ўргатишнинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Чунки бу фанни ўрганиш жараёнида ёшларимиз умуман динлар, хусусан Ислом дини тарихи, таълимоти тўғрисида, мамлакатимизда виждон эркинлигининг амалга оширилиши, тинч-осойишта ҳаёт тарзимизни дин ниқоби остида бузишга интилаётган кучларнинг асл нияти нима эканлиги ҳақида тўғри, ҳақиқий билимга эга бўладилар.

Диншуносликка оид билимлар бир тизимга солинган ҳолда мантиқий изчиллик билан ёритиб берилган адабиётларнинг етарли даражада эмаслигини ҳисобга олган ҳолда Тошкент давлат авиация институти ўқитувчи ва талабалари фойдаланиши учун кўлингиздаги маъруза матнларини ҳавола этмоқдамиз.

Биз маъруза матнларини тайёрлашда кейинги йилларда диншуносликка оид чоп этилган адабиётлардан, мақолалардан фойдаландик.

Қадим - қадимдан дин аксарият
маънавий қадриятларни ўзида
муҳасам этиб келади. Миллий
қадриятларнинг асрлар оша
безавол яшаб келаётгани ҳам диннинг
ана шу табиати билан боғлиқ.

И.Каримов.

1-МАВЗУ. «ДИНШУНОСЛИК» ФАНИГА КИРИШ

РЕЖА:

1. Диншунослик фанининг предмети.
2. Диншунослик фанини ўқитиш ва ўргатишнинг вазифалари.
3. Дин нима? Динга берилган таърифлар.
4. Диннинг келиб чиқиши ҳақидаги қарашлар.

Диншунослик фанининг ҳам ўз ўрганиш объекти, яъни предмети мавжуд. Диншунослик – дин, унинг келиб чиқиши, тарихий шакллари, эволюцияси, муқаддас ёзувлари, кишилар ва жамият ҳаётида тутган ўрни, хурфикрлик, диний ва дунёвий дунёқарашларнинг ўзаро муносабатлари каби масалаларни ўрганувчи илмий-фалсафий ўқув предмети саналади.

Диншунослик фани илоҳиётдан фарқли равишда, у дин ҳақида фақат археология, этнография, тарих, демография, психология каби фанлар берадиган илмий далилларга суяниб иш юритади ва уни баён этади, тушунтиради.

Диншунослик – кишилик жамияти тараққиётининг муайян босқичида пайдо бўлган барча дин шакллариининг маъноси, унинг маънавий, ижтимоий, гносеологик, психологик илдизларини, уларнинг тарихи ва ғоялари, таълимотлари моҳиятини, маросимлари, жамият ҳаётида тутган ўрни ва тамойилларини илмий асосда ўрганувчи, изоҳловчи ва ўргатувчи фандир.

Диншунослик XIX аср ўрталарида Ғарбий Европада алоҳида фан тармоғи сифатида вужудга келган. Унинг асосчилари – Мюллер, Тайлор, Тиле, Соссе, Фрейзерлардир. Ўзбекистонда диншунослик XX асрнинг 30-йилларида шакллана бошлаган. Олдин эса фақат исломшунослик бор эди, холос.

2. Диншунослик фанини ўқитиш ва ўргатишнинг вазифалари.

Диншуносликни ўрганиш ғоят муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Булар қуйидагилардан иборат:

- у динга объектив, яъни холисона, илмий, оқилона баҳо беришни ўргатади; уни кўкларга кўтариб, ҳаддан ошириб юбормасдан ва айни вақтда ерга урмасдан баҳо беришни ўргатади;
- у дин, жумладан ислом ҳақидаги асоссиз таълимотларни рад этишни, уни бузиб, сохталаштириб баҳо беришларнинг зарарли эканлигини исботлайди;

- динни ҳурфикрлилик, яъни у ҳақида эркин фикр юритиш, динни фандан устун қўймасдан, у билан ёнма-ён турадиган таълимот деб ҳисоблаб, диндаги реал, дунёвий қадриятларга ижобий баҳо бериб, улардан фойдаланиш йўлларини белгилаб беради;
- диндан, жумладан исломдан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринаётган фундаменталист, ақидапараст, экстремистларнинг асл қиёфасини, мақсадларини очиб бериб, уларга қарши кураш йўллари, усулларини ўргатади;
- талабаларда фалсафий, илмий, ҳурфикрлилик дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради;
- мустақиллик йиллари диний, жумладан исломий қадриятларнинг реал имкониятлари яратилиб, дин ва унинг қадриятлари халқимиз турмуш тарзи ва маънавиятининг ажралмас қисми бўлиб бораётганлигини асослаб беради;
- хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида диний бағрикенглик асосида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаб келганлиги ва келаётганлиги, унинг ҳаёт тақозоси эканлигини кўрсатиб беради ва бошқалар.

3. Дин нима? Динга берилган таърифлар.

«Дин» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «ишонч», «ишонмоқ» деган маъноларни англатади. Диннинг мазмун ва моҳиятини илоҳий-диний ва илмий нуқтаи назардан тушуниш мавжуд.

Дин ҳам бошқа таълимот, қараш, назариялар сингари табиат, жамият, инсоннинг моҳиятини, мавжудлиги ва яшаши каби муаммоларга илоҳиётдан келиб чиққан ҳолда жавоб бериб келган.

Дин инсон эътиқоди, руҳий-маънавий дунёси, ҳис-туйғулари, ахлоқий ва эстетик тасаввурлари билан боғлиқ мураккаб дунёқараш бўлиб, у ўзича Оллоҳ номидан ҳаёт муаммоларини ечиб, унга жавоб бериб келган.

Агар биз барча динларга назар ташласак улар фоний, ўткинчи дунё азоб-уқубатлари ва ёвузликларидан қутулиш, яхшилик ва эзгуликка, юксак ахлоқийликка интилиш ғоялари билан суғорилганлигини кўрамиз. Булардан ташқари асрлар давомида дин на фақат инсонлар ҳаётида, балки жамият маънавий, ҳаттоки айрим даврларда сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаб келган, аҳамият касб этган. Хозирда мавжуд барча жаҳон динлари умумбашарий қадриятларга таяниб инсон ва жамият ахлоқий ва руҳий камолотига таъсир ўтказиб келганлиги туфайли асрлар оша яшаб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2000 йил сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган диндорларнинг халқаро анжумани иштирокчиларига табрикномасида динга шундай баҳо берилган: «Дин инсон руҳини поклаши, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаши, миллий анъаналарни асрашга хизмат қилиши билан ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди»¹.

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2000 йил 15-сентябрь сони.

Бунга мамлакатимиз ва халқимиз тарихида аввал Зардуштийлик, монийлик, сўнгги ўн тўрт аср мобайнида ислом динининг тутган ўрни яққол далил бўла олади.

Диний эътиқод худо, пайғамбар, фаришта, иблис, шайтон, авлиё, арвоҳ ва бошқа хил инс-жинслар билан боғлиқ тушунчаларгина бўлиб қолмай, балки асрлар давомида кишилар ҳаётида шаклланиб келган турли урф-одатлар, ижтимоий ва оилавий турмуш нормаларини белгилаб берувчи конун-қоида, ахлоқ кодекси ҳамдир.

Жамият ва инсоният тарихий тараққиёти давомида дин нима деган саволга турлича жавоб бериб келинган.

Диний нуқтаи назарга кўра дин-илоҳий, ғайри табиий кучларга, худога, пайғамбарларга, фаришталарга, муқаддас китоблардаги баёнларга, охиратга, бутун яхши ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик яратганнинг иродаси билан бўлишига ишонмоқлик, шайтон ва иблислардан сақланишдир.

Қисқа қилиб айтганда, дин диний нуқтаи назарга кўра, инсоннинг муқаддас илоҳий куч - Худо мавжудлигига асосланган онгли дунёқараши, хиссиёти, эътиқод қилиш ва ҳатти-ҳаракатлар мажмуидир.

Илмий диншунослик нуқтаи назардан дин – табиат, жамият, инсон ва унинг онги, яшашдан мақсади ҳамда тадири инсониятни бевосита қуршаб олган атроф-муҳитдан (табиатдан) ташқарида бўлган, уни яратган, айна замонда инсонларга бирдан-бир «тўғри», «ҳақиқий», «одил» ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслақ, қараш, таълимотидир.

Дин – муайян таълимотлар, хис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўладиган олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида шакли, уни идрок этиш усули.

Дин воқеликни, ижтимоий ҳаётни, унинг ходисаларини ўзига хос тарзда инъикос эттирувчи ижтимоий онг шаклларида биридир.

Юқоридагилардан умумий хулоса шуки, диннинг нима эканлиги турлича изоҳлансада, дин инсоннинг ғайри-табиий кучларга ишонмоқ туйғусидир, деб изоҳласа бўлади.

Дин инсон ва жамият ҳаётида бир қатор вазифаларни бажариб келган. Шулардан баъзиларини айтиб ўтамиз:

- ҳар қандай дин ўзига эътиқод қилувчилар учун тўлдирувчилик, овитувчи (компесаторлик) лик вазифасини бажаради;
- динлар муайян динга эътиқод қилувчиларни ушбу таълимот доирасида сақлашга ҳаракат қилади. Буни динларнинг бирлаштирувчилик (интегротивлик) функцияси дейилади;
- дин диндорлар ҳаётини тартибга солиш, назорат қилиш – регулятивлик функциясини бажаради;
- диндорларнинг бирлигини, жамият билан шахснинг ўзаро алоқасини таъминловчи хусусият, яъни алоқа боғловчи (коммуникатив) функцияни бажаради;

- дин диндорларни ахлоқли, одобли қилиб тарбиялаш каби вазифаларни бажаради.¹

4. Диннинг келиб чиқиши ҳақидаги қарашлар.

Дунёда дини, диний ишончи бўлмаган халқ, миллат йўқ. Чунки муайян халқ динсиз, эътиқодсиз, бирон-бир нарсага ишончсиз ҳолда яшай олмайди. Дин қандай пайдо бўлган деган савол ҳаммани қизиқтиради. Бу масалага жавоб беришда аввало, одамнинг келиб чиқиши, унинг онги, тафаккурининг шаклланиш жараёни ва у билан бирга диний тасаввурларнинг келиб чиқиши жараёни анча мураккаб ва зиддиятларга тўла муаммо эканлигини эътиборда тутмоқ лозим. Бу каби муаммоларни ечиш, унга тўғри жавоб бериш мақсадида кўплаб мутафаккирлар фикр юритиб, турли таълимот ва қарашларни яратганлар.

Кейинги бир неча аср давомида олимлар ўртасида илмий ижобий билимлар олдин пайдо бўлганми ёки диний, хурофий тасаввурлар юзага келганми, диний қарашлар абадийми ёки инсоният тарихида дин бўлмаган даврлар ҳам бўлганми деган саволлар атрофида жиддий тортишувлар бўлиб келмоқда. Чунончи, ғайриилмий таълимотга берилган Ғарб диншунослари, айниқса илоҳиётчилар диний тасаввурлар инсон пайдо бўлиши билан унинг қалби ва онгига сингдирилган, яъни туғма қарашлар деб исбот қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар диннинг дастлабки шакллари, умуман дин бутун даврларга ва барча халқларга хос универсал ҳолат, дин инсон билан пайдо бўлган, у билан абадулабад яшайди, диний тасаввурлар туғмадир деган ғояларни исботлашга уринмоқдалар.

Диннинг келиб чиқиши ҳақидаги бундай нотўғри қарашни исботи тариқасида Бобурнинг набираси Акбаршоҳ, гарчи ғайриинсоний бўлсада ўтказган ғалати бир тажрибани мисол қилиб келтиришни лозим топдик. У ҳар хил динга эътиқод қилувчи кишиларнинг энди туғилган 12 та фарзандини тортиб олиб, уларга қараб турувчи гунг энагалари билан бирга баланд деворлик айрим қасрга қамаб қўйишни буюради. Шу тариқа болалар ташки дунёдан ажралган ҳолда 12 йил давомида қаср ичида яшайдилар. Болалар 12 ёшга тўлгач, шоҳ ҳузурига турли ирқдаги ва диндаги машҳур олиму уламолар тўпланишади. Уларнинг деярли ҳаммаси диний тасаввурлар туғма, инсон муайян динга мансуб бўлиб туғилади, деган фикрни ҳимоя қилганлар. Акбаршоҳ бундай фикрга қарши чиқиб, инсон камолотида таълим-тарбия, у яшайдиган муҳит ҳал қилувчи омил эканлигини айтади ва гунглар тарбиясида бўлган болаларни келтиришни буюради. 12 йил мобайнида жамиятдан, одамлардан ажратиб қўйилган болалар на бир тилни, на бир динни билмаганлар. Улар қандайдир ноаниқ товушлар чиқариб, ўз фикрларини имо-ишоралар билан тушунтиришга ҳаракат қилганлар.²

¹ Қаранг. Ортиқов А., Абдусамедов А.Э. «Диншунослик асослари» курсидан услубий маслаҳатлар. 2-қисм. Тошкент – 2000., 2-бет.

² Қаранг. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Тошкент, «Ўзбекистон» 2002, 34-35-бетлар.

Шу билан бирга, дин абадий туғма, доимий зарур ҳодиса бўлмасдан, у инсон ва жамият тараққиётининг муайян босқичида вужудга келган деган қараш, ғоя илмий диншуносликнинг асосий тамойили эканлигини олға сурувчи қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қараш кишилик жамияти тарихида дин бўлмаган даврлар ҳам бўлганлигини кўрсатади. Хозирги илмий диншунослик тарих, археология ва бошқа фанлар берган маълумотларга асосланиб диний қарашлар бундан 30-40 минг йил илгари, ибтидоий жамоа тузуми даврида юзага келган деган хулосага асосланади. Диннинг келиб чиқишига сабаб эса ибтидоий одамларнинг табиатнинг кўпгина ҳодисалари олдида ожиз эканликлари, уларнинг сабабларини билмганликлари, уларни қандайдир кўзга кўринмас илоҳий кучлар бошқаради ва улар кишилар ҳаётига таъсир қилади деган тасаввурларга асосланганликларидир. Булар момақалдиروқ гумбурлаши, чакмоқ чақиши, зилзилалар, сув тошқинлари, даҳшатли довуллар, касаллик, уйқу, туш кўриш, ўлим, қуёш тугилиши, вулқон отилиши, очлик, қашшоқлик ва бошқалар.

Хулоса шуки, дин ҳамиша бўлмаган; у уруғчилик-қабилачилик тузумида, бундан тахминан 30-40 минг йиллар олдин пайдо бўла бошлаган.

5. Диннинг илдизлари.

Диншунослик диннинг вужудга келиши ва сақланиб туриши унинг уч илдизи билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Булар ижтимоий, гносеологик ва психологик илдизлар.

Диннинг ижтимоий илдизлари диндорларнинг кундалик ҳаётида, уларнинг устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган, ўтказаетган моддий ва маънавий муносабатлардир. Булар орасида моддий яъни иқтисодий илдизлар ҳал этувчи роль ўйнайди.

Диннинг гносеологик илдизлари реал оламни динлар таълимоти нуктаи назаридан инъикос эттирадиган диний тасаввур, тушунча, ғоя ва ҳоказоларнинг вужудга келишига имкон туғдирадиган билиш жараёнига хос жиҳатлардир. Бунда табиат ҳодисалари сабаблари моҳиятини билмаслик оқибатида, улар жонлантирилади, уларда қандайдир ғайри-табиийлик бор деб қаралади.

Диннинг психологик илдизлари инсон, ижтимоий гуруҳ ва динга ишонувчи кишининг психик ҳолатлари, аҳволи, руҳияти ва ҳиссиётида юз берадиган психик жараёнлардир.

Диннинг шахсий психологик ва ижтимоий психологик илдизлари мавжуд. Шахсий мусибат, кулфат, азоб ва укубат, ғам-алам, ўлим даҳшати, ёлғизлик кечинмалари ва руҳан эзилиш ва бошқалар. Ижтимоий психологик илдизга айрим гуруҳ ва жамоа психологиясига хос ёппасига кўрқув, ваҳима, изтироб ва совуқ хабарлар, зарарли урф-одатлар таъсири ва бошқалар киради.¹

¹ Қаранг. Ортиқов А., Абдусамедов А.Э. «Диншунослик асослари» курсидан маърузалар матни ва услубий маслаҳатлар. 1-қисм. Тошкент-2000. 10-бет.

6. Динлар таснифи.

Кишилар турмуш тарзидаги ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар инсониятнинг диний ишонч, эътиқод ҳақида ҳам маълум эволюциянинг юз беришига сабаб бўлган. Ана шу асосда турли дин шакллари юзага келган. Булар уруғ-қабилачилик(ибтидоий) динлари, миллий динлар ва жаҳон динлари. Шу билан бирга динлар мазмун ва моҳиятига кўра политеистик (кўп худолик) ва монотеистик (якка худолик) динларига ҳам бўлинишини қайд этиш лозим.

Хозирда жаҳон динлари бўлмиш Зардуштийликка сайёрамиз аҳолисининг 130 мингга яқини, Буддавийликка 800 миллион, Христианликка 2 миллиард, Исломга 1,3 миллиарди эътиқод қилиши расмий маълумот-номаларда қайд этилган.

Диншунослик нуқтаи назаридан дин шаклларини қуйидагича таснифлаш ва уларни шу тартиб асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Буни қуйидаги жадвал шаклида акс эттирса бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
2. И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
3. И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
4. И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
5. И.Каримов. Халоллик ва фидоийлик-фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
6. И.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
7. И.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
8. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998й.
9. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 199й.
10. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
11. И.Каримов. Хушёрликка даъват. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
12. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000й
13. И.Каримов. Миллий истиқлол мафкуриси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
14. Миллий истиқлол ояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992й.
16. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
17. Отамуратов С.О., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари (Маърузалар матни) Т., 2000й.

18. Отамуратов С.О., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Ўқув кўлланма. Т., 2002й.
19. Йўлдошев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (Маърузалар матни) Т., 2000й.
20. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
20. Хусанов С. Миржавҳарова Д. Диншунослик (ўқув-услубий кўлланма). Т.: -2005
21. Хусанов С. Жуманиёзов Х. Миржавҳарова Д. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т.: -2005 й.
22. Хуснитдинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Т., УМЭ., 2000.

2-МАВЗУ: ДИННИНГ ИБТИДОЙ ШАКЛЛАРИ.

РЕЖА:

1. Тотемизм.
2. Фетишизм.
3. Анимизм.
4. Шоманизм.
5. Сехргарлик (магия).

Кейинги бир-икки аср давомида фанда қилинган ажойиб кашфиётлар туфайли диннинг илк шакллари бундан 30-40 минг, балки ундан бир неча ўн минг йиллар аввал келиб чиққанлиги исботланибгина қолмай, хатто hozirги даврда яшаётган айрим қолоқ халқлар турмушида уларнинг ҳамон сақланиб келаётганлиги аниқланган.

Атоқли диншунос олим С.А.Токарев таклиф қилган таснифга кўра, ибтидоий диннинг энг қадимги шаклларида бири тотемизм бўлиб, у юқори палеолит, яъни илк уруғчилик жамияти даврида пайдо бўлган. «Тотем» ёки «О, тотем» аслида Шимолий Америкада яшовчи туб аҳолиси индеецларнинг алгонкин қабиласи тилидан олинган сўз бўлиб, «унинг уруғи» деган маънони билдиради.

Тотемизм тушунчаси айрим шахснинг ёки бир уруғ, қабиланинг қандайдир ҳайвон ёки ўсимлик билан, баъзан эса жонсиз моддий буюм ёки табиат ходисалари билан ғайритабиий яқинлиги, ҳатто қон-қариндошлик алоқаси бор деган эътиқодни англатади.¹ Ана шундай ҳайвон ёки ўсимликлардан бири уруғ ёки қabila учун тотем яъни муқаддас хомия деб қабул қилинган. Тотемизмнинг асл ватани ҳисобланган Австралияда, масалан, бир уруғ кенгуру тотемига тегишли бўлса, унинг аъзолари

¹ Қаранг. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. 45-бет.

кенгуруни «бу менинг акам», «менинг отам» ёки «биродарим», деб ҳисобланган.

Уруғ ва қабилалар ўз тотеми номи билан, масалан, туякуш уруғи, илон уруғи, бургут уруғи, қурбақа уруғи, балиқ уруғи каби номлар билан юритилган. Уруғ аъзолари тотем ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимликни ўлдириш, отиш, овлаш, беҳурмат қилиш ёки нобуд қилиш, таомга ишлатиш тақиқланган. Бундай одатга Табу дейилган. Кейинчалик бу тақиқлар йўқола борган ва тотемнинг фақат баъзи қисмлари – калласи, буйраги ёки жигарини истеъмол қилиш тақиқланган. Тотем ҳисобланган ҳайвонни сўйиш вақтида ундан узр сўраганлар, гуноҳини соқит қилишга уринганлар. Тотемга кейинчалик ёмғир, қуёш, ой, шамол, чакмоқ ва бошқалар ҳам киритилган.

Шундай қилиб ибтидоий одам ўзини табиатдан ажратмаган, ўзи ва уни ўраб олган борлиқдаги нарса ва ходисалар орасида қон-қариндошлик мавжуд деб тасаввур қилган.

Ҳозирда қўлланилиб келинаётган мучал йиллари ҳам тарихан тотемизм билан боғлиқдир. Чунончи, сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товук, ит, тўнғиз йиллари шу жумладандир.

Тотемизмнинг айрим унсурлари баъзи халқларда сақланиб келмоқда. Масалан, Хиндистонда сигир, илон, маймун ва филни, австралияликлар кенгуруни ҳамон муқаддас ҳайвон деб эъзозлаб келинаётганлигини кўришимиз мумкин.

2. Фетишизм.

Фетишизм ҳам энг қадимги, яъни ибтидоий дин шаклларида бири. Фетишизм – португалча «фетишо», французча «фетиш» сўзидан олинган бўлиб «сехрли нарса», «сехрли буюм» деган маънони билдиради. Фетишизм – жонсиз нарсаларда қандайдир ғайритабиий куч бор деб уларга ишониш, сиғиниш, улардан мадад кутиш демакдир. Фетишизм хилма-хил шаклда намоён бўлиб келган ва у ҳозирги барча динларда ҳам учрайди.

Бундай фетиш тош, таёқ, дарахт, бирорта нарса, моддий буюмлар бўлиши мумкин. Бундай фетишлаштирилган буюмлар кейинчалик тумор, санам, бут қабилар бўлган, улар ҳозир ҳам учраб туради. Ибтидоий одамлар мазкур буюм-фетишлар мўжизали, ўзларининг ҳаётига таъсир қилиш қобилиятига эга эканлигига ишонганлар, ундан мадад ва ёрдам кутганлар.

Шундай қилиб фетишизмнинг моҳияти ибтидоий одамларнинг даҳшатли табиат кучлари олдида ожизликлари натижасида хурофий кўрқинч туйғулари асосида қандайдир ғайритабиий кучдан мадад кутиш, унинг ҳимоясига умид боғлашдан иборат диний хис-туйғудир, деб айтишимиз мумкин.

Икона (худо тасвирига), «муқаддас» дарахт ва тошлар, азиз авлиёлар уларнинг қабрларига, ҳар хил туморларга, кўзмунчоқ ва бошқаларга сиғиниш, уларни муқаддас деб билиш фетишизмнинг бизгача етиб келган қолдиғидир.

3. Анимизм.

Анимизм ҳам ибтидоий дин шаклларида биридир. Анимизм – лотинча «анима» сўздан олинган бўлиб, жон, рух деган маънони англатади. Бу ном инглиз этнографи Э.Тэйлор томонидан киритилган. Анимизмнинг моҳияти киши руҳининг, жонининг борлиги ва унинг ўлмаслигига ишонишдир. Анимизмда руҳлар табиий ходисларни бошқаради, унга таъсир ўтказиши деб ҳисобланади. Бу руҳлар ё саҳий ёки кишилар бахтига, ҳаётига таҳдид солувчи бўлиши мумкин деб тасаввур қилинган. Ибтидоий одамлар вафот этган кишиларнинг руҳлари абадий, ўлмас деб ҳисоблаб, уларга сиғинганлар. Улар ўз таналари тузилишини, киши ўлиши, туш кўриши ва жасадлари билан боғлиқ ходисаларни тушуна олмай, жонни мавжуд бир нарса деб билиб, киши ўлиши билан жон танани тарк этиб кетади, бошқа нарсаларга яъни ҳайвонларга, ёш чақалоқ болаларга ўтади деб тасаввур қилганлар. Уйқуни жоннинг киши танасини вақтинча ташлаб кетиши, тушни эса киши ухлаб ётганда жоннинг бошқа ўлиб кетган кишиларнинг жони билан учрашуви деб билганлар.

Анимизмга эътиқод қилганлар одам ўлгандан сўнг жон танадан чиқиб кетади ва ўлмайди, абадий яшайди деб ҳисоблаганлар. Шу асосда руҳнинг ўлмаслиги тўғрисидаги тасаввурлар юзага келган. Шу билан бирга ибтидоий одамлар ҳар бир нарсанинг ўз руҳи-жони бор деб тасаввур қилган.

Қадим Туркистонда марҳумнинг жонини, руҳини «арвоҳ» деб аташган. Арвоҳ эса узокқа кетмай шу жойда айланиб юради, уйдаги барча ишлардан хабардор бўлиб туради деб ўйлаганлар. Арвоҳларни рози қилиш, ғазабини келтирмаслик мақсадида ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказганлар.

Ўтган аждодлар арвоҳига сажда қилиш, уларни хотирлаш, табиат ва табиат кучларига сиғиниш натижасида муқаддас жойлар, авлиёларнинг қабрлари вужудга келган.

4. Шоманизм.

Шомонизм ҳам кишилиқ жамиятининг энг қадимги даврларидаги динларидан биридир.

«Шомон» тунгусча сўз бўлиб «ўта ҳаяжонланган», «жазавали киши» деган маънони англатади. Бу диннинг руҳонийси шомон ҳисобланган. Шомонизмда айрим кишилар алоҳида илоҳий қудратга эга эканлигига ишонадилар. Шомонлар ўз қавмларини, одам яхши ва ёвуз руҳлар, арвоҳлар паноҳида, ҳомийлигида яшайди, одамнинг соғлиғи, бахти ва тақдири шуларнинг қўлида, деб ишонтарадилар.

Шомонлар одамлар ва руҳлар ўртасида воситачилиқ қила олиш қудратига эга бўлган кишилардир. Одамлар шомонлар келажакни олдиндан айтиб бериш, узок жойлардаги воқеаларни билиш, касалликларни даф этиш, табиат ходисаларини ўзгартириш ва бошқаларга қодир деб қараб уларга ишонганлар. Шомонлар ғайритабиий қобилиятига эга бўлиб, ашула айтиш, рақсга тушиш, ноғора, чилдирма чалиш йўли билан жазавога тушиб, ёвуз ва саҳий руҳлар билан бевосита алоқа ва муносабатда бўлиш орқали

касалликларни даволаш, табиат кучларини жиловлаш, пол боқиш амалларни бажаришган.¹

Шомонлар одамлар диққатини ўзига қаратиш учун турфа расм-русмларга риоя қилишган, турли буюмлар осилган махсус кийимларни кийишган, кўнғирокли чилдирма ва ноғоралардан фойдаланганлар.

Хулоса шуки, шомонизмнинг тотемизм, фетишизм, анимизмдан фарқи бор. Бу динларда одамлар ҳайвонлар, ўсимликлар, турли буюмлар ва руҳларга сиғинган бўлса, шомонизмда одамлар одамга-шомонга ишонган ва сиғинган.

5. Сеҳргарлик (магия).

Ибтидоий дин шаклларида яна бири сеҳргарликдир. Сеҳргарлик одамга, ҳайвонга, табиатга маълум мақсадни кўзлаган ҳолда ғайритабиий йўл билан таъсир этиш учун қилинадиган ҳатти-ҳаракатлар, дуолар ва ишлардир.

Сеҳргарлик ёлғон ва кўзга кўринмайдиган сеҳрли алоқа ва таъсирларнинг табиатда мавжудлигига ишонириш, айрим ҳолларда одам билан табиат орасидаги муносабатларга ҳам ўзаро таъсир ўтказиш, бир одамнинг иккинчи бир шахсга таъсир қила билиш қобилиятига эга эканлигини уқтиришдан иборат диний эътиқоддир.²

Сеҳргарлик йўли билан кўпинча ҳавф-хатардан сақланиш ёки душманга зарар етказиш мақсадида узоқ масофадан бўлсада, жисмоний ҳамда ножисмоний таъсир ўтказишга ҳаракат қилинган. Бу иш билан жодугарлар, азойимхонлар, фолбинлар, дуохонлар, бахшилар шуғулланганлар.

Сеҳр-жоду қилишнинг турлари турли-туман бўлиб, унга асосан куйидагилар киради. Бировга ёки душманга зиён-заҳмат етказиш, ҳарбий сеҳргарлик, муҳаббат сеҳргарлиги, иситма-совутма, касалликдан даволаш сеҳргарлиги, ёмон ёки ёвузликдан кўриқлаш сеҳргарлиги ва бошқалар.

Сеҳргарлик барча динларда ҳам муҳим ўрин олганлиги билан ажралиб туради.

Хулоса шуки, сеҳргарлик одам, ҳайвон ва табиатга ғайритабиий йўл билан таъсир ўтказиш мақсадида маълум кишилар томонидан бажариладиган ҳатти-ҳаракатлардир.

6. Марказий Осиё халқлари ҳаётида ибтидоий динларнинг намоён бўлиши хусусиятлари.

Биз юқорида кўриб чиққан ибтидоий динларнинг деярли ҳаммаси Марказий Осиёга тарқалган. Масалан, халқимизнинг қадимий аجدодлари қалдирғоч, мусича, лайлак, кўкқарғаларни муқаддас ҳисоблаб, уларга сиғинганлар, уларни асраб-авайлаб, озор бермай, яшаши ва кўпайишига кўмаклашганлар. Ана шундай муқаддас ҳисобланган баъзи ҳайвон ва қушларнинг суяк қисми, тиши, тирноғи, пати ва ҳакозоларни тумор шаклида

¹ Қаранг. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2002. Тўлдирилган иккинчи нашри, 230-бет.

² Қаранг. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. 48-бет.

ишлатиб келганлар. Булар асли тотемистик диний эътиқоднинг намоён бўлиш шаклидир.

Халқимиз томонидан ҳозирда ҳам седана, тасбех, кўзмунчоқ, калампирмунчоқ, исирикни, дарахтлардан: ёнғоқ, чинор, анжир, қайрағоч ва бошқаларни табаррук деб билиш, муқаддаслаштириш эса фетишистик диний эътиқоднинг кўринишларидир.

Марказий Осиё халқлари орасида кенг тарқалган анимистик тасаввурлар билан узвий боғланган азиз-авлиёлар, муқаддас жойлар, табиат ва аждодлар руҳига сиғиниш, арвоҳларни эслаб улардан мадад сўраш, улар учун худойи, жонзот сўйиб қурбонликлар қилиш, ис чиқариш, мозорлардаги қабр устига шам ёқиб қўйишлар ҳам ибтидоий диний тасаввурларнинг ўзига хос равишда намоён бўлишини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, бундай эътиқодлар асосан йўқолиб кетган бўлса ҳам, сарқитлари ҳали хануз сақланиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
2. И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
3. И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
4. И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
5. И.Каримов. Халоллик ва фидоийлик-фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
6. И.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – таракқиёт омили. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
7. И.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
8. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998й.
9. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 199й.
10. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
11. И.Каримов. Хушёрликка даъват. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
12. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
13. И.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
14. Миллий истиқлол ояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992й.
16. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
17. Отамуратов С.О., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари (Маърузалар матни) Т., 2000й.
18. Отамуратов С.О., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т., 2002й.

19. Йўлдошев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (Маърузалар матни) Т., 2000й.
20. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
20. Хусанов С. Миржавҳарова Д. Диншунослик (ўқув-услубий қўлланма). Т.: -2005

3-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ДИНЛАР

1. Иудаизм (Яхудийлик) динининг вужудга келиши ва таълимоти.
2. Ведалар дини. Брахманизм. Хиндуизм.
3. Қадимги Хитойдаги миллий динлар.
4. Синтоизм.

1. Иудаизм (Яхудийлик) динининг вужудга келиши ва таълимоти.

Миллий динлар деб маълум бир халқ, миллат вакиллари эътиқод қиладиган, бошқа халқлар ва миллатлар орасида деярли ёйилмаган динга айтилади.

Энг қадимги миллий динлардан бири Иудаизм (Яхудийлик) динидир. Иуда – Яхудий миллатининг энг қадимги қабилаларидан бирининг номидир. Бу диннинг келиб чиқиши ва шаклланиши яхудийларнинг ўтмишдаги оғир, машаққатли, жабру-жафоли ҳаёт йўли билан боғлиқ ҳолда кечган. Чунончи, яхудийлар эрамиздан аввалги мингйилликларда Мисрликлар, Оссурияликлар, Вавилония, Эрон шаҳоншоҳлари, Рим империяси каби мамлакатлар асирлиги ва зулми остида ғоят аянчли ҳаёт кечирганлар. Шу туфайли бундай азоб ва уқубатлардан, қувғинликлардан қутилиш, яхудийларни озод қилиш учун халоскорнинг келиши (мессия) ҳақидаги ғоя юзага келган. Буни мессинизм деб юритилади. Бунга кўра охирзамонда Яхве яхудийлар орасидан бир халоскорни чиқаради ва у қуйидаги вазифаларни бажаради: 1. дунёни қайтадан, ислоҳ қилган ҳолда қуриш; 2. барча яхудийларни Синай тепалиги атрофида тўплаш; 3. уларнинг (яхудийларнинг) барча душманларини жазолаш.

Яхудийлик динининг юзага келиши ва шаклланиши даври эрамиздан аввалги XIII асрга, Фаластин ерларини Исроил қабилалари томонидан босиб олиниши даврига тўғри келади. Эрамиздан аввалги X асрга келиб Яхудий давлати вужудга келади. Бу давлатнинг вужудга келишида Иуда қабиласи муҳим рол ўйнаган. Мустақил Яхудий давлати барпо бўлгандан сўнг ана шу қабиланинг худоси Яхвега сиғиниш жорий этилган. Соломон (Сулаймон пайғамбар) подшолиги даврида, яъни эр.ав X асрда ҳашаматли Яхве ибодатхонаси қурилган.

Янги эранинг 133 йилига келиб римликлар томонидан яхудийлар Фаластин ерларидан хайдаб чиқарилади. Шу тариқа яхудийлар турли мамлакатларга тарқалиб кетадилар.

Яхудийлар қайси давлатга бориб яшаган бўлсалар, у ерларда ўзларининг жамоаларини тузганлар. Имкони борича ўз динларини сақлаб қолиш мақсадида, тўпланиб турадиган жой-синагог (ибодат уйлари) ларни вужудга келтирдилар.

Тарихий манбаларда Яхудийлар эрамиздан аввалги қувғинликка учраган ва Ўрта Осиё эронликлар қарамоғида бўлган даврларда бу ерларга Эрон орқали кириб келганлиги қайд этилади.

Дастлаб Иудаизм кўпхудолик (политеистик) дин бўлган. Эр.ав. X-VI асрларда Иудаизм яккахудолик (монотеистик) динга айланган.

Яхудийлик динининг муқаддас китоблари Таврот, Забур ва Талмуд ҳисобланади. Таврот қадимий яхудий тилидаги «Тора» сўзидан олинган бўлиб «қонун» деган маънони билдиради. Таврот эр.ав. 1586 йилларда Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган бўлиб, уни «Мусо беш китоби» деб ҳам юритилади. Таврот эр.ав. 5-асрда китобат қилинганлиги манбаларда қайд этилади.

Мусо алайҳиссалом Тур тоғида худо Яхве билан учрашганда унга 10 та насиҳат лавҳани туширган бўлиб, булар Яхудийлик динининг асосини ташкил этади. Уларнинг қисқа мазмуни қуйидагилар:

1. Яхведан бошқани илоҳ деб ишонмаслик;
2. Бут, санам ва расмларга сиғинмаслик;
3. Бекордан бекорга худо номи билан қасам ичмаслик;
4. Шанба кунини ҳурмат қилиш ва уни худо учун бағишлаш;
5. Ота-онани ҳурмат қилиш;
6. Ноҳақ одам ўлдирмаслик;
7. Зино қилмаслик;
8. Ўғрилиқ қилмаслик;
9. Ёлғон гувоҳлик бермаслик;
10. Яқинларнинг нарсаларига кўз олайтирмаслик.¹

«Забур» Довуд алайҳиссаломга Худо томонидан нозил этилган бўлиб эр.ав. 1050-900 йиллар орасида китобат қилинган.

Забур қадимги диний-муסיқавий шеърят бўлиб, у асосан Худога бағишланган мадҳиялар, диний алқов кўшиқлар, дуолар, шукроналар, худога илтижолар, нолаю фиғонлар, душманлар устидан шикоят ва бошқалардан иборат.

Яхудийлик динининг муқаддас китоби Талмуд Тавротга ёзилган тафсир яъни шарҳлардан иборат. Талмуд – яхудийча сўз бўлиб «ўрганиш» деган маънони билдиради. Уни оғзаки қонун ҳам деб юритилади. Талмуд Мишна ва Гемара китоблари мажмуидан иборат бўлиб, Мишна раввинлар (руҳонийлар) томонидан Тавротга ёзилган шарҳлар, Гемара эса Мишнага ёзилган шарҳларни ўз ичига олади. Талмудда яхудийларнинг ғоявий, диний, ҳуқуқий, ахлоқий қонун қоидалари, урф-одатлари, анъаналари баён қилинган.

¹ Қаранг. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. 97-бет.

Таврот ва Забур Библиянинг «қадимги аҳд» қисмига киради. Библия – китоблар деган маънони билдиради. «Қадимги аҳд» яҳудийларнинг худо билан аҳдлашувини билдиради. Исо алайҳиссаломга нозил бўлган Инжил Библияга «Янги аҳд» бўлиб кирган. У худо билан яҳудийларнинг янгитдан аҳдлашувини билдиради.

Шундай қилиб, Библия – «Эски аҳд» ва «Янги аҳд» деб номланган икки қисмдан иборат.

Библиянинг «Қадимги аҳд» қисми беш китобдан иборат бўлиб, у «Мусонинг Беш китоби» деб ҳам аталади. 1-китоб «Борлик» деб аталиб, унда Олам ва инсонларнинг худо томонидан яратилганлиги баён қилинган. 2-китоб «Чиқиш» деб аталиб, унда Мусо алайҳиссаломнинг ҳаёти, яҳудийларнинг Миср асирлигидан озод бўлиши баён қилинган. 3-китоб «Сонлар» деб юритилиб, унда яҳудийларнинг миср асирлигидан қутулиб то Фаластин ерларини босиб олгунларига қадар ҳаёти тасвирланган. 4-китоб «Ловийлар» бўлиб оилавий ҳаёт масалалари баён қилинган. 5-китоб «Иккинчи қонун» дейилиб, диний қонун-қоидалар баён қилинган.

Яҳудийлик динининг маросимлари ниҳоятда кўп бўлиб, уларга амал қилиш қаттиқ назорат қилинган. Чунончи, ҳар бир диндор 248 та амри-маъруф - яхши ишларга ундовчи буйруқни ва 365 та наҳий-мункар – ёмон, гуноҳ ишлардан тийилиш, тақиқини ёддан билиши, уларни бекаму-кўст бажариши қаттиқ назорат қилинади.

Яҳудийларнинг байрамлари ичида энг эътиборлиси песаҳ (Пасха) байрами бўлиб, яҳудийларнинг Мисрдаги қулликдан қутилиб чиққанликларини нишонлашга бағишлаб ўтказилади. Шабуот байрами эса Синай тоғида Мусо алайҳиссаломга Яхве томонидан Торанинг берилишини нишонлаб ўтказиладиган байрам. Сентябрь охири Октябрь ойининг бошларида янги йил байрами – Рош – Ашона байрами нишонланади. Покланиш байрами Йом-Кипур дейилади. Бахорда яҳудийларнинг Форс подшоҳи Ҳомон зулмидан қутилганликлари шарафига бағишлаб Пурим байрами ўтказилади.

Яҳудийлик динида Садуқийлар, Фарзийлар, Ессейлар, Сионизм каби оқимлар бор. Жумладан, Сионизм қадимги Яҳудия пойтахти Ирусалим (Қуддус) яқинидаги Сион (Синай) тепаликларининг бири номидан олинган бўлиб, дастлаб бу оқимнинг мақсади бутун дунёга тарқалиб кетган яҳудийларни бир ерга тўплаб ягона яҳудийлар давлатини қайта барпо этиш бўлган. Кейинчалик бу оқим яҳудийларнинг реакцион-миллатчилик, шовинистик мафкурасига айлантириб юборилган. Хозирда Сионизм «Жаҳон яҳудий миллати» - «Олий миллат» деган реакцион ғояни илгари суриб келмоқда.

Иудаизм динига эътиқод қилувчилар 18 миллионга яқин бўлиб, уларнинг учдан бир қисми АШҚдадир.¹

¹ Қаранг. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Тошкент 2002, 4-жилд, 295-бет.

Шундай қилиб, Иудаизм (Яҳудийлик) дини энг қадимги миллий динлардан бўлиб у Христианлик ва Ислом динининг вужудга келишига катта таъсир ўтказган. Бу диндаги кўплаб талаб ва тақиқлар мавжудлиги, ундаги Сионизм каби оқимда миллатчилик, шовинизм каби реакцион ғояларнинг илгари сурилиши унинг жаҳон дини даражасига кўтарилишига тўсқинлик қилди.

2. Ведалар дини. Брахманизм. Хиндуизм.

Ведалар дини, Брахманизм ва Хиндуизм қадимги миллий динлардан саналади. Ведалар дини эр.ав. 1-минг йилликда Хиндистонда вужудга келган. У брахманизм ва хиндуизм дини шаклланишининг дастлабки босқичи. Веда динида дастлаб табиат кучлари ва ходисалари инсон қиёфасига ўхшатиб тасаввур этилган. Бу динда яхши ва ёмон худолар, руҳлар ҳақидаги тасаввурлар асосий ўрин эгаллаган. Веда динида кўпхудолик – полетизм ҳукмрон бўлган. Унинг сиғиниш маросимлари асосан худоларга қурбонлик қилиш, овқат, ҳайвонлар келтириш, махсус ичимликлар эҳсон қилиш ва бошқа расм-русумларни бажаришдан иборат бўлган.

Дастлаб алоҳида руҳонийлар ва ибодатхоналар бўлмаган. Кейинчалик диний ибодатларга бошчилик қилувчи коҳинлар, уларнинг юқори табақалари-браҳманлар келиб чиққан.

«Веда» сўзи санскритча бўлиб «башорат», «муқаддас билим», «олий донишмандлик» маъноларини англатади. Бу динининг таълимоти қадимги хиндларнинг тўрт китобдан иборат Ведалар тўпламида баён этилган. Ведалар тўпламлари эр.ав. 2-минг йилликнинг бошларида яратилган.

Ведалар қуйидаги китоблардан иборат: «Ригведа», «Самаведа», «Яжурведа», «Атхарваведа». Бу китоблар ичида энг қадимгиси «Ригведа» ҳисобланади. Унда табиатдаги нарса ва ходисалар: осмон ўзгариши, қуёш, юлдузлар, момақалдирак, шамол, ёмғир, тоғлар, дарёлар илоҳий кучлар сифатида гавдалантирилиб, улар шарафига кўшиқлар, мадҳиялар тўқилган, уларга қурбонликлар келтирилган. Инсоният ҳаёти, унинг қандай кун кечириши, бахт-саодати ана шу кучларга боғлиқ ҳолда тасаввур қилинган. «Ригведа» 1028 шеърини кўшиқдан иборат бўлиб, унга кўра Индра – момақалдирак; Митра – қуёш; Варуна – осмон; Агни – олов; Яма – ажал, ўлим келтирувчи; Сама – ой; Рита – коинот тартибини ушловчи худо ва мабудлар деб тасвирланган.¹

2-китоб «Самаведа» (кўшиқлар ведаси) 1549 кўшиқдан иборат бўлиб, «Ригведа»ни тўлдирди.

3-китоб «Яжурведа» (қурбонлик ведаси) бўлиб, унда қурбонлик қилиш, оловга сиғиниш маросимлари куйланади.

4-китоб «Атхарваведа» (Жодугарлик ведаси) 731 кўшиқдан иборат бўлиб, унда душманлар, илонлар, касалликлар каби инсонга зарар келтирувчи кучлар лаънатланилади, сиҳат-саломатлик тилаш билан боғлиқ дуо-афсунлар баён қилинган.

¹ Қаранг. Ўзбек миллий энциклопедияси. Тошкент. 2001. 2-жилд, 410-бет.

Ведалар қийин тилда ёзилганлиги сабабли, кейинчалик уларга шарҳ ва изоҳлар ёзилган. Ведаларга ёзилган бундай диний-фалсафий изоҳлар «Упанишад» деб юритилади. «Упанишад» - санскритча сўз бўлиб, устознинг ёнида ҳақиқатни билиш учун ўтирмақ деган маънони билдиради. Упанишадлар эр.ав. VII-III асрлардан бошлаб мелодий XIV-XV асрларгача тузиб борилган ва уларга 250 га яқин асарлар киритилган.

Упанишадларда Брахма олий ибтидо, жисм ва ходисалар асоси ва сабаби, барча борлиқнинг боши ва охири деб кўрсатилади. Брахма – киёфасиз худо, мутлоқ куч деб талқин этилиб, барча нарсалар ўшандан – яъни Брахмадан пайдо бўлган, ўша билан яшайди ва ўлгач, яна ўшанга қайтади. Барча нарсалар брахмадир, брахма эса атмандир дейилади. Атман – бу умумий жон, руҳ демакдир. Моддий дунё, жумладан, инсон ҳам, атман – брахмадан пайдо бўлган ва яна ўшанга айланади, инсоннинг жони аввалги моҳиятига бутунлай қайтиб, у билан яна қўшилиб кетади.

Ҳар бир инсон илоҳий куч томонидан белгиланган ҳаёт кечирish қонунига мувофиқ яшаши керак, кимки бу қонунни бузса, унинг жони келгусида бирон ҳайвон ёки хашорат танасида қайта дунёга келади. Бу қонунни бузмаган одамнинг жони эса келгусида юқори табақа вакилларига мансуб инсон танасида қайта пайдо бўлади, деб таълим берилади. Инсоннинг яшашдан мақсади ҳам ана шунда деб тушунтирилади.

Брахманизм ҳам қадимги хинд дини бўлиб, унинг номи Ведалар китобида келтирилган хинд олий табақа вакиллари – брахманлар (рухонийлар) номидан олинган. Бу динда қадимги Хиндистондаги ижтимоий табақаланиш ҳимоя қилинади. Брахманизм таълимотига кўра хинд жамияти 4 та каста (табақа)га бўлинган. Булар қуйидагилар: 1-каста Брахманлар (рухонийлар) энг олий табақа ҳисобланган. 2-каста Кшатрийлар – подшолар, князлар, харбийлардан иборат. 3-каста Вайшийлар – савдогар ва хунармандлардан иборат табақа. 4-каста – Шудрийлар энг паст табақа бўлиб, улар оддий халқ, деҳқонлардан иборат.

Брахманлик Веда дини асосида милоддан аввалги минг йиллик бошларида вужудга келган. У моҳиятан веда динининг ривожланган шаклидир. Бу динда Брахма, Шива ва Вишну худолари тан олинади. Брахма – коинотни яратувчиси, унга жон ато этувчи; Вишну – табиатни асровчи; Шива – табиатни вайрон этувчи худо деб тасвирланади, эътироф этилади. Брахманликда сигир, маймун, айрим ўсимликлар муқаддаслаштирилади.

Бу динда жонли нарсалар, шу жумладан инсонлар ҳам ўлгандан сўнг қайта тирилиш, туғилиш хусусиятига эга дейилади. Шу асосда жоннинг кўчиб юриши тўғрисидаги қарашлар диний жиҳатдан асослаб берилган.

Эр.ав. VI-V асрларда буддизм вужудга келди ва брахманизмга қарши кураш олиб борди. Бу икки дин ўртасидаги кураш жараёнидаги Брахманизм аста-секин хиндуизмга айланиб кетди. Хиндуизм ведалар ва брахманлик динлари заминида вужудга келган кўп худодлик динидир. Брахманликдаги уч худо- Брахма, Вишну ва Шива тан олинади.

Хиндуизмда аждодлар руҳига, тоғлар, дарёлар (хусусан Ганг), нилуфар ўсимлиги, сигир, фил, маймун, илон ва бошқаларни муқаддас ҳисоблаб,

уларга сиғинишади. Ҳар бир хинду Ганг дарёси бўйида ўлим топишини, шу дарё бўйида жасадини куйдиришини ва кулини (ҳокини) шу дарёга сочилишини ўзи учун бахт ҳисоблайди.

Рух (жон)нинг кўчиб юриши тўғрисидаги қараш барча диндорлар учун умумий таълимотдир. Унга кўра, киши ўлгандан сўнг унинг жони янги ўсимлик, ҳайвон ёки инсон танасига кириб олиш йўли билан қайта туғилади. Хиндуизмнинг асосий мақсади инсонни мана шу қайта туғилишдан, азоб-укубатлардан халос этишдир. Бунга эса Брахмага эришиш, жоннинг унга кўшилиб кетиш билан эришилади, дейилади. Бу мақсадга эришиш учун Брахманинг илоҳий моҳиятини тўла билиб олиш, унга меҳр қўйиш, севиш, у кўрсатган йўлдан бориш орқали эришилади деб талқин этилади.

Хиндистонда ҳеч бўлмаса онаси ёки отаси хинд бўлган ва бошқа бирор динга эътиқод қилмайдиган ҳар бир кимса хиндуист ҳисобланади.

VIII асрда Хиндистонда Ислом тарқалиши билан, уни қабул қилмаганларни «хинду» лар деб аташ расм бўлган. Бугунги кунда Хиндистон аҳолисининг 83 фоизи шу динга эътиқод қилади.¹

Хиндистонда тарқалган миллий динлардан бири Жайнизм бўлиб, хозирги кунда бу динга қарийб 3 млн киши эътиқод қилади.² Жайнизм эр.ав. VI асрда вужудга келган. Ривоятларга кўра, жайнизм асрлар оша 24 устоз-пайғамбар орқали етиб келган. Буларнинг сўнггиси Жинна бўлиб шу дин асосчиси ҳисобланади. Ведаларнинг муқаддаслигини, қурбонликлар қилишни, руҳонийлар ва худоларнинг инсон тақдирига ҳал қилувчи таъсирини инкор этади.

Жайнизмда марказий ўринни турли моддий жисмларга мунтазам жойлаша оладиган абадий жон ҳақидаги таълимот эгаллайди. Бунга кўра, инсон жони барча қилмишлари учун жавобгар, чунки бу қилмишлар карма қонуни асосида рўй беради. Карма қонуни танни жон билан боғлайди, инсонни ердаги ишлар билан занжирбанд этади ва унинг кейинги туғилишларини бергилаб беради. Кишилар «ўз жонини ўзи халос қилиши», «қайта туғилишдан озод бўлиши» мумкин. Бунинг учун тақводор бўлиши, Жиннага эътиқод қилиши, Жинна таълимотига ишониши, Жинна белгилаган ахлоқ меъёрларига амал қилиши керак.

Жайнизмда икки асосий оқим мавжуд. Улардан бири – дигамбарлар бўлиб, улар ҳаётнинг барча лаззатларидан воз кечганлар, зоҳидлик йўлини тутганлар. Ҳеч нимани, ҳатто оддий тирик жониворларни ўлдирмаслик тўғрисидаги таълимотга амал қиладилар. Кичкина бўлса ҳамки, жониворни ўлдириб қўймайлик деб ҳатто сув ичганларида ҳам оғизларини латта билан беркитадилар.

Хиндистонда XVI асрда шаклланган миллий динлардан яна бири Сикҳизмдир. Сикҳизм – санскрит тилида «шоғирд» деган маънони билдиради. Бу диннинг асосчиси сиклар қабиласи ичидан чиққан гурух (устоз) Нанак деган киши бўлган.

¹ Қаранг. Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. «Шарқ», Тошкент-1998, 44-бет.

² Ўзбек миллий энциклопедияси. Тошкент –2002. 3-жилд, 530-бет.

Бу динда ягона, қиёфасиз Худога эътиқод қилинади. Улар Борлиқ ва оламдаги барча ходисалар яратувчининг олий қудратининг натижасидир, барча одамлар эса Худо олдида тенгдирлар деб билиб, хиндуизмдан юз ўгирганлар. Хиндистон жамиятидаги диний бўлинишга қарши бўлганлар.

Шундай қилиб умумбашарият маданият ўчоқларидан бири бўлган Хиндистонда асрлар оша ведаизм, брахманизм, хиндуизм, жайнизм, сикхизм каби миллий динлар шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

3. Қадимги Хитойдаги миллий динлар.

Даосизм қадимги хитой фалсафасидаги йўналишлардан бири. Эр.ав. VI-V асрларда вужудга келган. Асосчиси Лао-цзи ҳисобланади. Унинг ғоялари «Дао дэ цзин» китобида баён этилган. Даосизмга кўра табиат ва инсон ҳаёти «илоҳий самовий қонун» га боғлиқ эмас, балки нарсаларнинг табиий йўли, қонуни – «дао» га асосланади. «Дао» - «йўл» деган маънони билдиради.

Даосизм фалсафий таълимоти асосида I-III асрларда даосизм диний таълимоти вужудга келган. Бу динга Чжан Дао – лин асос солган. Даосизм дини урф-одатлари анимизм ва сеҳргарликка ишонишга асосланган. Бу динда уч худо – Шан ди, Лао-цзи ҳамда дунёнинг яратувчиси Пань гу ғоялари илгари сурилади. V асрдан Даосизм диний таълимоти, маросимлари расмийлашиб давлат дини бўлиб қолган. Даосизм коҳинлари шахснинг ахлоқий ўз-ўзини такомиллаштириш ғоясини тарғиб қилиб, диндорларга узок умр кўришнинг муайян усулларини таклиф қилганлар. Кейинчалик Даосизм Хитойда ўз мавқеини йўқотиб ўрнини бошқа динларга бўшатиб берган. Хозир унинг тарафдорлари нисбатан озчиликни ташкил этади.

Қадимги Хитойда Лао-Цзи фалсафий таълимоти билан деярли бир даврда Кун-Цзи (Конфуций – эр.ав. 551-479) нинг фалсафий таълимоти ҳам юзага келган.

Конфуцийнинг фикрича, ҳар бир инсон жамиятда ўзининг ўрнини билиши керак. Яъни «подшо-подшолик қилиши, хизматкор-хизматкорлик, ота-оталик, ўғил-ўғиллик қилиши» зарур. Инсон тақдирини «осмон» белгилайди, одамларнинг бой ёки камбағал, яхши ёки ёмон кишиларга бўлинишини ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун кичик каттага, пастда турувчи юқорида турувчига сўзсиз итоат қилиши лозим. Конфуцийчилик қадимги Хитой динларида табиатга, қаҳрамонларга, аждодлар руҳига, арвоҳига сиғинишни қабул қилган. Бу динда Осмон олий худо деб таърифланади. Инсон бутун фаолиятини «Осмон» билан келишган ҳолда олиб бориши зарур, дейилади. Конфуций айтганидек, «ўлим ва туғилиш осмоннинг ҳукми, бойлик ва фаровонлик унинг иродасига боғлиқ». Янги эранинг III асрига келиб конфуцийчилик давлат дини деб эълон қилинади, император «Осмон ўғли» ва бош коҳин деб танилади. Бу динда диний-ахлоқий масалаларга, инсонпарварликка алоҳида аҳамият берилган. Аммо буларнинг ҳаммаси император ҳокимиятини, зодогонлар ҳукмронлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Унда «осмон ўғли – императорни ота-онадек

хурмат қилиш, унга итоат қилиш олий бурч» деб айтилади. Кишининг ҳаёт мақсади амалдорга, подшоҳга хизмат қилишдир деб кўрсатилади.

Конфуцийчилик IX асрда буддизм, XI асрда даосизм устидан тўла ғалаба қозонди.¹

4. Синтоизм.

Синтоизм Японлар эътиқод қиладиган миллий диндир. Бу дин VI-VII асрларда шаклланган. Синтоизмнинг таржимаси «Худо йўли» демакдир. Бу динга буддавийлик динининг таъсири кучли бўлган. Синтоийлик таълимотининг асосини император ҳокимиятининг илоҳийлиги тўғрисидаги ақида ташкил этади.

Синтоийликда ҳам Конфуцийчиликдаги каби аجدодларнинг оила-уруғига эҳтироми катта роль ўйнайди. Бу дин таълимотига кўра, вафот этган ҳар бир одам Ками (барча руҳ ва худоларнинг умумий номи) га айланади. ҳар бир Японнинг уйида оилавий меҳроб бўлиб ундаги кичкина шкафчага вафот этган оила аъзоларининг номлари ёзилган тахтача қўйиб борилади.

Синтоизм маросимларининг бажарилиши жуда осон ва соддалиги билан ажралиб туради. Чунончи бу дуо сўзларини ўқиш ва гуруч, сабзавот, балиқ кабиларни қурбонлик қилишдан иборат, халос. Синтоизмда озодалик ва тозалик масаласига алоида эътибор берилади. Тоза бўлмаган ишга қўл урган одам албатта покланиш маросимини бажариши лозим. ҳар йили Японияда 30 июн ва 31 декабрда умумхалқ покланиш тадбири ўтказилади. Бу диннинг ахлоқий тамойили ҳам жуда оддий. Ундаги энг муҳим ахлоқий бурч – императорга сўзсиз итоат этмолик. Император саройи ва уларнинг қабрлари муқаддас жой саналади.

Синтоийликда ақидавий муқаддас китоблар йўқ, аммо ҳар хил афсоналар, ривоятлар махсус мифологик солнома «Кадзики» номли тўпламда жамланган.

Хозирда японларнинг 49,4 фоизи синтоизм, 44,7 фоизи эса буддавийлик, қолган аҳоли христианлик ва бошқа динларига эътиқод қиладилар. ҳаётий маросимлар – чақалоқларга дуо ўқиш, никоҳ ўқиш синтоистлар ибодатхонасида, дафн маросимлари буддистлар ибодатхонасида ўтказилади.²

Синтоизм 1868-1945 йилларда давлат дини бўлган.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
2. И.Каримов. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
3. И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996й.

¹ Қаранг. Ўзбек миллий энциклопедияси. Тошкент – 2003. 5-жилд,

² Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. 54-58-бетлар.

4. И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
5. И.Каримов. Халоллик ва фидойлик-фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
6. И.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
7. И.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
8. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998й.
9. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 199й.
10. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
11. И.Каримов. Хушёрликка даъват. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
12. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000й
13. И.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
14. Миллий истиқлол ояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992й.
16. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
17. Отамуратов С.О., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари (Маърузалар матни) Т., 2000й.
18. Отамуратов С.О., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т., 2002й.
19. Йўлдошев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (Маърузалар матни) Т., 2000й.
20. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
20. Хусанов С. Миржавҳарова Д. Диншунослик (ўқув-услубий қўлланма). Т.: -2005

4-МАВЗУ: ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ ВА УНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ «АВЕСТО»

РЕЖА:

1. Зардуштийликнинг ватани ҳақида.
2. Зардуштийликнинг вужудга келиши ва тарқалиши
3. Зардуштийлик таълимоти. Авесто.
4. Зардуштийликнинг Ўрта Осиё халқлари маънавияти ва маданиятида тутган ўрни.

1.Зардуштийликнинг ватани ҳақида.

Зардуштийлик дини дастлабки ва энг қадимий жаҳон динларидан бири.

Ўтмишда Зардуштнинг ва «Авесто» нинг ватани қаерда бўлганлиги тўғрисида баҳс-мунозаралар бўлиб икки хил фикр илгари сурилган. Биринчиси «Ғарб назарияси» бўлиб, бу назария тарафдорлари ҳозирги эрон территориясида жойлашган Медиа Зардушт ватани, Зардуштийлик дини ана шу ерда юзага келган ва бошқа ўлка халқлари ўртасида тарқалган, деган фикрни илгари суриб келмоқдалар.

Иккинчи фикр «Шарқ назарияси» деб юритилиб, бу назария тарафдорлари Зардуштининг ватани ва Зардуштийлик динининг юзага келган, илк тарқалган жойи қадим Хоразм бўлган деб эътироф этадилар.

Кўп йиллик баҳс-мунозаралардан сўнг пировардида ўттиздан ортиқ хорижий авестошунос олимлар ва ўзимизнинг тадқиқотчи олимларимиз Зардуштнинг ва «Авесто» нинг ватани Ўзбекистон, қадим Хоразм бўлган деган қатъий бир фикрга келганлар. Тадқиқотчи олимларнинг бундай яқдиллик билан чиқарган хулосаларини БМТнинг фан, маориф ва маданият бўлими – ЮНЕСКО ҳам тасдиқланган.

Шундай қилиб, Зардуштийлик Марказий Осиёда шаклланиб, кейинчалик Эрон ва бошқа ўлкаларга тарқалган.¹

Шу ўринда яна шуни таъкидлаш жоизки, айрим тадқиқотчилар Зардуштийликни миллий динлар қаторига киритиб келмоқдалар. Аммо, кўпчилик Авестошунос олимлар Зардуштийлик дастлаб Хоразмда вужудга келиб, сўнгра Парфия, Бактрия, Суғдиёна, Паркана (Фарғона), Озарбайжон, Эрон, Хуросон, Ироқ, Сурия, Хабашистон, Хитой, Муғулистон, Шимолий Хиндистон каби мамлакатлар ҳудудларида кенг тарқалиб етган жаҳон дини деган фикрни эътироф этиб келмоқдалар.

Шуларга асосланиб Зардуштийликни яқка худоликни тарғиб этган биринчи жаҳон дини дейишимизга асос бор.

Жаҳон динлари деб эса, маълум бир ҳудудда яшовчи халқ орасида юзага келиб, сўнг кўплаб ҳудудларда яшовчи халқлар орасига тарқалиб уларнинг эътиқодига айланган динларга айтилади.

Зардуштийлик ҳақида учинчи баҳс-мунозара, муаммо Зардуштнинг қачон яшагани ва унинг тарихий шахси ёки афсонавий шахси деган савол теварагида давом этган.

Айрим тадқиқотчилар Зардушт афсонавий шахс, у тарихда яшамаган деган фикрни илгари суриб келмоқдалар. Аммо кўпчилик олимлар Зардушт тарихий шахс бўлганлигини таъкидлаб келмоқдалар. Чунончи, айрим тадқиқотчилар Зардушт милоддан аввалги XIII-XII асрларда яшаган, бошқалари эса милоддан аввалги XII-VIII асрлар оралиғида, Яна бошқа олимлар эса милоддан аввалги VII-VI асрларда яшаган тарихий шахс деган фикрни илгари суриб келмоқдалар.

Қадимги машхур Юнон тарихчилари Геродот, Плиний, буюк файласуф Платон (Афлотун) Зардушт милоддан олдинги 6400 йилларда яшаган деб ёзиб кетганлар.

¹ Қаранг. Фозила Сулаймонова. Шарқ ва Ғарб. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997. 24-бет; Ўзбек миллий энциклопедияси. 3-жилд, Тошкент -2002. 683-бет; Ислоом энциклопедия. А. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», Давлат нашриёти. Тошкент – 2004. 18-бет.

Юқоридагиларга асосланиб Зардушт тарихий шахс бўлган деган хулосага келишимиз мумкин.¹

2. Зардуштийликнинг вужудга келиши ва тарқалиши

Зардушт сўзининг луғавий маъноси турлича изоҳланиб келинади. Бир таъбирга кўра «Сарик, тилла ранг соҳиби (эгаси)»; бошқа бир таъбирга кўра «Зарин ёруғлик эгаси»; яна бир таъбир бўйича «Оқ туялик, туя боқувчи» демакдир. Баъзи тарихий манбаларда бу номнинг маъноси – «юлдуз ўғлони» деб таърифланган.

Зардуштийлик дин ва унинг муқаддас китоби «Авесто» нинг юзага келиши у шаклланган даврда ўлкамизда яшаган халқларнинг ижтимоий ҳаёти ва кўп-худоликка эътиқод қилишлари билан боғлиқдир. Зардуштийлик вужудга келган даврда Ўрта Осиёда яшаган ққабилалар ўзаро низо ва урушлар натижасида парокандаликка учраётган эдилар. Босқинчилик, зўравонлик, беҳуда қон тўкишлар тез-тез содир бўлиб турар эди. Йўқсилларга нисбатан адолатсизлик, алдамчилик, кишиларнинг мол-мулкани, чорваларини ўғирлаш авж олган эди. Энг ачинарлиси, бу даврларда болалар, қизлар ва ёш йигитларни, гала-гала кўй, қорамол, йилқиларни куёш худоси Молоҳнинг раҳмини келтириш учун унинг шарафига ққурбонлик қилиш, сўйиб юбориш каби ёвуз урф-одатлар ҳукм сурарди. Бундай ёвуз урф-одатлар ўша даврларда одамларни турли маъбуд (худо) ва маъбудаларга, нарсаларга, бут-санамларга, хуллас кўп худоликка сиғиниши оқибатида юз берарди.

Тарихнинг ана шундай чиркин, даҳшатли даврларида Зардушт инсоният халоскори сифатида майдонга чикди. У инсоният тараққиёти учун ғоят зарарли бўлган кўп худолик эътиқодларини ғайриинсоний моҳиятини англаб, кишиларни яқою ягона Олий Тангри – Ахура Маздага эътиқод қилиш ғоясини илгари сурди.

Шундай қилиб, Зардушт вахдоният – якка худога эътиқод қилиш ғоясини илгари сурган пайғамбар сифатида инсоният тарихи саҳнидан ўрин олди.

Барча пайғамбарлар сингари Зардушт ҳам ўзи туғилиб ўсган юртда кадр-қиймат топмайди. Узликсиз таъқиб, тазйиқ, таҳдидлардан бешиб, ўз мухлислари ва тарафдорлари билан Эронга – ахмонийлар шоҳи Гуштаси (Виштасп) хузурига кетади. Шоҳ ва малика Хутаоса бутун сарой аёнлари билан биргаликда Зардуштнинг янги динини қабул қиладилар ва унинг кенг ёйилишига ёрдам берадилар. Натижада Зардуштийлик узил-кесил қарор топади.

3. Зардуштийлик таълимоти. Авесто.

«Авесто» сўзининг луғавий маъноси «ўрнатилган, қатъий қилиб тайин этилган қонун-қоидалар» демакдир. «Авесто» Аллоҳ томонидан ваҳий қилинган самовий, илоҳий китоблар қаторига кирмайди. Аммо

¹ Қаранг. Ўзбек миллий энциклопедияси. 3-жилд, 682-бет.

Зардуштийлик дини шакланган даврда ва ундан кейинги минг йиллар давомида бу динга эътиқод қилувчилар учун муқаддас китоб саналган.

«Авесто» узоқ даврлар мобайнида – милoddан олдинги 3 минг йилликнинг охирларидан бошлаб оғзаки тарзда шаклланиб авлоддан-авлодга ўтиб келган. Ана шу даврлар мобайнида «Авесто» таркибига турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар ва бошқалар қўшилиб борган.

«Авесто» ни Зардушт диний асар сифатида бир тизимга солган, ҳамда ўзи ҳам унинг «Гоҳлар» (Готлар) қисмини ёзиб китобат қилган. Кўп манбаларида Зардуштни илоҳиётчи, пайғамбар, буюк файласуф, нотик, шоир, табиатшунос олим бўлган дейилади.

«Авесто» ҳақида буюк олим Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: «Йилнома китобларида бундай дейилган... Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистоннинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди». Хозир бизгача етиб келган «Авесто», Берунийнинг ёзишича, аслининг бешдан икки қисми, холос. «Авесто» ўттиз «наск» (қисм) эди, мажусийлар қўлида ўн икки наск (қисм) чамаси қолди.¹

«Авесто» авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб, асрлар давомида яширин сақланиб келинган. Кейинчалик Сосонийлар ҳукмдори Ардашер Папакан (227-243) даврида ёзиб олинган. Айниқса, Шопур (243-273) даврида астрология, табобат, риёзиёт ва фалсафага оид қимлари ёзиб олиниб, ҳамма қисмлари тартибга келтирилган ва бу асосий матн тўлдириб борилган. Араблар Эронни 7 асрда босиб олгач, Зардуштийларнинг бир қисми Хиндистонга кўчиб ўтган. Кўчиб ўтган Зардуштийларнинг қўлида «Авесто» нинг тўлдирилган нусхасининг икки тўлиқ қўлёзмаси хозиргача сақланиб келинмоқда. Улардан бири Бомбайда Зардуштийларнинг маданий маркази бўлмиш Кома номидаги институтда, иккинчиси Калькуттадаги Давлат кутубхонасида сақланиб келинмоқда.

«Авесто» - «Ясна», «Гоҳлар», «Виспарад», «Яштлар», «Вандидад» ва «Кичик Авесто» дан иборат.

- «Ясна» - тоат, таъзим, саловатга лойиқ, муносиб маъноларини ифодалайди. У «Авесто» нинг энг қадимги муҳим қисми бўлиб, 72 бобдан иборат бўлган ҳамду сано, қурбонлик дуоларидан ташкил топган.

- «Гоҳлар» - маъноси кўшиқ-гимн демақдир. У ҳам «Ясна» нинг 72 боби сирасига киради. «Гоҳлар» Зардушт томонидан ижод қилинган бешлик кўшиқ-гимнларидир. Уларда яқка худолик таълимоти, икки қарама-қарши кучлар – зиё ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашда ҳар бир инсон яқою-ягона олий Тангри – Ахура Мазда амрига кўра эзгулик кучлари томонида бўлиши куйланади.

¹ Қаранг. Фозила Сулаймонова. Шарқ ва Ғарб. 24-25-бетлар.

- «Виспарад» 24 бобдан иборат ибодатга доир кўшиқлар, хукмдорларга каратилган муножаатлар ва жамийки радлар мадхидир.

- «Яштлар» - мақтовлар, қутловлар, эъзозлар каби маъноларни билдириб, у Зардуштийларнинг ўқиб юрадиган дуолари ва алоҳида илоҳларни мадх этувчи кўшиқ-оятлардан иборат.

- «Вандидад» нинг маъноси ёвуз кучларга, девларга қарши қонун маъносини билдиради. У 22 бобдан иборат.

- «Кичик Авесто» (Хурда Авесто – деб ҳам юритилади.) «Авесто» ҳажми катта китоб, яъни бўйи 120 см, эни 70 см дан иборат бўлганлиги сабабли ундан диндорлар кундалик фаолиятида фройдаланишга қийинчилик туғдирган. «Авесто» дан диндорларнинг кундалик ҳаёти учун зарур ва аҳамиятли бўлган дуолар, олқишлар, кўшиқлар танлаб олиниб, шу асосда «Кичик Авесто» тўплами яратилган.

Зардуштийлик таълимоти Ўрта Осиё ибтидоий даврида мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. Унинг муқаддас китоби «Авесто» - коинот ва замин, инсон ва ҳаёт, ўлим ва абадият сингари бутун инсониятга тегишли бўлган жумбоқ, савол, савоб ишлар ҳақида ҳикоя қилади. Бу китобда коинотнинг дастлабки унсури – ер, сув, ҳаво, олов улуғланади. Табиатни булғаш катта гуноҳ эканлиги таъкидланади. Олов – гуноҳларни покловчи, ёвуз руҳларни даф этувчи сеҳрли куч, деб таъкидланади. Ҳатто ерни, сувни ифлослантирмаслик мақсадида майит (ўлган кишининг жасади) ни ерга кўмиш, сувга ташлаш гуноҳ деб ҳисобланган. Майитни гўштини қушларга едириб, суяқларини этдан тозалаб уни маҳсус сопол қути (оссуарий) ларга солиб, айрим биноларда сақлаганлар ёки маҳсус қудуққа сочиб юборганлар.

Бу дин беҳуда қон тўқувчи, қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик хужумларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади. Моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблаб, ҳайрли ишни, ахлоқли, одобли бўлишни тарғиб этган. Зарбўштийлик динида кўриқ ер очиб уни боғу-роғга айлантирган одам илоҳият раҳматиغا сазовор бўлади, аксинча, боғлар, экинзорлар, суғориш иншоатларини бузганлар ката гуноҳга қоладилар, деб уқдирилади.

Инсоният тарихида биринчи бўлиб Зардушт яратган динда инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳал бўлажаги ҳақидаги ғоя илгари сурилган. Зардуштийлик таълимотининг асоси олам қарама-қаршилиқлар кураши асосига қурилган, деган ғоядан иборат. Бу қарама-қаршилиқ табиатда ҳаёт ва ўлим, ёруғлик, зиё ва зулмат, ижтимоий ҳаётда адолат ва адолатсизлик, ахлоқий ҳаётда яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абадий курашда намоён бўлади, кўринади.

Эзгулик, яхшиликнинг ифодачиси Ахура Мазда доим ёвузлик, ёмонлик хомийси Ахриманга қарши кураш олиб боради. Ахура Мазда – «Ахура» ва «Мазда» сўзларидан иборат. Мазда сўзи олдида «улуғлаш» сўзи Ахура кўшилиб Ахура Мазда номи пайдо бўлган. Мазда сўзи эса бутун борлиқни яратган мутлоқ ақл, доно, қудратли раҳнамо демакдир. Шундай қилиб Ахура

Мазда сўзини «Худо Мазда», «Доно Худо», «Улуғ, қудратли худо» деб тушунсак бўлади.

Ахриман сўзининг маъноси эса – ёмонлик, ёвузлик, олами демакдир. У ёвузлик тимсоли бўлиб, барча шайтоний кучлар: ёвуз девлар, жодулар, ал-васти, тамомила ёмон кучлар сардори деб қаралади.

Зардуштийлик таълимотига кўра табиат ва жамият жараёнлари мана шу ёки қарама-қарши куч – яхшилик, эзгулик ва ёмонлик, ёвузликнинг курашидан иборат бўлиб, пировардида, 3000 минг йилдан сўнг Яхшилик – Ахура Мазда ёмонлик – Ахриман устидан ғолиб чиқиб, ҳақиқат, адолат даври келади. Бу курашдан омон қолган одамлар абадий бахтиёрликда яшайдилар. Бунинг учун эса инсон иккидан бирини танлаши лозим, шунга кўра унинг ўлимидан кейинги ҳаёти қандай бўлиши белгиланади, деб кўрсатилади. Кимки Ахура Мазда тарафида турса, ёвузлик ва ёмонлик кучларига қарши курашса у жаннатга тушади, агар Ахриман тарафида туриб эзгуликка, яхшиликка қарши курашса дўзоҳга тушади, деб айтилади.

«Авесто» да меҳнат ниҳоятда улуғланади. Меҳнат яхшилик, моддий ноз-неъматлар манбаи эканлиги уқдирилади. Инсон саҳоватли бўлиши учун аввало меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз-неъматлар яратиши зарурлиги айтилади. Унда: «Дон эккан киши такводорлик уруғини экади, у Маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, имонни озиқлантириб туради...», дейилади. Бунга амал қилиш ўн минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг. Экин экиш, меҳнат қилиш – ердаги ёвузликни йўқотишдир, деб қаралади. «Ғалла ердан униб чиққанда», - дейилади. «Авесто» да, девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола-фарёд чекади, ғалла янчиб ун қилинаётганда улар маҳв (енгилади) бўлади...» деб меҳнат улуғланади..

«Авесто» да инсон ахлоқ – одоби, маънавияти куйидаги учликда: Гумата – яхши, эзгу фикр, Гугта – яхши, эзгу сўз, Гваршта – яхши, эзгу ишда ифодаланади. «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман», - деб таъкидлайди Ахура Мазда.

Яхши фикр деганда яқин кишиларга меҳрибонлик, мухтожлик ва ҳавф-хатар остида қолганда ёрдам беришга шайлик, кишилар бахт-саодати учун фаол курашишга доим тайёр туриш, ҳамма билан ахил ва тотув яшаш ва бошқалар тушунилади.

Яхши сўзлар деганда эса ўз ваъдасига риоя қилиш, сўзининг устидан чиқиш, савдо-сотик ишларида ҳалол бўлиш, қарзини ўз вақтида тўлаш, ўғрилиқ ва талончилик қилмаслик, фоҳиша ишлардан ўзини тийиш ва ҳоказолар тушунилган.

Яхши ишлар деганда инсоннинг ўз ҳатти-ҳаракатида яхши фикр ва яхши сўзларда илгари сурилган барча ижобий йўл-йўриқларга оғишмай амал қилиши назарда тутилади. Шу уч қоидага ҳаётида оғишмай амал қилган одам қабоҳат, ёвузлик, ёмонлик йўлига оғиб кетмайди, балким улар устидан ғалаба қилишга хисса қўшган бўлади, деб кўрсатилади.

Зардуштийликда ҳайвонларга нисбатан бешафқат бўлиш қатъиян маън этилади. Ҳайвонларни калтаклаш, қийнаш – гуноҳ деб ҳисобланади.

Кишиларни фойдали ҳайвонлар ҳақида ғамхўрлик қилишга, уларга ўз вақтида овқат ва сув бериб туришга, йиртқич ҳайвонлардан кўриқлашга даъват этади. «Авесто» да тозалик, покликка алоҳида эътибор қаратилган. Ховуздан ювилмаган, ифлос кўзада сув олган киши беш дарра билан жазоланган. Инсон яшайдиган хонада ювиниш, покланиш қораланган.

Зардуштийликда наслнинг поклиги, тозалигига ҳам алоҳида эътибор берилган, қаттиқ назорат қилинган, қариндош-уруғ, ака-ука, опа-сингилнинг куда-анда бўлиши қораланган.

Ҳозирги медицина фани ака-ука, яқин қариндошлар ўртасидаги қудачилик муносабатлари келажак авлоднинг соғлом, тўла-тўқис бўлиб туғилишига салбий таъсир кўрсатишини тўлиқ аниқлаган. Буни эса бизнинг аждодларимиз аллақачон аниқлаганлари ҳозирги замон кишисини лол қолдиради. Қолаверса, яқин кишиларнинг никоҳ масалаларида маънавий жиҳатлари ҳам борки, бунга инсон қалби йўл бермаслиги керак.

«Авесто» да Наврўз – Янги кун, Янги йилнинг бошланиши, табиатнинг уйғониши, ҳаётнинг бошланиши, деб тасвирланади. Бундан кўринадики Наврўз халқимиз томонидан нишонлаб келинадиган қадимий байрамлардан бири саналади.

Маълумотларга қараганда бугунги кунда Зардуштийлик дини ва таълимотига эътиқод қилувчилар асосан Хиндистон ва Эронда мавжуд. Чунончи Эроннинг Язд ва Гилон вилоятларида уларнинг сони 100 минг, Хиндистоннинг Махараштра ва Гужарот штатларида 115 мингдан зиёдни ташкил этади.¹

Хулоса қилиб айтганда, Зардуштийликда табиат, ер, сув, дарахт, ўсимлик, жониворлар эъзозланган, ерни ишлаб, суғориб боғ-роғ, экинзор қилиш, чорвани, айниқса, йилқичиликни йўлга қўйиш, сувни муқаддас тутиш шарт ҳисобланган.

4. Зардуштийликнинг Ўрта Осиё халқлари маънавияти ва маданиятида тутган ўрни.

Зардуштийликнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни, аввало унинг бошқа динларга таъсирида намоён бўлганлигида кўрамиз. Чунончи, Зардуштнинг нариги дунё ҳақидаги таълимоти аввал яхудийлар, сўнгра христиан ва ислом динига ўтади ва бу динлар таълимотига биноан қайта-қайта ишланади. Шунингдек Зардушт динига биноан ҳар бир Зардушт кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб, уни олқишлаб, сиғиниши шарт бўлган. Бу анъана беш вақт намоз шаклида исломга Зардуштийликдан ўтган ва бошқалар.

Зардуштийлик дини инсонларга асрлар бўйи маънавий мадад, рухий озиқ бўлиб хизмат қилди. «Авесто» даги алқов қўшиқлар, санолар башарият томонидан узоқ-узоқ йиллар мобайнида қироат билан куйлаб келинди. У инсонларда келажакка умид, яхшилик, эзгулик, мардлик, меҳнатсеварлик, покизалик, ростгўйлик, халоллик туйғуларини тарбиялади. Ёвузликка

¹ Қаранг. Ўзбек миллий энциклопедияси. 3-жилд, 683-бет.

нисбатан эса нафрат хиссини уйғотишга хизмат қилди. Бу дин кишиларни ёвуз кучлар билан мураса қилишни эмас, балки ёвузликка қарши бор кучини ишга солиб кескин курашмоқни буюради.

«Авесто»ни ўрганишимизнинг қимматли томони шундаки, у Ватанимиз худудида яшаган халқ тарихи, қадимги, қудратли «Буюк Хоразм» давлатининг энг кўхна урф-одатлари, маънавияти, турмуши ҳақида қимматли тарихий маълумотлар беради. Бу китоб буюк маданий ўтмишимиздан дарак берувчи асардир. «Авесто» нинг жаҳон маданияти ва динлар тарихида тутган ўрни ва мавқеи беқиёсдир. Буни бутун жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олиб, БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1999 йил ноябрь ойида Парижда бўлиб ўтган 30-сессиясининг қарорига биноан, 2001-йил 3-ноябрда Хоразм заминида «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллик юбелейи дунё миқёсида кенг ва тантанали нишонланганлигида кўришимиз мумкин. Урганчда «Авесто ёдгорлик мажмуаси» бунёд этилди.

«Авесто» Ўзбекистонда биринчи марта 2001 йилда 5000 нусхада чоп этилди.

Нафақат ўлкамизнинг, балки бутун башариятнинг ҳам беқиёс мулкига айланиб қолган бу асарни ҳар бир инсон ўқиб ўрганса, халқимизнинг энг қадимги бой тарихи, давлатчилик асослари, урф-одатлари, қадриятлари билан танишади, бу маданиятнинг жаҳон цивилизациясига кўшган залварли хиссасини англаб етади, ўзига беқиёс руҳий қувват ва маънавий озик олади.

Биз учун «Авесто» китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, балки миллатимизнинг ва унга хос бўлган қадриятлар ва маданиятнинг томири минг-минг йилларга бориб тақалишини тасдиқлайдиган тарихий хужжат сифатида ҳам қадрлидир.

Бу ҳақда Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» рисоласида билдирган фикрлари айниқса диққатга сазовордир:

- «Энг мўътабар, қадимги кўлёмамиз «Авесто» нинг яратилганига 3000 йил бўлаяпти. Бу нодир китоб 30 аср муқаддам икки дарё оралиғи – Мовароуннаҳрда, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг бизга қолдирган маънавий тарихий меросидир. «Авесто» Айни замонда бу қадим ўлкамизда буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий хужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этаолмайди».¹⁹

Шундай қилиб эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим ғоялари ўртасидаги кураш ғоялари ҳамда «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» тамойилига асосланган бу динда тинчлик, бунёдкорлик, инсонпарварлик, покизалик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, инсоф, адолат, ҳалоллик, қисқаси яхшилик – эзгуликнинг асосий ўринга қўйиб тараннум этилиши, аждодларимизнинг буюк маънавий мероси ва қадриятлари инсоният тарихида беназир, оламшумул аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради.

¹⁹ Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, «Шарк», 1998, 10-бет.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
2. И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
3. И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
4. И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
5. И.Каримов. Халоллик ва фидоийлик-фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
6. И.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – таракқиёт омили. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
7. И.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
8. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998й.
9. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 199й.
10. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
11. И.Каримов. Хушёрликка даъват. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
12. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000й
13. И.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
14. Миллий истиқлол ояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992й.
16. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
17. Отамуратов С.О., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари (Маърузалар матни) Т., 2000й.
18. Отамуратов С.О., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т., 2002й.
19. Йўлдошев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (Маърузалар матни) Т., 2000й.
20. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
20. Хусанов С. Миржавҳарова Д. Диншунослик (ўқув-услубий қўлланма). Т.: -2005

5-МАВЗУ: БУДДАВИЙЛИК ДИНИ ВА ТАЪЛИМОТИ.

РЕЖА:

1. Будда ким бўлган?
2. Буддавийлик таълимоти.
3. Буддавийлик Ўрта Осиёда.

1. Будда ким бўлган?

Буддавийлик (будизм) жаҳонда кенг тарқалган қадимги жаҳон динларидан бири бўлиб, унинг асосчиси Будда номидан олинган.

Будда сўзининг маъноси «хотиржам», «нурланган», «олий ҳақиқатга эришган», «зиёланган» демакдир. Будданинг асл исми Сиддхартха Гаутама бўлиб, лақаби Сиддхартха «дили равшан» деган маънони англатади.

Будда тарихий шахс. Аммо унинг қачон яшаганлиги тўғрисида адабиётларда турли маълумотлар келтирилади. Масалан, адабиётларда Будда милод.аввал 623-544 ёки 567-488 йилларда яшаганлиги қайд этилган¹. Будда шохнинг ўғли бўлган. Уни тўқ, фаровон турмуш қониктирмайди.

Бир куни Сиддхартха сайр этгани кўчага чиққанида бутун танасига яра тошиб азобланаётган бир қари чолни, тагин бир касал ётган одамни, яна бир ўлаётган кишини кўради. Булардан у барча жонли мавжудлик, ҳаёт азоб-укубатдан иборат деган хулосага келади. Будда кишилар бошига тушадиган кулфат ва азоб-укубатлар сабабини ўрганиш ва уларни бундан қутқариш мақсадида сарой ҳаётини тарк этиб, тарки дунё қилиб, ўрмонга бориб яшайди. У ерда диний, фалсафий китобларни ўқиб ўрганиб, брахманликдан юз ўгириб, янги таълимот яратишга уринади.

Нихоят 35 ёшида унга ҳақиқат аён бўлади ва у халққа «Ҳақиқий билим» топганини бутун Хиндистон бўйлаб тарғиб қилиб 80 ёшида вафот этади.

Будда инсоният бошига тушадиган азоб-укубатлар сабабларини ўрганиш ва инсониятни улардан халос қилиш учун ҳаракат қилди.

Будда ўз таълимотининг асосий мазмунини Банорасда қилинган тарғиботида «тўрт олий ҳақиқат» шаклида баён этган. Будданинг шогирдлари ер юзда биринчи роҳиблар жамоаси Сангхани ташкил этганлар. 1956 йили Будда вафотининг 2500 йиллиги нишонланди. Будда ва унинг таълимотлари бир неча аср давомида оғиздан-оғизга ўтиб келган ва милоддан аввалги 1 асрда ёзиб олинган. Бу ёзиб олинган матн – «Трипитака» деб номланади. У «уч сават донолик» деб юритилиб, буддавийлий динининг муқаддас китоби саналади.

2. Буддавийлик таълимоти.

Буддавийлик жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири. Унга эътиқод қилувчилар тахминан 500 миллиондан ортиқ.¹ Милоддан аввалги 6-5 асрларда Хиндистонда пайдо бўлган. Бу дин милоддан аввалги 273-232

¹ Қаранг. Ўзбек миллий энциклопедияси. 2-жилд. Тошкент, 2001, 232-бет; Фалсафа. Қомусий луғат. «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти». «Шарқ», Тошкент -2004, 62-бет.

¹ Қаранг. Ўзбек миллий энциклопедияси. 2-жилд, 233-бет.

йилларда подшоҳ Ашока даврида Хиндистоннинг расмий динига айланади ва бошқа Шарқ мамлакатларига тарқалади. 9-асрга келиб Буддизм Хиндистонда инқирозга юз тута бошлади ва пировардида бу ерда унинг ўрнини хиндуизм тўлиқ эгаллаган.

Буддизм таълимотига кўра, инсон доимо азоб-уқубатга маҳкум ва бунга унинг ўзи сабаб бўлади. Зеро у, гарчанд бефойда бўлса-да, ўз ҳаёти ва фаровон турмушини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Азоб-уқубатдан қутилиш учун кўнгил хуш кўрган барча нарсалардан ўзини тийиши, нафсини қайтариши лозим. Мантазам равишда бунга амал қилиши, ёлғондан, ўғрилиқдан, бошқа нарсаларга зарар етказишдан, зинодан ўзини тийиши, онгини олий ҳақиқатга етишишга қаратиши, хотиржамликка ва охир-оқибатда азоб-уқубатнинг тугашига- нирванага олиб келади. Нирванага етишиш учун талаб қилинадиган ахлоқий баркамоллик бир эмас, бир неча ҳаётни, яъни қайта туғилишни тақозо этиши мумкин. Буддизм заминида 3 нарса – Будда, Дхарма ва Сангхага эътиқод қилиш ётади. Будда – Сиддхарта Гаутама – олий ҳақиқатга етишишнинг ёрқин тимсоли. Дхарма – Гаутама (Будда) қолдирган таълимот – «тўрт олий ҳақиқат» дан иборат. Сангха – Будда асос солган ва хозиргача фаолият кўрсатиб келаётган роҳиблар жамоаси.

Будда ўз таълимотининг асосий қоидаларини Банорасдаги тарғиботида «тўрт олий ҳақиқат» шаклида баён этган:

1. Азоб-уқубат ҳақидаги таълимот. Унга кўра, азоб-уқубатнинг мутлоқ эканлиги тан олинди, яъни туғилмоқ, яшамок, касаллик, очлик, ўлим, яқин одамларидан ажралиш ва ҳоказо азоб-уқубатлар чекмоқлик.

2. Азоб-уқубатларнинг сабаблари ҳақидаги таълимот. Унга кўра, мавжудлик ёвузликка тенгдир. Азоб-уқубатларнинг сабаби – кишиларнинг истак, нафс-ҳирсга (яъни яшашга, бахтга) интилишларидир, ҳаётга ташналиқдир.

3. Азоб-уқубатлардан озод бўлиш ҳақидаги таълимот. Унга кўра, ҳар қандай борлик, барча кўриниш ва шакллардаги ҳар қандай ҳаёт – бу, барча мавжудотга азоб берувчи ёмонликдир. Ёмонлик ва азоб-уқубатларнинг сабаби-инсоннинг ва барча тирик мавжудотларнинг бу дунёга – яъни қайта туғилиш дунёсига боғланганлиги, кўнгил қўйганлигидир. Ҳар қандай инсоний туйғу, ҳиссиёт, истак азоб-уқубатни чуқурлаштиради, яна даҳшатлироқ тарзда қайта туғилишга олиб келади. Борлик гирдобидан, унинг азоб-уқубатларидан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини англаш, ҳаётга, яшашга чанқоқликдан, турмуш лаззатларидан, ҳокимиятга, бойликка интилишлардан батамом воз кечиш, ердаги барча ҳодисаларнинг беқарор ва ўткинчи эканлигини англамоқ, фаҳмламоқ даркор. Шунинг учун ҳам буддавийлик тарафдорлари «юрмоқдан кўра ўтирмоқ», «уйғоқ бўлгандан кўра ухламоқ афзал», «яшамокдан кўра ўлмоқ яхши» деган нақлга амал қиладилар.

4. Азоб-уқубатлардан қутқаришнинг нажот йўлларини топиш, унинг тугашига олиб келадиган йўл мавжудлигига ишонмоқ. Унинг ечими «нажотнинг олижаноб саккизлик йўли» да ўз ифодасини топган. Булар

тақводорлик эътиқоди, қатъияти, сўзи, иши, турмуш тарзи, тақводорликка интилиш, тақводорликни орзу қилиш, тақводорлик фикри – ҳаёли билан яшаш. Бу йўлга амал қилган одам оқибатда юксак камолатга эришади, яъни чин ҳақиқатни англаб етган авлиёга айланади ва нарванага ўтади. Буддавийликда нажот йўли бу ҳар бир кишининг бу дунёдан яъни сансарадан нирванага ўтишдан иборат деб қаралади. Нирвана – мутлоқ осойишталик ҳукм сурадиган олам. У ерда инсон барча турмуш ташвишларидан халос бўлади, унинг ҳаётий истаклари ҳам, туйғулари ҳам, эҳтирослари ҳам бўлмайди. Нирвана қайта туғилишлар силсиласининг олис қисми, инсоннинг бошқа қиёфаларга киришининг тўхташи, азоб-уқубатлардан абадий халос бўлиши.

Буддизмда олам уч босқичли деб таърифланади. Унинг биринчиси энг юқори нирвана саналади. Иккинчи олам рухий мавжудотлар билан тўлган жаннат бўлиб, унда руҳи гуноҳларидан халос бўлган, лекин энг олий оламга – нирванага кўтарилмаган авлиёлар яшайдилар. Оламнинг шу қисмидан инсонларга тўғри йўлни кўрсатиш учун Будда таълимоти юборилади, деб ҳисобланади. Учинчи олам бу энг қуйи олам бўлиб, унда одамлар ва ҳайвонлар яшайдилар. Оламнинг бу қисмида руҳ қафасда яшайди. У қафас чангалидан қутилиш ва юқори оламга кўтарилишга ҳаракат қилади. Руҳ юқори оламга ўз-ўзидан эмас, балки одамларнинг савобли ишлари орқалигина кўтарилиши мумкин. Агар одамлар буддага эътиқод қилсалар, уларнинг жони бир неча қайта туғилишлардан сўнг жаннатга ва ундан сўнг нирванага кўтарилади. Ёмон одамларнинг руҳлари эса, қуйи дунёда азобланиб қафас ичида юраверади, юқори оламга кўтарилма олмайди. Агар инсон нафсоний ва хирсий алданишларга берилиб кетса, ундан қутила олмаса, унинг руҳи бир неча қайта туғилишлардан сўнг дўзоҳга тушади. Буддизм таълимотига кўра, ўлим инсонни ҳаёт азоб-уқубатларидан халос эта олмайди. Сансарнинг оғир азоб-уқубатларидан фақат узоқ қайта туғилишлардан сўнг чин ҳақиқатни англаб етган авлиёларгина халос бўлишлари мумкин.

Буддизмда тирик мавжудот – яъни руҳ қайта туғилиши натижасида нафақат инсоний, айти пайтда, бошқача қиёфада, чунончи ҳайвон, ўсимлик, парранда ва бошқа жонзотлар шаклида намоён бўлиши мумкин, деб уқтирилади.

Буддавийлик таълимоти моҳиятан барча жонли нарсаларга муҳаббат билан қарашни тарғиб қилади. Хозирда ҳам бирон киши буддавий олдада бирон бир ҳайвонни ўлдирса ёки бирор дарахтни кесиб ташласа қаттиқ ғазабланади.

Буддавийлик таълимотича, ҳар бир кишини хулқ-атвор қонуни – карма қонуни таъқиб этади. Яъни ҳар бир киши ўзининг савоб ва гуноҳ, яхши ва ёмон ишларининг ажрини албатта олади. Бу ажрни бу дунёда олмаса кейинги, қайта дунёга келишида олади ёки бу ажр унинг келгуси тўрт авлодидан бирининг зиммасига юкланади, деб кўрсатилади. Шу билан бирга, Буддавийликда оддий одамлар фақат яхшироқ бўлиб қайта туғилишларига умид қилишлари мумкин. Бунинг учун улар 5 та ахлоқий қоидага амал

килишлари лозимлиги айтилади. 1. Ёмонлик қилмаслик; 2. Ҳис-туйғуларга ортиқча берилмаслик; 3. Ичкиликдан ўзини сақлаш; 4. Ёлғон сўзламаслик; 5. Ўғрилиқ қилмаслик.

Азоб-уқубатдаги ҳар бир киши илгари туғилган ака-укалари, она-оналарининг гуноҳлари учун ҳам шундай кармага дучор бўлишлари мумкин.

Буддавийлик таълимотига кўра, ҳар бир кишида бир умр тугагандан сўнг иккинчи умр бошланади. Инсон ўлар экан унинг танаси, вужуди ўлади, лекин ҳаёти янги вужудларда давом этаверади, деб таълим беради.

Будданинг ўз шогирдларига айтган сўнгги васиятида, унинг таълимотининг моҳияти акс этган: «Хирсу ҳавас жамийки бахтсизликларнинг сабабчисидир. Вақт ўтиши билан ҳамма нарса ўзгаради. Шунинг учун ҳеч нарсага ортиқча кўнгил боғламанглар. Бунинг ўрнига кўнгилни тоза тутинглар, ҳақиқат ва абадий бахт изланглар!»

Будда ва унинг издошлари ер юзида биринчи монахлик жамоаси Сангҳага асос солганлар ва у ҳозиргача фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур роҳиблар жамоаси тор маънода ўтган асрларда «олий ҳақиқат» га етишган кўплаб авлиёлардир. Сангҳа жамоасига қабул қилинган шахс қуйидаги 10 фарзни адо этишга қасамёд қилади: 1. ҳеч ким ёки ҳеч нарсани ҳаётдан жудо қилмаслик; 2. ёлғон сўзламаслик; 3. ўғрилиқ қилмаслик; 4. жинсий алоқага кирмаслик; 5. маст қилувчи ичимлик ичмаслик; 6. куннинг иккинчи ярмидан то эртанги саҳаргача овқат тановул қилмаслик; 7. уч кийимдан ортиқ ҳеч нарса билан танани безамаслик; 8. оммавий кўнгилхушликларда иштирок этмаслик ва томошабин сифатида қатнашмаслик; 9. баланд ва юмшоқ ўринда ётмаслик; 10. пул ишлатмаслик.

Шуни таъкидлаш лозимки Буддавийликда Сиддхартҳа Гаутама ягона Будда эмас. Бундай Буддалар буддавийликда 1000 нафарни ташкил этади. Уларнинг энг машҳури мазкур диннинг асосчиси Сиддхартҳа Гаутамадир.

Шундай қилиб, Буддавийлик – Буддага эргашиб, у қолдирган таълимот талабларини бажариш ва Сангҳа жамоасининг аъзоси бўлиб қолишдан иборат диний таълимотдир.

3. Буддавийлик Ўрта Осиёда.

Буддизм тарихи 2500 йилдан ортиқ даврни ўз ичига олади. У эрамиздан аввалги биринчи мингйиллик охирларида Ўрта Осиё ҳамда олд Осиёни ўз ичига олган Кушон империясига кириб келган. Ўратепа, Далварзинтепа, Қува, Зартепа, Қоровултепа, Айритом мавзеларида олиб борилган археологик қазилма ишлари натижасида топилган Будда ҳайкаллари ва бошқа топилдиқлар Кушон империясида буддавийликка катта эътибор берилганлигини кўрсатади.

Буддавийлик Хитой, Корея, Япония ва бошқа шарқ мамлакатларига Ўрта Осиё орқали кириб борганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Бунинг яққол тасдиғи ҳозирда ҳам Хитойда Самарқанд, Бухоро, Шошдан борган будда олимларининг мақбараларининг муқаддас саналишидир.

Ҳозирда Ўзбекистонда битта Буддавийлик жамоаси расмий равишда фаолият кўрсатиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
2. И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
3. И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
4. И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
5. И.Каримов. Халоллик ва фидоийлик-фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
6. И.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – таракқиёт омили. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
7. И.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
8. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998й.
9. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 199й.
10. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
11. И.Каримов. Хушёрликка даъват. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
12. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000й
13. И.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
14. Миллий истиқлол ояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992й.
16. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
17. Отамуратов С.О., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари (Маърузалар матни) Т., 2000й.
18. Отамуратов С.О., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т., 2002й.
19. Йўлдошев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (Маърузалар матни) Т., 2000й.
20. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
20. Хусанов С. Миржавҳарова Д. Диншунослик (ўқув-услубий қўлланма). Т.: -2005

6-МАВЗУ: ХРИСТИАНЛИК ДИНИ, МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ. ХОЗИРГИ ДАВРДА ХРИСТИАНЛИК

1. Исо Масих ҳақида.
2. Христианликнинг вужудга келиши ва тарқалиши.
3. Христианликнинг муқаддас китоби.
4. Христианликнинг диний таълимоти.
5. Ўзбекистонда христианлик жамоаларининг миллий истиқлолга қўшаётган хиссалари.

1. Исо Масих ҳақида.

Христианлик яъни Насронийлик Яхудийлик динидан мустақил дин сифатида ажралиб чиққан ва жаҳон динларидан бирига айланган. Хозирги кунда Христиан черкови маълумотларига кўра, жаҳонда бу динга 2 миллиарддан ортиқ киши эътиқод қилади.¹

Христианлик номи, унинг асосчиси Ийсо Масих, юнонча Иисус Христос номидан олинган. Унинг ақидалари, диний таълимотлари Библия таркибига кирувчи Инжил – Евангелия (Хушхабар)да, яъни «Янги аҳд» қисмида баён этилган.

Масих яъни Христос сўзининг маъноси «худо танлаган», «Худо сийлаган», «Халоскор» маъноларини англатади. Христиан сўзи юнонча бўлиб мазмуни Ийсо Масих йўлидан юрувчи киши демакдир. Мазкур динининг номи ҳам ана шу – Христиан, масихчи сўзидан олинган.

Исо алайхиссалом яхудий миллатига мансуб бўлиб, тахминан милодий 1-33 йилларда Фаластинда, хозирги Исроилда яшаб ўтган. Милодий йил ҳисобини ҳам Исо Масих туғилган санадан бошлаб ҳисоблаш қабул қилинган.

Диний адабиётларда Исо онаси Биби Марямдан отасиз илоҳий хомиладорлик асосида туғилган деб ривоят қилинади. Унга ўттиз ёшида Таврот ва Забурдан кейинги учинчи илоҳий китоб – Инжил нозил қилинган. «Инжид» юнонча «Эвангелеон» сўзидан иборат бўлиб, насронийликда «Евангелие» деб юритилади. Маъноси «илоҳий хабар», «хушхабар», «эзгу хабар» демакдир.

Бу динни Исломда насронийлик дейилиши Исо Масихнинг туғилган ери Носира номи билан боғлиқ. Бу шаҳар аҳли Исо Масихни Носирий деб атар эдилар. Унга эргашган кишини эса, насроний деб юритганлар. Исо Масих 30 ёшидан бошлаб 3 йил давомида пайғамбарлик фаолиятини олиб борган. Исонинг янги динни тарғиб қилишдаги муваффақиятларидан дарғазаб бўлган Қуддус коҳинлари ва руҳонийлари уни судга беришга қарор қиладилар. Ушлаб олинган Исо ўлим жазосига ҳукм этилади. Қуддус аҳли Исони худонинг ўғли ва одамзотнинг халоскори деб эътироф этмай, уни тошбўрон қиладилар. Исо Галгофа тоғида қийнаб ўлдирилади. Уни жуда катта ёғоч хоч (санам)га тириклайин михлаб ташлайдилар.

¹ Қаранг. Ислом энциклопедия. 260-бет.

Ривоят қилишича ўлимнинг учинчи куни Исо тирилиб, бирмунча вақт давомида ўз шогирдлари билан бирга бўлади. Шундан сўнг у уларнинг кўз ўнгида осмонга чиқиб кетади. У келажакда яъни охират куни тириклар ва ўликлар устидан ҳукм чиқариш учун ерга қайтиб келишига христиан динига эътиқод қилувчилар ишонадилар.

2. Христианликнинг вужудга келиши ва тарқалиши.

Христиан динининг келиб чиқиши ва тарқалиши милоднинг I-III асрларида Рим империясида ёйилган умумий тушқинлик, инқироз, қулларнинг шафқатсизларча эзилиши, яхудийлар жамоасида эса оддий яхудийларнинг уч томонлама эзилиши, оғир ҳаёти сабабчи бўлган. Чунончи, Рим империяси таркибига кирган яхудийлар бир томондан Рим ҳуқумдорлари, иккинчи томондан яхудий подшолиги, учинчи томондан яхудий руҳонийларидан жабр кўрар эдилар. Азоб-уқубат чекаётган ва эзилаётганларнинг бундай ижтимоий кучлар олдидаги ожизлиги уларни диний тасалли ахтаришга олиб келди. Шу тариқа инсонларни чексиз жабр-зулм, азоб ва уқубатлардан озод қилиш ҳақидаги «халоскорлик» ғоялари пайдо бўлди. Бундай «халоскорлик» ғояларига миллионлаб қуллар, эзилганлар, жабр-дийдалар махлиё бўлдилар. Шундай қилиб христианлик даставвал қулларнинг, эзилганларнинг, жабр-дийдаларнинг орзу-умидларини ифодаловчи, халоскорлик дини сифатида пайдо бўлган. Бу диндаги мазлумларни шуқур қилиб яшашга, итоатгўйлик, охиратда тенглик ваъда қилиниши каби ғоялари ҳукмрон табақаларга кўл келган. Шу сабабли христиан дини уч-тўрт асрдан сўнг давлат динига айланган. Чунончи Рим императори Константин бу динни қабул қилиб, 324 йилда христианликни давлат дини деб эълон қилди. 325 йилда Константиннинг кўрсатмаси билан жаҳон христианларининг биринчи йиғини – Никей собори чақирилди. Бу собор (йиғин)да епископ ва илоҳиётчилар христианликнинг асосий ақидаларини тасдиқладилар, черков қонун-қоидалари ёзилган китобларни қабул қилдилар ва черков ташкилоти тугал ҳолга келтирилди. Диний ташкилотда – поп, дьякон, епископ, кардинал каби қуйи ва олий мансаблар жорий этилди. Улар христианликни тарғиб этиш, мустаҳкамлаш, диний талабларни бажарилишини назорат қилиш ишлари билан шуғулланганлар. Дин ишлари марказлаштирилиб, унга яқка раҳбар-дастлаб епископ, кейинроқ эса папа лавозимлари таъсис этилди. Христианлик ҳукмрон мафкурага айланиб ҳар қандай иш, таълим-тарбия, ҳатто давлат ишлари ҳам улар назорати остига олинди. Христиан давлатларида епископ ва папалар чекланмаган ҳуқуққа эга бўлдилар.

Христианликда зоҳидлик, таркидунёчилик кучайиб монастирлар пайдо бўлди. Рим епископлари, V-асрдан эса папалар христиан оламига танҳо ҳукмронлик қила бошладилар. XIII асрга келиб бутун Оврўпо христианлаштирилди. Россияда бу динга чўқинтириш маросими 988 йилда Киев князи Владимир томонидан амалга оширилди.

Шундай қилиб христианлик яхудийлик дини заминида Фаластинда пайдо бўлиб сўнг жаҳон динларидан бирига айланди.

3. Христианликнинг муқаддас китоби

Христианлик динининг таълимоти «Библия» да баён этилган. «Библия» китоблар демакдир. У яхудийлик ва христианликда муқаддас ҳисобланган диний китоблар ва рисолалар мажмуаси. Библия ўз ичига Таврот, Забур ва Инжилни олган, Эски аҳд (Эски васият) ва Янги аҳд (Янги васият) деб номланувчи икки қисмдан иборат илоҳий китобдир. Таврот ва Забур Библиянинг Эски аҳд қисмига киритилган бўлиб, у яхудийлар ва насронийлар учун бирдай илоҳий муқаддас китоб саналади. Библиянинг христианлик билан боғлиқ иккинчи қисми Янги аҳд деб юритилиб, унга Инжил киритилган. Яхудийлар Инжилни тан олмайдилар ва муқаддас ҳисобламайдилар. «Аҳд» сўзи Худонинг инсонлар билан махсус алоқасини, аҳдлашувини ифодалайди. Мазкур динларнинг ақидаларига биноан, Библия – Худонинг каломи, барча инсонларга йўлланган, дунё ва одамзоднинг пайдо бўлиши ва «охират» сирини очиб берувчи муқаддас китобидир. Унинг асосий мавзуси – ягона Худонинг фазилатлари ва инсоният билан муносабати ҳақидадир. Библия милоддан аввалги 8-аср ва милодий 2-асрлар оралиғида оромий ва юнон тилларида ёзилган. Библия матнлари тадқиқ этилганда шу нарса тасдиқландики, улар қарийиб минг йил давомида хилма-хил жойларда яратилган.

Библия энг қадимий адабий ёдгорликлардан бири бўлиб, диний панд-насихатлар, ақидалар, башоратлар, дуолар, солномалар, масаллар, ҳикоят, ривоят ва мактублардан иборат. Библияда, бир ёқдан, одамзотнинг гуноҳкор бўлиб туғилиши, абадий ҳалокатга маҳкум қилиниши, Худо томонидан рад этилиши тўғрисида гап кетса, иккинчи ёқдан, Худонинг гуноҳкор инсонни кутқариш учун қандай режалар тузгани ҳақида ҳикоя қилинади. Айниқса, одамларга нажот йўлини очган Исо Масих тўғрисида тўлақонли хабар берилади.

Жаъми қадимий яхудий тилида 66, лотин тилида 70 китоб (бўлим)ни ўз ичига олган Библия XIII асрда кардинал Стефан Ленгтон томонидан ҳозирги кўринишга келтирилган.

Библиянинг Янги аҳд деб аталувчи қисми Инжил 27 китоб (бўлим) чадан иборат бўлиб, унда Исо Масихнинг дунёга келиши, яшаши, ўлиб кейин тирилиши ва таълимоти баён қилинган. Инжилни Исо Масихнинг 12 шогирди ва сафдоши апостоллар яъни хаворийлар пайғамбар ўлимидан кейин 1-2 асрларда ёзиб китоб ҳолига келтирганлар. Матто, Лука, Марк ва Юханно каби апосто(хаворий)лар ёзган 4та Инжил китоби: Евангелия (хушхабар), хаворийларнинг амаллари, 21 рисола ва Иоанн «Ваҳийнома» си милодий 313 йилда Папа Буюк Константиннинг буйруғига мувофиқ қабул қилинган.

4. Христианликнинг диний таълимоти.

Христианликнинг диний таълимоти мазмунини асосан қуйидагилар ташкил этади: Худо муқаддас учликда намоён бўлади. Яъни Худо уч қиёфали, лекин моҳиятан ягонадир. Аммо Худо Худо – ота, Худо – ўғил, Худо – муқаддас руҳ кўринишида намоён бўлади. Бу ҳолат эса яккаю-ягона

худого ширк келтириш эди. Мана шундай янглиш, ҳато ақидалари туфайли насронийлар мусулмонлар томонидан «кофир» - куфрга кетган деб аталадилар.

Бу уч қиёфали худолар айна пайтда шахсларига кўра фарқ қиладилар. Христианлик таълимотига кўра Худо-ота туғилиш йўли билан пайдо бўлмаган, ҳеч ким яратмаган, у ўзи абадий мавжуд. Худо – ўғил эса, туғилган. Худо – муқаддас Рух эса, Худо – Отадан пайдо бўлган. Насронийлар Исо Масихни Худо-Ўғил даражасига кўтарганлар.

Христианликнинг асосий ақидалари қуйидагилардир: Худо – Ўғил (Исо) Масих – Худо ярлакаган вакил. У илоҳий халоскор. Исо – Христианликнинг асосчиси; Исо ўлдирилгандан кейин осмонга кўтарилиб кетган. У келажақда тириклар ва ўликлар устидан ҳукм чиқариш учун охират куни ерга қайтиб келади; Исо ҳам илоҳий, ҳам инсоний табиатга эга; Биби Марям Худо (Исо)нинг онаси, у кизлик иффати сақланган ҳолда илоҳий хомиладор бўлган ва Исони туққан; иконаларга сиғиниш; Худо ҳамма нарсадан устун туради ва абадийдир. Уни ҳеч ким яратган эмас. Худо дунёни яратувчисидир; одамзот туғилган пайтидан бошлабоқ гуноҳкордир. Худо яратган мавжудотларнинг гултожи инсон бўлган, чунки у инсонни ўзига ўхшаш қилиб яратган эди. Бу ўхшашликнинг асосий қирралари – бу инсонга берилган ақл-идрок, ирода, абадий ўлмасликларида эди. Худо бутун космик тартибни инсонга боғлаб қўйди. Бироқ инсон ўзининг иродасини, эркини Худо иродасига, эркига қарама-қарши қилиб қўйганлиги учун уни абадий гуноҳкорликка маҳкум этган. Чўқинтириш йўли билан Худо одамларга нажот йўлини очиб берган. Одам Ато ва Момо Ҳаво қилган иш шундай гуноҳи азим эдики, одамлар қиладиган ҳар қандай қурбонлик Худони қаноатлантира олмайди. Шунинг учун Худо одамларга раҳм қилиб, ўз ўғли Исони ўлимга маҳкум этган. Бу қурбонлик Худони Исога эргашганлар билан яраштирган ва уларга чўқинтириш маросими орқали нажот йўлини очиб берган. Фақат христиан черкови бағридагина одамлар Худонинг марҳаматига, унинг химоясида бўлишларига умид боғлашлари мумкин. Исо ўғитларига, васиятларига амал қилиш, ҳаёт машаққатларига Исо каби бардош бериш, бунинг эвазига нариги дунёда ажр (мукофат)га эришажакликнинг муқаррарлигига ишониш. Жаннат ва дўзоҳнинг мавжудлиги ва жоннинг ўлмаслиги кабилар христианлик диний таълимотининг моҳиятини ташкил этади.¹

Шундай қилиб Христианлик диний таълимотининг бош ғояси яккахудолик, гуноҳга ботиш ва ундан халос бўлиш ақидаларидир. Одамлар худо олдида гуноҳкор, яхудийми ё юнон, римликми ё варвар, қулми ё эркин фуқаро, бойми ё камбағал – барчаси «худонинг бандаси», барчаси гуноҳга ботган. Бандаси ўз гуноҳини худого, буюк халоскори (Исо) га чуқур эътиқод қилиш орқали ювади. Исо Масих бутун одамзотнинг гуноҳини ювиш учун қанча азоблар чекиб, бандаларига ўрнатиб бўлсин деб ўзини қурбон этади. Муқаддас учлик – Ота – Худо, Ўғил-худо (Исо) ва Муқаддас руҳга ишонган,

¹ Қаранг. Фалсафа қомусий луғат. 444-бет.

тавба қилган, охиратдаги яхши ҳаётга умид боғлаган тақводор ким бўлишидан қатъи назар тўғри жаннатга бориши мумкин. Аксинча, бетавфик гуноҳкор ва таъмагир дўзоҳ оловида қовурилади. Христианликнинг Муқаддас учлиги ва Исонинг дунёвий одамликдан худо даражасига кўтарилиши уни иудаизм ва Исломдан фарқлайдиган асосий ақидаларидир.¹

5. Христианликдаги оқим ва йўналишлар.

Тарихдан маълумки милодий 395 йилда қудратли Рим империяси парчаланиб – Ғарбий (Рим) ва Шарқий (Византия) қисмларга бўлиниб кетди. 476 йилга келиб эса Ғарбий Рим салтанати бутунлай қулади. Натижада Рим черкови ва унинг бошлиғининг нуфузи мислсиз ошиб кетди. Черков бошлиғи Рим папаси деб аталиб, чексиз хуқуққа эга бўлди.

Шарқий Византияда эса императорлик ҳокимияти кучли бўлганлиги сабабли черков ҳокимиятга бўйсундирилганди. 1054 йилга келиб Рим ва Константинопол черковлари ўртасида диний таълимотларни талқин этиш, янги вужудга келган черковларни назорат қилиш, даромадларни тақсимлаш юзасидан келиб чиққан ихтилоф кескинлашди. Оқибатда Рим папаси Лев IX ва Константинопол черков бошлиғи Кирударий бир-бирларини лаънатладилар. Христианлик ана шу санадан бошлаб иккига ажралиб кетди. Улардан бири Рим папасига бўйсунувчи католик (бутун дунё) черкови, иккинчиси эса Константинопол патриархига бўйсунувчи Православие (чин эътиқод) черкови деган ном олди. Буни қисқа қилиб Христианлик Ғарбий ва Шарқий черковларга ажралиб кетди деб изоҳласа бўлади.

Католик – юнонча сўз бўлиб, маъноси «умумжаҳон», «умумий», «асосий» демақдир.

Католик черкови қатъий марказлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Унинг ягона жаҳон маркази – Ватикан давлатида жойлашган. Мазкур черковнинг бош руҳонийси, епископи, бирдан бир бошлиғи – Рим папаси саналади.

Рим папасига Исонинг ердаги ноиб, у дин ва ахлоқ масалаларида мутлоқ гуноҳсиз, унинг ҳокимияти жаҳон соборлари ҳокимиятидан ҳам юқори туради деб қаралади.

Католик черковини папа ва унинг жойлардаги кардинал (ўринбосар) лари бошқарадилар. Кардиналлар йиғилиши Рим папасини сайлайдилар.

Католийлик, христиан динининг асосий ақида ва маросимларини эътироф этади. Жаннат ва дўзоҳ билан бирга охирзамонда ҳисоб-китоб машхар кунини бор деб ҳисоблайди. Муқаддас Рух фақат Ота-Худодан эмас, балки Ўғил-Худодан ҳам келиб чиққан деб қарайди. Руҳонийларга уйланиш – никоҳни таъқиқлайди. Инжилни фақат руҳонийлар шарҳлаши мумкин деб ҳисоблайди. Руҳонийлар одамлар билан худо ўртасида воситачи деб қаралади.

Католийлик маросимига кўра чақалокни чўқинтираётганда сувга ботириб олмайдилар, балки унинг устидан сув қуядилар. Чўқинтирилгандан

¹ Қаранг. И. Жабборов, С.Жабборов. Жаҳон динлари тарихи. 128-бет.

сўнг суритиладиган хушбўй мой гўдакликда эмас, кейинчалик балоғат ёшида суритилиши тайин этилган. Диний ибодат асосан лотин тилида олиб борилиши, бу оқимга хос хусусият саналади.

Католик черкови бидъатга ва Папа ҳокимияти душманларига қарши курашиш учун XIII асрдан Инквизация (черков суди, жазолаш ташкилоти) ни ташкил қилган. У юз йиллар мобайнида католик мамлакатларида фаолият кўрсатган. Суд қилинувчиларга нисбатан ўта шафқатсиз қийноқ усуллари қўлланилган. Айбдорларга нисбатан жамоа олдида айтганларидан воз кечиш, жарима солиш, қамаш, тириклайин ўтда куйдириш каби жазо чоралари қўлланилган. Бунинг мисоли тариқасида фан намоёндалари Николай Коперник, Галилео Галилей, Жардано Бруно, француз халқининг миллий қаҳрамони Жанна Д'Арк ва бошқаларнинг бошларига солинган кулфат, қийноқ, дорга осиб ва тириклайин ўтда куйдириш каби жазо чораларини қўлланилганлигини эслаш кифоя.

Черков статистикасига кўра, ҳозир Ер юзида католиклар 900 миллиондан ортиқ. Италия, Испания, Португалия, Франция, Белгия, Австралия, Лотин Америкаси мамлакатларида католийлик ҳукмрон диний ташкилот саналади. Полша, Чехия, Словакия, Венгрия, Болтиқ бўйи мамлакатлари ва Кубада аҳолининг кўпчилиги католийликка эътиқод қиладилар.

Проваславие – маъноси чин эътиқод демакдир. Проваславие – оқимининг католийликдан фарқларидан бири шуки, бу оқимда ягона диний марказ, черковларнинг ягона раҳбари йўқлигидир. Ҳозирги вақтда православиеда 15 та автокафел (мустикал) черков мавжуд. Булар – Константинопол, Александрия, Қуддус, Рус, Грузия, Серб, Румин, Болгар, Албан, Поляк, Чехия, Америка ва бошқа черковлардир.

Юқорида қайд этилганидек Православие 1054 йилда Христианликнинг Шарқий Рим империяси ўрнида расмийлашган ва унинг давлат дини бўлган.

Православие – оламнинг яратувчиси ва бошқарувчиси муқаддас учликдан иборат ягона Худо эканлиги, нариги дунё, ажр тўғрисидаги, дастлабки гуноҳ туфайли азоб-уқубатларга дучор қилинган инсоният нажот топишга имкон берувчи Исо Масихнинг халоскорлик фаолияти (миссияси) ҳақидаги ақидаларни тан олади. Бу оқимда 7 сирли маросим асосий ўринни эгаллайди. Булар чўқинтириш, нон ва вино тортиш, руҳонийлик унвонини бериш, тавба-тазарру, миро суртиш, муқаддас зайтун мойи суртиш, никоҳ маросимларидир.

Проваславиенинг католийликдан фарқлари шундаки, муқаддас руҳ фақат Ота – Худодан келиб чиққанлиги, черков бошлиқлари эмас, балки черковнинг ўзи гуноҳсизлиги ва ақидаларнинг ўзгармаслиги эътироф этилади. Руҳонийларнинг уйланишлари ва никоҳдан ўтишлари мажбурий қилиб белгиланган. Проваславиёда байрамлар ниҳоятда кўп бўлиб, улар – улуғ, ўрта ва кичик байрамларга бўлинади. Жумладан, Пасха байрами Хочга тортилган Исонинг мўъжизавий қайта тирилиши хотирасига бағишланган бўлиб, баҳорги тенгкунликларда нишонланади.

Раждество Христово – Исо Масихнинг туғилиш байрами, католийликда ҳар йили 25 декабрда, Православиеда 7-январда нишонланади ва бошқалар.

Христианликдаги учинчи оқим – Протестантизм бўлиб, норозилик билдурвчи, келишмаслик деган маънони билдиради.

1526 йилда Шпейер рейхстаги немис лютеранчи князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо, 1529 йилда 2 –Шпейер рейхетаги бу қарорни бекор қилди. Бунга қарши Германиянинг бир қанча шаҳарлари ва 5 князи норозилик – протест билдирди. «Протестантизм» атамаси шу сўздан келиб чиққан. Унинг черкови эса протестантизм черкови деб юритилади.

Протестантизм ҳам худонинг борлигини, унинг уч қиёфада намоён бўлишини, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзоҳ ҳақидаги умумхристиан таълимотини эътироф этади. Шу билан бирга протестантизм 3 та янги қоида жорий этди:

1. Шахсий эътиқод билан нажот топиш мумкинлиги;
2. Динга ишонувчи барча кишиларнинг руҳоний бўлиши мумкинлиги;
3. Инжилнинг олий нуфузи.

Протестантизм католик черкови гуноҳдан ҳоли, Рим папаси бирламчи, деган таълимотларни рад этади.

Христианликнинг бу оқимида инсоннинг худога ва черковга муносабати соддалаштирилган. Бут ва санамларга сиғиниш йўқ. Монахлик ва руҳонийларнинг уйланмаслиги қораланади.

Протестантизм сирли маросимларнинг кўпчилигини бекор қилди, фақат чўқинтириш ҳамда нон ва вино тортиш маросимини қолдирди.

Протестантлар сони ҳозирги даврда бутун дунёда 250 миллиондан ортиқ. Бу оқим Скандинавия мамлакатлари, Германия, Британия, Канада, Австралия, Янги Зеландия, АҚШ ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалаган.

Протестантизмдаги асосий оқимларга – баптизм, староверлар, духоборлар, молоконлар, мормонлар, адвентистлар, Иегова шохидлари ва бошқалар киради.

Баптизм – юнонча сўз бўлиб, «сув билан чўқинтириш» деган маънони билдиради. Бу таълимот бўйича болалар ёшлигида эмас, балки вояга етганда, динга нисбатан онгли бўлгандагина чўқинтирилиши лозимлиги уқдирилади. Христианликда муқаддас ҳисобланадиган авлиёлар, монахлик, икона, бут ва бошқалар рад этилади.

Баптизм руҳонийларнинг диндорлар билан инсонлар ўртасидаги воситачилигини рад этади. Инсоннинг яшашдан мақсади, ўзини нариги дунёга тайёрлашдир дейилади. Баптистлар ҳар хил йиғинларларга, театрларга, хурсандчилик масканларига бормайдилар. Бегоналарга қарши қурол кўтармайдилар. Ҳатто армияга берганларида ҳам қуролга қўл тегизмайдилар, бошқа ишлар билан шуғулланадилар. Камдан-кам хурсанд бўлиб юрадилар, кўпинча хомуш юрадилар. Ўз яқинлари ва душманларини ҳам бирдек севишлари, ҳаммани кечирришлари, ёмонликка қаршилик кўрсатмасликлари муттасил ташвиқот қилинади. Жаҳонда баптистлар сони

35 миллиондан ортиқ. 1905 йилда жаҳон баптистлар иттифоқи тузилган, унинг маркази АҚШда. Ўзбекистонда баптистларнинг рўйхатга олинган 14 жамоаси мавжуд.

Духоборлар – рухга эътиқод қилувчи христианлар, рух учун курашувчилар – эски рус сектантчилиги йўналишларидан бири. Улар рухонийларни, монахликни, бутхоналарни, проваслав қоида ва маросимларини, хоч ва иконаларга топинишни рад этганлар. Исо Масих оддий инсон, худонинг ўғли эмас, аммо унда илоҳий ақл мужассам бўлган дейилади.

Адвентистлар – лотинча сўз бўлиб, воқе бўлиш маъносини билдиради. Адвентистлар жоннинг ўлмаслигини инкор этадилар. Жон тана билан бирга ўлади ва Исо қайта тирилиб келган кун яна тирилади. Бу дунё ана шунга тайёргарлик кўриш учун берилган дейдилар. Шанба кунини дам олиш кунини деб биладилар. Ўз даромадларининг ўндан бир қисмини черковга бериш талаб этилади. Адвентистлар Исо қайта тирилиб келиб охиратдан аввал минг йил ҳукмронлик қилади ва бу кун яқин деб ишонишади.

6. Ўзбекистонда христианлик жамоаларининг миллий истиқлолга қўшаётган ҳиссалари.

Ўзбекистон кўпмиллатли, кўп конфессияни давлатдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшайди. Улар турли динларга эътиқод қиладилар. Шунинг учун диний бағрикенглик мамлакатимизда куриляётган демократик жамятнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Республикаимизда 16 диний конфессия бирлашмалари ўзаро тотувликда фаолият кўрсатмоқда. Булар орасида Ислондан сўнг 2-ўринни христианларнинг православие оқими эгаллайди. Унинг бир неча черкови ва марказий уюшмаси бор. Баптист, иеговист, адвентист каби секталари бор. Кадрларни Москва ва бошқа шаҳарлардаги семинариялар тайёрлаб беради. Диний адабиёт ва вақтли матбуот нашрлари ҳам у ерлардан олиб келинади.

Ўзбекистон Конституцияси ва унга асосланиб ишлаб чиқилган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги тахрирда) қонун» га асосан республикаимиздаги барча диний уюшмалар эркин, ошкора, тенг ҳуқуқли асосда фаолият кўрсатмоқдалар. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар қонун бўйича кафолатланган. Бу қонунларга биноан бирор конфессияга имтиёз берилмаган. Қонунлар доирасидаги фаолиятлари чекланмаган.

Республикаимиздаги барча конфессиялар тотув, ҳамкор, ҳамжиҳат яшаш, давлат ва сиёсат масалаларига аралашмасдан, ҳокимият талашмасдан, ўз функцияларини хотиржам бажараётирлар. Давлатимиз билан улар орасида ҳеч қандай зиддият ва тушунмовчилик муаммолари йўқ. Динлараро бағрикенглик ғояларини юртимизда тўла амалга ошириляётганлигига қуйидагилар мисол бўла олади. 1995 йилда мусулмон ва христиан илоҳиётчилари иштирокида «Бир само остида» халқаро христиан-мусулмон конференцияси; 1998 йилдан фаолият кўрсата бошлаган Тошкент Православ

диний семинария ва Самарқанд Протестант семинарияларини келтириш мумкин. Шунингдек, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги ҳамда Евангель-Лютеран жамоасининг 100 йиллиги нишонланди.

Хулоса шуки Республикамиздаги барча конфессиялар орасида тотувлик, ҳамжихатлик мавжуд бўлиб, халқимизни тарбиялашга, тинчлик ва ҳавфсизликни сақлашга салмоқли хисса қўшмоқдалар.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
2. И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
3. И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
4. И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
5. И.Каримов. Халоллик ва фидоийлик-фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
6. И.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
7. И.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
8. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998й.
9. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 199й.
10. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
11. И.Каримов. Хушёрликка даъват. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
12. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000й
13. И.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
14. Миллий истиқлол ояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992й.
16. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
17. Отамуратов С.О., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари (Маърузалар матни) Т., 2000й.
18. Отамуратов С.О., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т., 2002й.
19. Йўлдошев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (Маърузалар матни) Т., 2000й.
20. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.

20. Хусанов С. Миржавҳарова Д. Диншунослик (ўқув-услубий қўлланма). Т.: -2005
21. Хусанов С. Жуманиёзов Х. Миржавҳарова Д. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т.: -2005 й.
22. Хуснитдинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Т., УМЭ., 2000.

Биз ислом дини ота-боболаримиз дини эканини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб, айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Динга ҳурмат ва эътиқод – биз учун ўлмас қадриятдир.
Ислом Каримов.

7-МАВЗУ: ИСЛОМ ДИНИ, УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ, МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

РЕЖА:

1. Арабистон ярим оролида ислом вужудга келган даврдаги шарт-шароит ва маънавий ҳаёт.
2. Исломнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва бошқа ўлкаларга тарқалиши
3. Ислом таълимоти.
4. Ислом динидаги асосий йўналишлар ва мазҳаблар.

Ислом дини жаҳон динлари ичида энг ёш диндир. Эътиқод қилувчилари сони жиҳатидан эса христианликдан кейин иккинчи ўринда туради. Хозирда Ислом динига эътиқод қилувчилар сони қарийиб миллиард 200 миллион кишини ташкил этади.²⁵ Йил сайин бу динга эътиқод қилувчилар сони ортиб бормоқда.

Ислом дини VII асрнинг бошларида Арабистон ярим оролида (хозирги Саудия Арабистонида) пайдо бўлган.

Ислом – арабча сўз бўлиб, мазмуни бўйсунуш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топширишни билдиради. Ислом динига эътиқод қилувчилар арабча «муслим» - «исломни қабул қилган», «итоатли», «садоқатли» демақдир. Кўплиги «муслимун» деб аталади. Бу сўз хозир ўзбекларда – мусулмон, қирғиз ва козоқларда – мусурмон, Украина ва Россияда – басурман номи билан аталади.

²⁵ Қаранг. Ислом энциклопедия. 113-бет.

Умумий тарзда, Ислом – Аллоҳ ягона деган эътиқод билан унга бўйсунимоқлик, итоат этмоқлик ва бутун қалб билан ихлос қилмоқлик ва Аллоҳ буюрган динга иймон (ишонч) келтирмоқлик демакдир.

Исломнинг пайдо бўлиши VI аср охири – VII аср бошларида Арабистон ярим оролида юз берган ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва маънавий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда рўй берган.

Бу даврда араблар катта-кичик қабила ва уруғларга бўлиниб кетган бўлиб, улар ўртасида доимий келишмовчилик, уруш ва жанжаллар рўй бериб турарди.

Иккинчидан, бу даврда Арабистонда кўп худоилик динлари мавжуд бўлган. Асосан фетишизм – турли санамларга сиғиниш ҳукмронлик қиларди. Ҳар бир қабиланинг ўз дини, санами бўлиб, 360 дан ортиқ санам Маккада сақланарди. Уларни араблар вақти-вақти билан зиёрат қилиб турганлар.

Учинчидан, бу даврда араб қабилалари ўртасида жоҳилия – билимсизлик ҳолати, жаҳолат ҳукмронлик қиларди. Яъни, араблар ҳаётида тубанлик, ичкиликбозлик, қимор, бузуқлик авж олган эди. Бинобарин, инсонларнинг руҳлари ҳам, эътиқодлари ҳам, ҳатти-ҳаракатлари ҳам бузилган эди. Одамларда уят туйғуси йўқолган эди. Фоҳишалик бир касбга айланганди. Аёлларга ҳайвондек муомила қилинарди. Гўдак қизларни тириклайин кўмиш одати бўлган ва бошқалар.

Шундай қилиб, Исломдан илгари Арабистонда қонунсизлик, ахлоқсизлик, зўравонлик ҳукм сургани учун ҳам кейинги авлод ўша даврни ҳақли равишда Жоҳилия деб атаган ва ундан қутилишнинг нажот йўли керак эди.

Бундай ҳолатларга, айниқса бўлиниб кетган араб қабилалари ўртасидаги ўзаро низо ва урушларга барҳам бериш учун сиёсий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан бирлашган ягона Араб давлатини вужудга келтиришни давр тақазо этмоқда эди. Бунга эса ягона худога эътиқод қилиш орқали эришиш мумкин бўларди.

Бу даврда Исломнинг пайдо бўлиши учун ғоявий муҳит ҳам етилиб бораётган эди. Чунончи, ханифлар – чинакам эътиқод қилувчилар, ҳақиқат изловчилар диний ҳаракати бунга яққол мисол бўла олади. Ханифлар араб қабилаларини бирлаштириш жараёнининг ғоявий ифодачиси эдилар. Улар яқка худога ишонишни ва кўпхудоликка эътиқод қилишдан воз кечишни тарғиб қилардилар. Ханифлар ўз тарғиботларида арабларни оғир аҳволдан қутқариш учун халоскорнинг келиши яқинлашиб қолганлиги ҳақида хабар тарқатиб, уни сабр билан кутиб туриш лозимлигини уқтирардилар.

Шундай қилиб, бу даврда арабларни ҳар жиҳатдан бирлаштириш, кучли салтанатни вужудга келтириш, яккахудочиликка ўтишга хижоз араблари маълум маънода тайёр эдилар. Бундай ҳаракатни бошқарган кишилар ўз фаолиятларини илоҳий илҳом билан асослай олган ҳолдагина муваффақиятга эриша оларди. Исломнинг асосчиси Муҳаммаднинг диний ва сиёсий фаолиятлари юқоридаги жараёнларнинг хусусий кўриниши бўлган. Муҳаммад ҳар томонлама баркамол инсон бўлганлари, у зотнинг шахсий фазилатлари туфайли хижозликларнинг ҳаракати ўзига хос хусусиятлар касб

этиб, диний ва сиёсий кучга айланди; бу куч исломнинг вужудга келишини энг муҳим тарихий воқеалардан бирига айлантирди.

2. Исломнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва бошқа ўлкаларга тарқалиши

Исломнинг вужудга келиши, араблар орасида вахдониятга асосланган диннинг қарор топиши, араб қабилаларининг яккахудо – Аллоҳ ғояси атрофида бирлашиши Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммад номи билан чамбарчас боғлиқ.

Қуръони каримда 25 нафар пайғамбарнинг номи зикр этилган. Муҳаммад Аллоҳ томонидан одамлар орасидан танлаган сўнгги пайғамбар саналади. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (570-632) Маккада Қурайш қабиласига мансуб Хошимийлар хонадонида туғилган. Отаси Абдуллоҳ Муҳаммад туғилмасдан икки ой олдин 25 ёшида вафот этган. Муҳаммад 6 ёшли бўлганида онаси Амина ҳам вафот этади. Муҳаммадни бобоси Абд ал-Муталлиб ўз тарбиясига олади. Икки йилдан сўнг бобоси ҳам вафот этади. Саккиз ёшли Муҳаммадни амакиси Абу Толиб ўз қарамоғи ва тарбиясига олади. Абу Толиб тижорат ишлари билан шуғулланарди. Муҳаммад ҳам амакиси билан тижорат ишлари билан шуғулланган. 25 ёшида Яманга ўша даврнинг бадавлат аёли Ҳадича билан унинг молларини сотишда кўмаклашиш учун боради. Бу ҳамкорлик Муҳаммад билан Ҳадичанинг оила қуришига сабаб бўлади. Улар 6 нафар фарзанд – икки ўғил ва тўрт қиз кўрганлар. Фарзандларидан фақат Фотима ўсиб улғайди, қолган фарзандлари бевақт вафот этган.

Муҳаммад амакиси Абу Толибга ёрдам бўлсин деб унинг кичик ўғли Алини ўз ёнига олган ва кейинчалик қизи Фотимани унга турмушга берган.

Муҳаммад 40 ёшга борганида унинг ҳаётида пайғамбарлик даври бошланган. Яъни унга илк ваҳий кела бошлаган. Ана шу даврдан Муҳаммад Аллоҳнинг расулига – элчисига айланди. Бу фаолият 23 йил давом этди. Унинг бир қисми Маккада (610-622), иккинчи қисми Мадинада (622-632) ўтган.

Адабиётларда қайд этилишича дастлабки ваҳий рамазон ойининг 26-сидан 27-сига ўтар кечаси келган. Шунинг учун бу кунни мусулмонлар қадр яъни илоҳий қудрат кечаси сифатида нишонлайдилар. Рамазон ойини эса муборак деб биладилар. Келган ваҳий Муҳаммад Пайғамбарни инсонларни жоҳилиядан қутқариш ва Аллоҳ кўрсатган тўғри йўлга чақиришга даъват этади.

Муҳаммад Маккаликларни бут ва санамларга сиғинишдан қутқариш ва ягона Аллоҳ эътиқодига олиб кириш учун 3 йил яширин равишда ҳаракат қилди. Бу даврда Ислом динига кирганлар 30 кишини ташкил этди халос. Биринчи бўлиб Биби Ҳадича, кейин амакиваччасининг ўғли Ҳайдар яъни Али, асранди ўғли Зайд ибн Хорис исломга кирди. Сўнг Абу Бакр, аз-Зубайр, Талха, Саъд ибн Абу Ваққос, Абд ар Раҳмон ибн Авф, Усмон ибн Аффон ва бошқалар исломни қабул қилдилар. Шу тариқа Маккаликлар иккига

ажралишди. Булар Аллоҳнинг яккаликка ишонганлар – мўмин-мусулмонлар ва ишонмаганлар – мушриклар эди. Мушриклар Аллоҳни якка деб эътироф этмай, унинг шериклари бор, яъни худодлар кўп деб, турли санам, тош ва ҳақозоларга, кўплаб худодларга сиғинардилар. Мушриклар 23 йил давомида Муҳаммад тарғиболарига тиш-тирноқлари билан қарши чиқдилар. Улар ҳатто Муҳаммад Пайғамбарни жисмонан йўқ қилмоқ пайига ҳам тушганлар.

619 йилда аввал амакиси Абу Толиб, кейин хотини Хадича вафот этди. Бу икки улуғ, ороғли зотнинг вафотидан сўнг мушриклар Пайғамбарга қарши курашни янада кучайтирдилар. У зот ўзга ерлардан тарафдорлар излашга мажбур бўлдилар. Дастлаб бир гуруҳ мусулмонлар Ҳабашистонга кўчди. 622 йилда Макка зодагонлари билан рақобатлашиб келаётган Ясриб (Мадина) даги Абс ва Ҳазраж қабилаларининг вакиллари мусулмон жамоасини ўзига қабул қилиш, Муҳаммадни умумий раҳнамо сифатида тан олишга рози бўлишди. Шу тариқа 622 йилда мусулмонлар жамоаси Маккадан Мадинага кўчади. Буни тарихда хижрат – кўчиш деб юритилади. Мусулмон йили Хижрий йил ҳисоби шу йилдан бошланиши расмий тан олинган. Кўчиб келган кишилар мухожирлар (кўчиб келганлар), Мадинада Исломни қабул қилганлар ансорлар (тарафдорлар) деб аталдилар. Бу ерда Муҳаммад қисқа вақт ичида тарқоқ араб қабилаларини мухожирлар билан бирлаштириб бир жамоа – уммани ташкил этди. Бу жамоа қисқа вақт ичида кичик, лекин кучли давлатга айланди. Диний, маъмурий ва харбий ҳокимият бутунлай Муҳаммад Пайғамбар кўлига ўтди. Мадина атрофидаги барча араб қабилалари бўйсундирилди. Айна вақтда Мадина ва Макка ўртасида бошланган кураш 8 йил давом этди ва Бадр, Ухуд, Ҳандоқ каби жанглар бўлиб ўтди. Ниҳоят Макка зодагонлари 628 йилда Муҳаммад билан келишишга мажбур бўлдилар. 630 йилда мусулмонлар кўшини ҳеч қандай қаршиликсиз Маккага кириб борди. Макка аҳолиси ёппасига Ислом динини қабул қилди ва Муҳаммадни Аллоҳнинг элчиси деб эътироф этди. Ана шундан бошлаб Макка Ислом дини марказига, Каъба мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланган. 632 йилда Муҳаммад оила аъзолари билан бирга Каъбага биринчи марта ҳаж зиёратига келди. Мазкур Ҳаж тарихда «видолашув хажи» деб юритилиб, Муҳаммад ҳажга тўпланган 124 минг мусулмонга қарата туя устида ўтириб нутқ сўзлаган. Бу нутқ тарихда – «видолашув хутбаси» деб юритилиб, у на фақат йиғилган мусулмонларга, балки бутун инсониятга қаратилганлиги ва инсоният тарихида энг буюк инқилиб ясаганлиги билан ажралиб туради. Видолашув хутбаси жохилият даврининг бутун хурофатларини, бутун ёмонликларини, қон даъволарини, судхўрликни, кимор, фоҳишаларни, аёлларга нисбатан паст назар билан қарашни ўртадан барҳам топтиришда муҳим рол ўйнади.

Муҳаммад Пайғамбар айтган ваъзаларининг қисқача мазмуни куйдагича:

«Эй инсонлар! Сўзларимни диққат билан эшитингиз. Билмайман, балки бу санадан кейин Сиз билан бу ерда яна бир бор бирга бўлолмасман.

Эй инсонлар!... Бу кунингиз (қурбон куни) қандай муқаддас бўлса, бу оинингиз қандай муқаддас бўлса, бу шаҳримиз (Макка) қандай муқаддас бир

шаҳар бўлса, билингизки, жонларингиз, молларингиз ҳам шу каби муқаддасдир. Буларга қилинган ҳар қандай тажовуз ҳаромдир.

Асҳобим! Хушингизни йиғиб олинг! Билингизки, зинҳор-безинҳор менадан кейин эски адашувга қайтиб бир-бирингизнинг бўйнингизни кесманг!

Асҳобим! Эски жоҳилият давридан қолган ҳамма қон даъволари батамом бекор қилинди.

Асҳобим! Кимнинг ёнида бир омонат бўлса, уни эгасига қайтариб берсин.

Эй инсонлар! Хотинларнинг ҳақларига риоя этингиз. Улар билан шафқат, меҳр ила муомалада бўлингиз. Уларнинг ҳақлари хусусида Аллоҳдан кўркингиз! Хотинлар Сизга Тангрининг омонатидир. Уларн Аллоҳ номига сўз бериб олдингиз. Сизнинг хотинлар устида ҳақларингиз бўлгани каби, уларнинг ҳам Сизда ҳақлари бор. Сизнинг хотинлардаги ҳақларингиз – хотинларнинг оила шарафини Сиз ёқтирмайдиган ҳеч бир кимсага оёқости қилдирмасликларидир. Хотинларингизнинг ҳар турли ейиш ва кийиш эҳтиёжларини таъминлашингиз эса, уларнинг Сизнинг устингиздаги ҳақларидир... Бир хотин эрининг руҳсатисиз унинг молидан бирор нарсани бировга бериши ҳалол эмас.

Эй мўминлар! Сўзларимни яхши эшитингиз:...Ҳеч кимнинг бошқалардан устунлиги йўқдир. Шараф ва устунлик фақат фазилат иладир. Ҳар бир мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Ҳақсизлик қилманг! Ҳақсизликка бўйин ҳам эгманг! Одамнинг ҳақларини еманг. Бир-бирингиз билан бўғишманг!...

Эй инсонлар! Ҳар бир жинойтчи ўз айбига фақат ўзи жавобгардир. Ҳеч бир жинойтчининг гуноҳи учун авлоди жазо тортмайди.

Эй мўминлар! Сизга бир омонат қолдирыпман. Унга маҳкам боғланганингиз сари йўлингизда ҳеч адашмагайсиз. Бу омонат Аллоҳнинг китоби – Қуръондир.

Эй инсонлар! Ҳаддан ошишлиқдан сақланинг...»²⁶

Муҳаммад Расуллулоҳ ҳаждан қайтгач 632 йил 8 июнда касалланиб вафот этди. Бу даврга келиб Арабистон ярим ороли тўла бирлаштирилган, унинг аксарият аҳолиси Ислом динини қабул қилган эди. Арабистоннинг сиёсий, иқтисодий, этник ва маданий жиҳатлардан бирлашишида Ислом дини муҳим омил бўдиб хизмат қилди ва келажакда вужудга келган мусулмон оламининг мафкурасига айланди.

Муҳаммад Расуллулоҳ вафот этгач у барпо этган давлатни унинг ўринбосарлари – халифалар бошқарган. Шу муносабат билан мусулмонлар давлати тарихда «Араб халифалиги» деб ном олган.

632-661 йилларда тўрт нафар халифа – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алилар халифаликни бошқариб ер юзининг катта қисмини халифаликка бўйсундирганлар.

²⁶ Қаранг. Алихонрўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Иккинчи китоб. Тошкент-1991. 185-186-бетлар. 3.Кунрапа. Алвидо, дунё! Ассалом, охират! 3-китоб. Тошкент, 1996. 15-18-бетлар.

661-750 йилларда қарийиб юз йил Ислом тарихида Уммавийлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Бу даврда араблар истилоси ва Исломнинг бошқа халқлар орасида тарқалишининг иккинчи даври бошланиб Шимолий Африка, Испания ерлари босиб олинди.

Араблар VIII асрда Ўрта Осиёни – Моварауннахрни босиб олдилар ва қаттиққўллик билан исломлаштириш сиёсатини олиб бордилар. Бу жараён ўта қийин кечган. Чунончи улар рақибларни ўлдирдилар, Исломни қабул этмаганларни бошига турли-туман кулфатларни туғдирдилар, ҳар хил йўллар билан маҳаллий халқларга зулм ва хўрликларни ўтказдилар, катта солиқлар солдилар. Айти пайтда араб ҳукмдорлари исломни қабул қилганлари учун турли имтиёзлар яратдилар, жумладан, уларни жузьядан, яъни жон солиғидан озод қилдилар.²⁷

Шундай қилиб бир асрдан камроқ вақт давомида Шимолий Хитойдан Испаниягача, Кавказ ортидан Ҳинд океанигача бўлган катта ҳудуд забт этилди ва Ислом дини кенг ҳудудда тарқалди.

Ўрта Осиё аҳолисининг арабларга қарши олиб борган эрк ва озодлик кураши бир ярим аср узлуксиз давом этди. Уларнинг бу интилишлари, ҳаракатлари ниҳоят IX асрнинг охирларига келиб минтақада араб ҳалифалиги ҳокимиятининг қулаши билан яқунланди. Ўрта Осиёда IX-XI асрлар давомида марказлашган мустақил давлатлар вужудга келди.

Бу – Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлатидир.

Араб халифалиги 632-йилдан то 1258-йилгача, яъни 627 йил давом этди. Ундан кейин Миср Аббосий халифалиги 1261-йилдан 1517-йилгача, Усмонлилар халифалиги эса 1517 йилдан 1924-йилга қадар ҳукм сурди.

Шундай қилиб ислом халифалиги жами 1293 йил амал қилиб, 1924-йилда Туркия жумҳуриятининг раҳбари Мустафо Камол бошчилигидаги Миллий мажлис Усмонлилар халифалигини бекор қилиниши билан ниҳоясига етди.²⁸

3. Ислом таълимоти.

Ислом таълимоти унинг муқаддас китоби – Қуръони Каримда баён этилган. Исломнинг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклаш ва тақиқлари Қуръон билан бирга унинг тафсирида, ҳадис тўпламлари ва шариат қўлланмаларида, илоҳиёт адабиётларида ўз ифодасини топган.

Ислом динининг асосий ақидаси «Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ – йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир».

Қуръон тилида эса: «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ». Бу калимаи тавҳид дейилади. «Гувоҳлик бераманки, бир Аллоҳдан бошқа илоҳ

²⁷ Қаранг. Қ.Бўронов. Халқимиз маънавияти ва маърифатининг теран илдизлари. Тошкент, «ФАН», 2003. 28-бет.

²⁸ Қаранг. А.Абдурахмонов. Саодатга элтувчи билим 295-бет.

йўқ ва яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва расули (элчиси) дир». Қуръон тилида «Ашҳаду ан ла илаҳа иллalloҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу». Бу Калимаи шаҳодат дейилади.

Ислом динига кириш, мусулмон бўлиш учун юқоридаги икки иймон калимасини тили билан айтмоқ ва қалбан, чин дилдан ишониб тасдиқлаш лозим. Буни иймон келтириш деб юритилади.

Бу икки калимани келтириш иймоннинг илк босқичидир. Иймоннинг яна қолган олти босқичи-шарти бўлиб, мусулмон киши яна ана шуларга ишонмоғи ва уларга амал қилиб яшамоғи ҳам шарт ҳисобланади.

Суннийликда иймон талаблари 7тадир. Булар:

1. Аллоҳнинг яккаю-ягоналигига ишониш, фақат унгагина сиғиниш, эътиқод ва ибодат қилиш.
2. Аллоҳнинг фаришталарига ишониш.
3. Аллоҳнинг барча илоҳий, муқаддас китобларига ишониш.
4. Аллоҳнинг барча пайғамбарларига ишониш.
5. Тақдирга, унинг илоҳийлигига ишониш.
6. Охиратга, қиёмат қойим бўлишига ишониш.
7. Қайта тирилишга ишониш.

Ана шу етти шарт, эътиқод талаблари-иймоннинг тўлиқ асоси, устуни саналади. Исломга эътиқод қилувчи ҳар бир киши тили билан-«Иймон келтирдим Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, тақдирига, қиёмат кунига ва ўлгандан кейин қайта тирилишига», деб айтмоғи ва бунга дили билан ишонмоғи лозим.

Энди шулар ҳақида қисқа тўхтаб ўтамиз.

Аллоҳ-дунёдаги барча мавжудотларни яратган. Оламда юз берган ва берадиган барча воқеа ва ҳодисалар Аллоҳ томонидан белгиланган ва унинг иродаси билан содир бўлади. Аллоҳни ҳеч ким бор қилган эмас, у ўзидан ўзи бордир. Аллоҳ бирдир, яккадир, ёлғиздир. Унинг шериги, ўхшаши, тенгдоши, фарзандлари, оиласи йўқ. У ўлмайди, ухламайди. У билувчидир, у билмайдиган бирор иш йўқ. У ҳар ишга кодирдир, ҳамма нарсани кўрувчи ва эшитувчидир. Аллоҳ билдирувчи, тарбия қилувчидир. Аллоҳда ҳеч қққандай нуқсон ва камчилик йўқдир. У ҳамма ерда хозир. Аллоҳ емайди, ичмайди, касал бўлмайди.

Ҳар бир мусулмондан Аллоҳнинг ана шундай қудратига ишонмоқлик талаб этилади.

Фаришталар- Аллоҳнинг ниҳоятда итоатли, ҳеч бир гуноҳсиз, нурдан яратилган, одамлар кўзига кўринмайдиган бандаларидир. Улар Аллоҳнинг буюрган ишларини бажарадилар. Уларда эрлик, аёллик, туғиш, туғдириш, ейиш-ичиш, ухлаш каби хусусиятлар йўқ. Фаришталарнинг энг машхурлари-Жаброил, Микоил, Исрофил, Азроилдир.

Пайғамбарлар – Аллоҳ томонидан бандаларига дин ҳукмларини ўргатмоқ учун юборилган элчилардир. Улар ақлли, зийрак, тўғри, итоатли бўлиб одам болаларидан чиқадиладар. Улар Аллоҳ томонидан буюрилган дин ва шариат ҳукмларини бандаларига етказадилар, уларни ҳақ динга, яхши ишларга ваъз, насиҳат билан чақирадилар. Қуръони каримда 25 пайғамбарни

исми келтирилган. Пайғамбарлар 2 хилга бўлинадилар: 1. Расуллар; 2. Набийлар.

Аллоҳ томонидан ўзларига алоҳида китоб ва шариат берилган пайғамбарлар расул деб аталадилар. Барча пайғамбарлардан 8 нафари: Одам, Идрис, Шис, Иброҳим, Мусо, Довуд, Исо ва Муҳаммад расул пайғамбарлардир.

Ўзларига махсус китоб ва шариат берилмай, бир расулга берилган китоб ва шариат асосида иш қилишга буюрилган пайғамбарлар набий дейилади. Набийлар расул бўлолмайдилар. Расулларнинг ҳар бири айна пайтда набий ҳам ҳисобланадилар.

Муқаддас китоблар – ҳар бир замоннинг ўзига яраша дин ва муомалат ҳукмларини баён этиб, ўша замоннинг пайғамбарларига ваҳий қилиб юборилган китобларидир. Аллоҳ ўз пайғамбарларига 100 саҳифа – Одам, Шис, Идрис, Иброҳимга; 4 китоб эса Мусо, Довуд, Исо ва Муҳаммадга юборган.

Охират – нариги дунё, ўлган бандаларнинг Аллоҳ қудрати билан тирилиши ва Аллоҳ тайин қилган ерга йиғилиш куни. Йиғиладиган жойнинг номи «Машхар ери», куни эса «Қиёмат куни» деб аталади. Бу куни бандаларнинг бу дунёда қилган яхши, савоб ёки гуноҳ ишларига яраша ҳукм чиқарилади.

Тақдир – Аллоҳ томонидан ҳар бир бўлган ва бўладиган ишларнинг бўлмоғини азалдан, олдиндан тайин белгилаб қўйилишидир. Буни бизда пешонасига ёзилган ҳам дейилади.

Ислом динида «Ислом арконлари» деган тушунча ҳам мавжуд. У куйидаги беш асосдан, устундан иборат: 1. Иймон; 2. Намоз; 3. Рўза; 4. Закоат; 5. Ҳаж. Юқоридагилар ҳар бир мусулмон учун фарз қилиб белгиланган. Булардан ташқари жаноза, суннат, никоҳ ва қурбонлик қилиш каби муҳим маросимлари ҳам мавжуд.

Ислом дини байрамларига – Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, мавлуд ва бошқалар киради.

Иймон – юқорида айтилган Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад унинг бандаси ва расули эканлигига ишонмоқ ва эътиқод қилмоқликдир.

Намоз – кунига 5 маҳал ўқилиб, кишида доимий диний кайфиятни сақлашнинг муҳим воситасидир. Намозлар – фарз, суннат, вожиб кабиларга бўлинади.

Рўза – кун чиқишдан то кун ботишга қадар емоқ ва ичмоқликдан тийилмоқ ва шунга ният қилмоқликдир. Рўза ҳар бир соғлом мусулмон учун фарз ибодати саналади. У хижратнинг иккинчи йили Мадинада фарз қилинган.

Закоат – мол-мулки шариат белгилаган миқдорга етганда йилда бир маротаба улардан қирқдан бирини, яъни 2,5 фоизини бева-бечораларга, мискинларга, илм толибларига ва бошқа мухтожларга берилиши шарт бўлган Аллоҳнинг ҳақи.

Хаж – ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам моддий ибодат. Ҳаж – кабатуллоҳни тавоф қилмоқ, Сафо ва Марва тоғлари орасида югурмоқ, Арофат тоғида бўлмоқ ва зарур маросимларни адо этмоқ учун Макка шаҳрига зиёратга бормоқликдир. Ҳажнинг шартлари қуйидагилар:

1. Ислом динида бўлиш;
2. Балоғатга етган бўлиш;
3. Оқил бўлиш; 4. Озод бўлиш;
5. Қодир бўлиш.

Исломнинг ана шу беш амали ҳар бир мусулмонга бажариш учун фарз қилинган.

Юқорида баён қилинганлар Ислом таълимотининг асосини ташкил этади.

4. Ислом динидаги асосий йўналишлар ва мазҳаблар

Ислом динида илк даврдан пайдо бўлган энг биринчи йирик муаммо – олий ҳокимиятни эгаллашга пайғамбардан кейин ким ҳақлироқ, деган муаммо бўлди. Халифа Али билан уммавийлар ўртасидаги тахт учун курашда VII асрнинг иккинчи ярми бошларида хорижийлар (арабча – ажралиб чиққан, исёнчи) оқими ажралиб чиққан. Али Муовия тарафдорлари билан олий ҳокимиятга ворислик масаласида музокара олиб боришга кўнган. Бу ҳол Али ҳақиқий ворислик ҳуқуқига эга, деб ҳисоблаган тарафдорларнинг ўртасида норозилик туғдирган. Қўшиннинг бир қисми (12 минг киши) халифа Алини келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб кетди. Ажралиб чиққан қўшин Алига ҳам, уммавийларга (муовия тарафдорлари) ҳам баб-баробар қарши курашганлар. Хорижийлар ҳаракати араблар томонидан бўйсундирилган Ироқ ва Эрон аҳолиси, оддий араб мусулмонлар манфаатини ифодалаган. Улар ўзларини ҳақиқий мусулмон ҳисоблаб, «диндан қайтган» деб эълон қилинган сиёсий ва ғоявий рақиларга нисбатан муросасиз бўлганлар.

Хорижийлик йўналиши таълимоти: халифа диний жамоа томонидан сайланади ва унга бўйсундилади; ҳар қандай тақводор мусулмон (ҳатто қул ёки ҳабаш бўлса ҳам) халифа бўлиб сайланиши мумкин; агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса вазифасидан бўшатилади ва ҳатто қатл қилинади.

Хорижийлар эътиқод амалий фаолият билан мустаҳкамланиши лозим деб ҳисоблаганлар. Улар эътиқодсиз ва гуноҳкор кишиларни жазолаш муддатини кечиктиришга қарши турганлар. Диний масалаларда ислом «мусаффолиги» тарафдори бўлиб, шариат кўрсатмаларига қатъий риоя қилишлари билан ажралиб турганлар.²⁹

Уммавий ва аббосий халифалар VII-IX асрларда Хорижийларга қарши кескин кураш олиб борди. Бунинг натижасида улар қириб ташланди. Хорижийларнинг қолганлари Шимолий Африкада ўз давлатини вужудга

²⁹ Қаранг. З.Хусниддинов. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. «ЎМЭ», Тошкент-2000. 56-59 бетлар. Ислом энциклопедия 260-бет.

келтирди. Хозирги даврда Хорижийларнинг ибодий фирқаси Жазоир, Тунис, Уммон ва Танзанияда учрайди.

Бугунги кунда Ислом динида суннийлик ва шиалик йўналишлари амал қилиб келмоқда.

Суннийлик деб, диний қонун-қоида ва тартиботларга амал қилишда Қуръони карим ва пайғамбаримиз хадислари – «Сунна» га бирдек амал қилувчиларга айтилади. Суннийлик йўналиши «Аҳли сунна вал жамоа» деб аталади. Бу номда Пайғамбарнинг суннатига амал қилиш ва мусулмонларнинг асосий кўпчилик жамоаси маънолари акс этган.

Жаҳондаги жаъми 1,2 миллиарддан кўпроқ мусулмонларнинг 92,5 фоизини суннийлик йўналишидагилар ташкил этади. Шиалик йўналиши яъни жаъфария мазҳабидаги мусулмонлар 7,5 фоиздан иборат халос.

Суннийликка мансубликни билдирувчи асосий белгилар қуйидагилардир: дастлабки тўрт халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али) ҳокимияти қонуний эканлиги тан олиш, олти хадис тўплами (ал-Бухорий, Муслим, ат-Термизий, Абу Довуд, ан-Насоий, Ибн Можа тўпламлари)ни саҳиҳ (ишончли)деб билиш, суннийликдаги тўрт диний-ҳуқуқий мазҳаб – ҳанафийлик, моликийлик, шофиъийлик, ханбалийликдан бирига мансуб бўлишдан иборат.

Суннийликдаги энг йирик мазҳаб Ҳанафия бўлиб, унга эргашганлар жаҳондаги мусулмонларнинг 47 фоизини ташкил этади. Бу мазҳабнинг асосчиси Абу Ханифа Нуъмон ибн Собит (699-767) дир. У Ироқнинг Куфа шаҳрида туғилган, келиб чиқиши жиҳатдан форслардан. Абу Ханифа Шариат ҳуқуқларини тизимга солган. Шариат қонунларини мусулмонлар ҳаётига қўллашда, ҳукм чиқаришда, хулосага келишда аввало Қуръони карим, сўнгра пайғамбар суннатлари – хадисларни, ундан кейин ижмоъни, охирида қиёсни қўллаган. У маҳаллий ҳуқуқ, меъёр, одатларни шариат билан келиштириб қўллашни жорий этган. Ислом ҳуқуқшунослигига ақл-идрок, мулоҳазкорлик билан иш кўриш тадбирларини киритган. Бу йўлни Имом Аъзам йўли деб ҳам юритилади.

Суннийликдаги иккинчи мазҳаб моликийликдир. Унинг асосчиси Молик ибн Анас Абу Абдуллоҳ (713-795) дир. Ислом ҳуқуқини пухта эгаллаб, «Мадина имоми» унвонига сазовор бўлган. Молик ибн Анас бирор сиёсий оқимга эргашмаган, ҳокимиятнинг сайлаб қўйилиши қоидасини афзал билган, лавозимларга маъмурий тайинланишларга қарши бўлган. Моликийлик мазҳабидагилар Қуръон ва Хадис ҳуқуқ асослари саналади деб ҳисоблаганлар. Улар пайғамбарга оид хадисларнигина саҳиҳ деб тан оладилар. Мадинанинг саводли аҳолиси яқдиллик билан маъқуллаган қоидаларнигина ижмоъ деб ҳисоблайдилар. Хозирда жаҳондаги мусулмонларнинг 17 фоизи моликийлик мазҳабидадир.

Суннийликдаги учинчи диний-ҳуқуқий мазҳаб – шофиъийлик бўлиб, унинг асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос аш-Шофиъий (767-820) дир. Шофиъийлик Қуръон ва суннага ягона манба сифатида қарайди. Шофиъийликка кўра, сунна Қуръонни тўлдирди, халос, суннанинг ўзи қиёслаб ўртача ҳукм чиқариш учун асос бўлолмайди. Улар

ижмоъдан фойдаланишга катта эътибор берадилар. Ҳозирда 27 фоиз мусулмонлар шофиъий мазҳаби йўлидан бормоқдалар.

Суннийликдаги тўртинчи мазҳаб Ханбалиядир. Унинг асосчиси Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ханбал (780-855) дир. Бу мазҳаб ҳуқуқ тизимининг ўта торлиги, ҳар қандай кўринишдаги «янгилик»ка диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат меъёрларига қатъий, ҳеч қандай ўзгаришсиз амал қилиши билан ажралиб туради. Мазкур мазҳабда Қуръони карим ва ҳадисларни эркин талқин этишдаги ҳар қандай уринишлар қораланади. Ҳозирда барча мусулмонларнинг 1,5 фоизи Ханбалия мазҳабидадир.

Суннийликдаги юқорида қайд этилган тўрттала мазҳаб тенг ҳисобланади. Бу мазҳаблар диний ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда шариат масалаларида енгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқариши билан бир-биридан фарқ қилади.

Бизнинг юртимизда азалдан фикҳда ханафийлик, ақидада эса мотрудийлик таълимотларига амал қилиб келинади.

Ислом динидаги йўналишлардан яна бири Шиаликдир. Шиъа – арабча сўз бўлиб, маъноси «гуруҳ», «тарафдор» демакдир. Шиаликдаги «жаъфария» мазҳаби Исломдаги бешинчи диний-ҳуқуқий мазҳаб саналади.

Шиалик аслида гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун кураш оқибатида вужудга келган бўлса ҳам, кейинчалик диний таълимотидаги тафовут шаклида барқарорлашган.

Шиалар суннийлар каби Қуръони каримни илоҳий деб эътироф этадилар, аммо дастлабки уч халифа даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган, деб ҳисоблайдилар. Улар яна Пайғамбар ҳадисларининг ҳаммасини эътироф этмайдилар, балки фақат Ҳазрат Али ва унинг тарафдорлари томонидан ривоят қилинган ҳадисларнигина тан оладилар. Улар шундай ҳадислардан иборат тўплам тузганлар. Бу тўплам умумий ном билан «Ахбор» деб аталади.

Шиалар Али ва унинг авлодларидан иборат 12 имом ҳокимиятини тан олади. Алидан бошқа халифаларни, хусусан дастлабки халифалар Абу Бакр, Умар, Усмонни ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олган деб қоралайдилар.

Суннийликда эътироф этилган 7 та диний ақидалардан фарқ қилиб, шиаликда 5 та ақидага эътиқод қилинади. Булардан 4 ақида – Аллоҳнинг ягоналиги, тақдирга, пайғамбарларга, қиёмат-охират кунининг келишига ишониш асосан суннийлик таълимоти билан мос тушади. 5- ақида Имомат эса (имомлар ҳокимиятини эътироф этиш) суннийликка ва сунний халифалар ҳокимиятига зидлиги билан фарқ қилади.

Суннийлар учун Макка ва Мадина шаҳарлари зиёрат ва хажга борадиган муқаддас шаҳар ҳисобланади. Шиалар эса Макка ва Мадинани муқаддас ҳисоблаш билан бирга имомлар дафн этилган шаҳарларни ҳам муқаддас ҳисоблайдилар ва зиёрат қиладилар.

Шиалар охириги 12 – имом – Муҳаммад ал-Маҳдийни яширинган деб ҳисоблаб, унинг қайтиб келишини кутиш улар орасида сақланиб келмоқда.

Гўё имом Махдий охирзамонда келиб, Исо билан бирга Дажжол, яъжуж-маъжуж ва бошқа кофирлар билан урушиб, уларни енгиб, қиёмат-қойим бўлишдан аввал ерда адолат ўрнатадилар деб ишонадилар. Шиалар Имом Хусайнга мотам тутадилар. «Шахсей-вахсей» («Шоҳ Хусайн, воҳ Хусайн») деб кичқириб, ўзларига озор бериб кўчаларга чиқадилар.

Ислом давлатлари кенгайиб бориши ва ислом динини қабул қилиши оқибатида ақидавий масалалар ҳам мураккаблашиб кетади. Бунинг устига турли томонлардан мусулмонлар ақидасини бузишга уриниш ва танқид қилиш ҳам авж олади. Ана шундай шароитда суннийлик ақидаси ва фикрларини илмий асосда жамлаш ва тартибга солишни давр тақозо этди. Бу ишни мусулмон оламининг икки йирик ақоид олими – Абу Мансур ал-Мотрудий ас-Самарқандий ва Абул Ҳасан ал-Ашъарий амалга оширдилар. Шу тариқа Ислом динида ақидавий масалаларни изоҳлаш, тушунтиришда Мовароуннаҳрда Мотрудия мактаби, Ироқ ва Эрон томонларда Ашъария мактаби IX-X асрларда шаклланди. Мотрудийлик ашъарийликдан ўнлаб ақидавий масалаларда фарқ қилади.

Мотрудийликнинг кенг ёйилишига унинг мўътадиллик йўлини тутгани, ақидавий масалаларда Қуръон, хадис ва ақлу идрок, мантиқ ҳамда ҳақиқатга яқин тургани сабаб бўлди. Чунончи мотрудийлик ҳар бир инсоннинг тақдири Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилганига қарамай, у ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгардир, деб билади. Инсон имтиҳонлар учун яратилган. Шу билан бир вақтда унга ушбу синовлардан муваффақиятли ўтиш ва тўғри йўлни топиш учун кенг имкониятлар бериб қўйилган. У ўз хатти-ҳаракатларида ихтиёри эркиндир деб билади.

Юртимизда 2000 йилда Мотрудий таваллудининг 1130 йиллиги нишонланди, асарлари ўзбек тилига ўтирилди.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
2. И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
3. И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
4. И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
5. И.Каримов. Халоллик ва фидоийлик-фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
6. И.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
7. И.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
8. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998й.
9. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 199й.

10. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
11. И.Каримов. Хушёрликка даъват. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
12. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000й
13. И.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
14. Миллий истиқлол ояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992й.
16. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
17. Отамуратов С.О., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари (Маърузалар матни) Т., 2000й.
18. Отамуратов С.О., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т., 2002й.
19. Йўлдошев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (Маърузалар матни) Т., 2000й.
20. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
20. Хусанов С. Миржавҳарова Д. Диншунослик (ўқув-услубий қўлланма). Т.: -2005
21. Хусанов С. Жуманиёзов Х. Миржавҳарова Д. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т.: -2005 й.

8-МАВЗУ: ИСЛОМ ДИНИНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ

РЕЖА:

- 1. Қуръон, унинг тузилиши, жамланиши ва аҳамияти.**
- 2. Ҳадислар Ислом динининг Қуръондан кейинги иккинчи манбаидир.**
- 3. Мовароуннахрлик буюк муҳаддислар (ҳадисшунослар).**
- 4. Ислом дини манбаларнинг тарбиявий аҳамияти.**

Мустақиллик туфайли ўтмиш тарихга, хусусан маънавий меросимиз Ислом динига ва диний китобларга муносабат ўзгариб, уларга инсониятни юксак маънавийликка йўлловчи бебаҳо бойлик сифатида қараш қарор топди.

Қуръон Аллоҳ томонидан ваҳий қилинган 4-илоҳий китобдир. Қуръон сўзининг луғавий маъноси ўқимок, қироат қилмоқ демакдир. У мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Қуръонда ўзидан олдин нозил бўлган саҳифалар, Таврот, Забур, Инжил каби барча илоҳий китобларнинг маъно, ҳикмат ва аҳкомларини ўзида жамланганига ишорат бор.

Илми уламолари Қуръонни қуйидагича тарифлайдилар: «Қуръон – Аллоҳ таолонинг Муҳаммад (сав) га ваҳий орқали нозил қилган... Ибодатда ўқиладиган, ожиз қолдирувчи каломидир».¹

Қуръон Аллоҳнинг ер юзидаги бутун башариятга юборган охирги диний шаръий кўрсатмалар тўпламидир. Унинг ҳар бир каломи сўзма-сўз нозил этилган ва Жаброил алайҳиссалом орқали Муҳаммад алайҳиссаломга етказилган.

Қуръоннинг нозил қилиниши муқаддас рамазон ойининг 27-куни кечаси бошланган. Шу сабабли бу ой муқаддас ҳисобланиб, рўза тутилган куннинг 27-кечаси «Лайлат ул Қадр», яъни қудрат кечаси, илоҳий қудрат намоён бўлган табаррук кеча деб улуғланади.

Қуръони каримнинг асосий мавзуси ва мақсади башарият тафаккурида кўпхудоликка барҳам бериш, яккахудоликка тарғиб қилиш ва Ислом динини ўрнатишдир.

Муҳаммад (сав) 40 ёшга етганларида Макка атрофидаги тоғлардан биридаги Ҳиро номли ғорда Қуръоннинг биринчи оятлари нозил бўла бошлаган. Бу жараён Маккада ўн уч йил, Мадинада ўн йил, ҳаммаси бўлиб йигирма уч йил давом этган. Муҳаммад (сав) нинг амрларига мувофиқ Қуръон ҳар хил ҳажмдаги 30 пора (бўлак, қисм); 114 сурага бўлинди. У 6236 оятдан иборат. Қуръоннинг охирги ояти пайғамбар вафотларидан 18 кун аввал нозил бўлди. Қуръон ҳар бир сурасининг ўз номи бор. Баъзи сураларнинг номи суранинг аввалидаги сўздан олинган. Баъзилариники эса, ўша сурада зикри кўпроқ келган нарсаларнинг номига қўйилган.

«Сура» сўзи луғатда кўрғон, манзил ва шараф маъноларини англатади. Уламолар эса, сура – Қуръон оятларининг бошланиши ва тугаши белгиланган мустақил тоифаси эканлигини таъкидлайдилар. Бошқача айтганда, Қуръон оятларининг кўрғон ила ўралгандек, бир тоифасига сура дейилади. Қуръони каримдаги энг қисқа сура Кавсар сураси бўлиб, уч оятдан, энг узун сура Бақара сураси бўлиб, 286 оятдан иборатдир.¹

Қуръон суралари икки қисмга бўлинади: 1. Ҳижратдан аввал тушган суралар – «Мака суралари» дейилади. 2. Ҳижратдан кейин тушган суралар – «Мадина суралари» дейилади. 86 сура 4780 оят Маккада 610-622 йилларда, 28 сура 1456 оят Мадинада 622-632 йилларда нозил бўлган.²

Муҳаммад (сав) Қуръон оятларини фаришта Жаброилдан эшитиб, ёд олар эдилар. Кейин бошқа мусулмонлар у кишидан эшитиб, ёдлаб олишарди. Шу билан бирга ёзишни биладиган саҳобалар, шу жумладан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб ва бошқалар хурмонинг пўстлоғига, япалоқ тошларга, катта суякларга, терига, қоғозга ва шунга ўхшаш нарсаларга Қуръонни ёзиб борганлар.

Муҳаммад (сав) уларга янги тушган оят қайси сурадан эканини ва қаерда туриши лозимлигини кўрсатиб берганлар.

¹ Қаранг. Ислом энциклопедия. 295-бет.

¹ Қаранг. Ўша ерда. 296-бет.

² Қаранг. А.Абдурахмонов. Саодатга элтувчи билим. 193-бет.

Пайғамбар ҳаётлик вақтларида, яна ваҳий тушиб қолар, деган умидда Қуръонни жамлаб китоб шаклига келтирмаган.

Муҳаммад (сав) дан сўнг мусулмонларга Абу Бакр бошлиқ (халифа) қилиб сайланди. Бу даврда диндан қайтганлар билан мусулмонлар орасида каттиқ жанглар бўлди. Ўша жангларда Қуръонни тўлиқ ёд олган кўплаб қорилар шаҳид бўлдилар.

Шунда Умар Абу Бакрга қорилар ўлиб кетаверса, Қуръонга зарар етиши мумкин, шунинг учун уни китоб шаклига келтириб жамлаб қўйиш керак, деган маслаҳатни берди.

Абу Бакр бу ишни бажаришни пайғамбарнинг энг яқин саҳобаларидан бири бўлмиш Зайд ибн Собитга топширди. Бир йилдан ортиқ вақтда машаққатли меҳнат натижасида Қуръон жамланиб кийик терисига унинг саҳифалари ёзиб тугатилди. Жамланиб китоб холига келтирилган Қуръон саҳифалари Абу Бакрнинг уйида сақланди. У киши вафотидан сўнг эса қизлари ва пайғамбарнинг хотинлари Ҳафса хузурида қолди.

Вақт ўтиши билан Ислом давлатининг чегараси кенгайиб, кўплаб халқлар ҳам мусулмонликни қабул қилиб, мусулмонларнинг сони кўпайгандан сўнг Қуръонни ўқишда турлича келишмовчиликлар чиқа бошлади. Бу ҳолатни қўрган халифа Усмон Ҳафсадан Абу Бакр давридаги саҳифаларни сўраб олиб, ундан олти нусха кўчиришга буйруқ берди.

Нусхалар тайёр бўлгандан сўнг халифаликнинг марказий шаҳарлари Макка, Шом, Куфа, Басрага биттадан нусхага Қуръон тиловатини яхши биладиган биттадан қори қўшиб жўнатди. Ҳаммага фақат шу нусхадан Қуръонни кўчириш ва шу қоридан қироат ўрганишга буйруқ берди. Халифа кўчирилган саҳифалардан яна бирини одамларга қироат таълими беришни Зайд ибн Собитга топшириб Мадинада қолдирди. Усмон ўзига кўчирилган нусхадан бир дона қолдирди. Кейинчалик нусха кўчириш йўлга қўйилиши билан кўчирилган ҳар бир нусханинг ишончли эканини тасдиқлаш мақсадида, бу нусха Мусҳаби Усмонга мувофиқдир, деб ёзиб қўйиладиган бўлди. Шу тариқа Қуръоннинг харфларини ёзиш услуби бир хиллиги сақлаб қолинди.

Шундай қилиб Қуръон тарихан уч маротаба жам қилинган. Биринчи маротаба Пайғамбар замонида; иккинчи маротаба халифа Абу Бакр даврида ва ниҳоят учинчи маротаба халифа Усмон вақтида жамланган.

Қуръон тиловати вақтида халифа Усмон душманлари томонидан ўлдрилиди. Шаҳид қилинган қони Қуръони каримга тўкилган.

Ана шу Қуръонни Амир Темур Басрадан Самарқандга келтирилган. 1869 йилда Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман буйруғи билан Петербургга олиб кетилди.

1917 йилдаги давлат тўнтарилишидан кейин Петербургда тузилган Ислом шўроси ташкилотининг талаби билан Қуръон Россия мусулмонларига қайтариб берилди ва Уфа диний назорати қароргоҳида 1924-йилгача сақланди. Шундан сўнг Туркистондаги тарихий музейлар ва қадимий ососри атиқалар иши бўйича тузилган қўмитанинг талабномаси ва Россия ҳукуматининг қарорига асосан Усмон Қуръони 1924 йил 18-августда

Тошкентга олиб келинди. Хозир эса Моворауннахр мусулмонлар идорасида сақланмоқда.

Қуръон жумлалалрига бирон-бир ўзгартириш, биронта ҳарфини, ҳатто ҳарфлар белгисини – зеб-забарини ҳам ўзгартириш мумкин эмас, қатъиян тақиқланган.

Қуръон Ислом динининг асосий ҳужжати. Ислом динига оид барча ҳукмларнинг асосий ва биринчи манбаидир. У мусулмонларнинг диний, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида ягона қўлланма, доимий йўлбошчиси бўлиб хизмат қилиб келди. Мусулмон ҳуқуқшунос (фикҳшунос)лари бирор нарсанинг шариятдаги ҳукмини билмоқчи бўлсалар, албатта, олдин Қуръонга мурожаат қиладилар. Ўша ўзлари излаётган ҳукм ҳақида Қуръонда бирор ҳукм бўлса, уни дарҳол қабул қиладилар. Ўша нарса Қуръонда бўлмаган тақдирдагина суннат (ҳадис), ижмоъ, қиёсга мурожат қилишга ўтадилар.

Қуръон таълимотининг марказий ғояси яккаю ягона Аллоҳ тўғрисидаги таълимотдир. Унда иймон, Аллоҳга ишонч, оламнинг яратилиши, фаришталар, пайғамбарлар, охират-қиёмат, қайта тирилиш, қазои қадар, Исломнинг асослари ва бошқа диний кўрсатмалар белгилаб берилган. Қуръондаги ахлоқий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий меъёрлар Ислом динининг қонунлар мажмуаси – шариятга асос қилиб олинган.

Қуръон мусулмон халқлар ҳаётида ва тарихида асосий ўрин тутган китобдир. Бу китоб мазкур халқларнинг илм-маърифат, адабиёт, турмуш тарзи, қонун-қоидалари, урф-одатлари, дунёқарашлари ва бошқа нарсаларда ўзининг салмоқли изини қолдирганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Мустақиллик йиллари Қуръони каримни мазмуни ўзбек тилига таржима қилиниб чоп этилди.

2. Ҳадислар Ислом динининг Қуръондан кейинги иккинчи манбаидир.

Ҳадис – арабча сўз бўлиб, маъноси «хабар», «янгилик», «ҳикоя» демакдир. «Ҳадис» ва «суннат» сўзлари муҳаддислар ўртасида бир маънода қўлланилиб, пайғамбар Муҳаммад (сав)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари, феъл-атворлари, ахлоқлари, ҳаёт йўллари тўғрисидаги ривоятларни англатади.

Ҳадис Ислом динида Қуръондан кейинги иккинчи манба саналади. Ҳадис илми эса ислом оламида энг улуғ ва мўътабар саналади. Ҳадис икки турга бўлинади: 1. Ҳадиси Қудисий – яъни айтилган ҳадисни маъноси Аллоҳники бўлиб, айтилиши Муҳаммад (сав) дан бўлган. Уни Аллоҳ ўз набийсига илҳом бериш, тушида кўрсатиб билдириш орқали хабар беради. Пайғамбар эса бунинг маъноси Аллоҳ номидан, Аллоҳ айтди, деб саҳобаларига етказганлар.

Ҳадиси қудисийнинг мартабаси, ўрни Қуръон билан ҳадиси Набавий ўртасидадир. 2. Ҳадиси Набавий – бу Муҳаммад (сав) нинг Қуръонга таянган ҳолда айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлардир.

Ҳадислар эътиборга олиниши жиҳатидан яна уч қисмга бўлинади:
1. Саҳиҳ – энг тўғри, ишончли ҳадислар. Улар Исломда таниқли ва нуфузли ҳисобланган кишилар томонидан етказилганлиги билан қимматли ва эътиборга лойиқдир.

2. Ҳасан – «гўзал» ҳадислар, яъни ҳадисни етказган кишилар ўртасида қққандайдир узилиш рўй берган ҳолда етказилган ҳадислардан иборат.

3. Заиф яъни ишончсиз ҳадислар. Агар ҳадисни етказганлар орасида ҳурматга ва ишончга лойиқ бўлмаган одамлар кириб қолган бўлса, бундай ҳадислар «заиф», «ишончсиз» деб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳадис икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида ушбу ҳадисни етказган кишиларнинг номлари, бунда Муҳаммад (сав) нинг ҳикматли сўзлари, кўрсатмалари ва бошқаларни шахсан эшитган, кўрган одамларнинг номигача санаб кўрсатилган. Иккинчи қисмда эса, ҳадиснинг умумий мазмуни келтирилган.

Қуръонда барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлий киритиш ва изоҳлаб тушунтириш учун Муҳаммад (сав) ўз Ҳадисларини айтарди. Бу ҳадисларни пайғамбарнинг сафдошлари, қувваи-хафизаси кучли саҳобалар ёдда сақлашга ҳаракат қиларди. Пайғамбар ҳаётлик чоғларида ҳадисларни жамлашга руҳсат бермаган, чунки саҳобаларнинг Қуръонга ҳадисларни аралаштириб юборишларидан қўрқиб, уларни ёзишдан қайтарган. Ул зот саҳобаларга: «Мендан Қуръони каримдан бўлак ҳеч нарсани ёзиб олманглар, агар кимки бирор нарса ёзиб олган бўлса, уни йўқ қилсин!», - дер эди.

Муҳаммад (сав) вафотидан сўнг Қуръон ва ҳадисларни ёд олган ўткир хофиза эгаси бўлган саҳобалар сони тобора камайиб бораётганини, Пайғамбар (сав) Ҳадисларига бегона сўз аралашиб қолиши ва унитилиб кетишидан қўрқиб ва келгуси авлодлар учун қолдириш ниятида уни ёзма шаклда тўплай бошладилар. Боз устига ҳадисларни билган кишилар турли юртларга тарқалиб кетган эдилар. VII аср ўрталаридан бошлаб уларни топиб, Ҳадисларни оғизларидан ёзиб олишга ҳаракат қилинган.

VIII аср бошларида Умавий халифалардан Умар ибн Абдулазиз ноибларига Муҳаммад (сав) ҳадисларини жамлаш ҳақида фармон берди. Натижада кўплаб уламолар Ҳадисларни жамлаб ёзишга киришиб кетдилар. Абдумалик ибн Абдулазиз Журайх, Ар-Рабиъ ибн Субайх каби алломалар Биринчи Ҳадис китобларини яратдилар. Улардан сўнг ҳадис илми янада ривожланиб бирин-кетин кўплаб ҳадис тўпламлари юзага келди. Ўлкамизда қуйида номлари зикр этилган зотлар: Имом ибн Муборак ал-Марвазий, Имом Исҳоқ ал-Марвазий, Имом ибн Кулайб аш-Шоший ва бошқалар биринчи бўлиб ҳадис тўпламларини тузганлар. Бироқ бу тўпламларда ҳадислар муайян тартибга солинмаган, бобларга ажратилмаган бўлиб, уларда пайғамбар ҳадислари саҳобалар ва тобеинларнинг фатволари билан чалкаштириб юборилган эди.

Кейинги хижрий III аср мелодий IX аср ҳадис илмининг «олтин асри» деб шуҳрат қозонган. Чунки бу даврда ҳадисларни тўплаш даври ўтиб, энди уларни манбашунослик ва матншунослик илми қоидаларига мувофиқ таҳлил

ва тадқиқ этиш, маълум мазмун аосида тартиб беришга киришилди. Ҳадис тўплаш соҳасида «Муснад», «Саҳиҳ» ва «Сунан» деб номланган йўналишлар вужудга келди. Бу даврда кейинги асрлар, кейинги авлодлар учун намуна бўладиган ишончлик ҳадис тўпламлари яратилди.¹

«Муснад» арабча сўз бўлиб, маъноси асосланган, далилланган демакдир. У ҳадис тўпламларининг илк тури. «Муснад» тўпламларида ҳадислар уларни бир-биридан эшитган шахслар силсиласига асосланган ҳолда, яъни ҳар бир ҳадис уни хабар қилган шахснинг исми билан боғланган тарзда жойлаштирилган. Бундан ташқари бундай тўпламлар турли мавзудаги ҳадислар бир жойда келтирилиши билан ҳам ажралиб туради. «Муснад» йўналишидаги ҳадис тўпламларига Абдуллоҳ ибн Мусо ва Имом Аҳмад ибн Ханбалнинг ҳадис тўпламларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

«Саҳиҳ» - арабча сўз бўлиб ишончли, тўғри демакдир. Энг ишончли деб ҳисобланган ҳадис номи. Саҳиҳ йўналишига буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий асос солган.

Саҳиҳ ҳадис деб: уни биринчи ривоят қилувчисидан то охириги муҳаддисга қадар ўртада узилиб қолмаган, ривоят қилувчиларнинг бирор табақасида (занжирида) ровийнинг маънавий ва жисмоний нуқсони бўлмаган (қар, соқов, дудук, ақли заифлик, ёлғон гапириб қўйишлик каби иллатлар бўлмаган), барча ҳадис ривоят қилувчиларнинг ишончилиги элга машхур бўлган кишиларнинг ривоятига айтилади.² Имом ал-Бухорий ва Имом ибн Муслимнинг ҳадис тўпламлари саҳиҳ –ишонарли деб саналади.

«Сунан» йўналишидаги ҳадис тўпламларидаги ҳадисларнинг ҳаммаси ҳам саҳиҳ-ишончли, тўғри бўлмай, уларда заиф ҳадислар ҳам мавжуд. Бу йўналишдаги ҳадисларга Абу Довуд, Исо ат-Термизий, ан-Насоий ва ибн Можанинг ҳадис тўпламлари киради.

Шундай қилиб, Ислом тарихида ҳадисларнинг тан олинган 6 та тўплами вужудга келган. Булардан, айниқса 2 таси – «Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим» кўп эъзозланади. Имом ибн Можа, Имом Абу Довуд, Имом ат-Термизий, Имом ан-Насоийларнинг ҳадислар тўплами қолган 4 ҳадис тўпламини ташкил этади. Ислом дунёсида тан олинган ва ҳурматга сазовор 6 та муҳаддисдан 2 таси бизнинг юртимиздан чиққандир.

Юқорида номлари зикр этилган бта муҳаддис ўзларининг баракали ижод ва хизматлари билан пайғамбар ва саҳобалар номидан турли мақсадларни кўзлаган ҳолда сохта ҳадислар тўқишга уринган ва уринмоқчи бўлган кишилар йўлини тўсган ва бундай ҳатти-ҳаракатларга ғов солдилар. Шу боисдан ҳам кейинги давр уламолари мазкур устоз ва шогирдлар асри – хижрий III аср, милодий IX асрни ҳадисларни тўплаш ва тадқиқ этиш борасида «олтин аср» деб ҳисоблайдилар.

Улардан кейин яшаган ва ҳадис илми билан шуғулланган уламоларнинг ҳаммаси юқорида қайд этилган улуғ ва мўътабар муҳаддислар кизиган ариқдан сув ичган ва қозонидан таом еганлар.

¹ Қаранг. М.Имомназаров, М.Эшмухамедова. Миллий маънавиятимиз асослари. Тошкент ислом университети, Тошкент – 2001. 134-бет.

² Қаранг. Ислом энциклопедия. 209-бет.

3. Мовароуннахрлик буюк муҳаддислар (ҳадисшунослар).

Ислом дини ривожини ва ҳадис илмининг юксак поғанага кўтарилишига Мовароуннахрлик алломалар ўзларининг беминнат заҳматли меҳнатлари билан катта ҳисса қўшганлар. Ана шулардан бири Имомлар имоми, муҳаддислар пешвоси Имом ал-Бухорийдир. Унга қадар бу ўлкада ҳадис тўплаган муҳаддислар – Имом Абдуллоҳ Марвазий, Имом Аҳмад ибн Ханбал, Имом аш-Шоший, Абу Бакр ал-Баракотий, Имом Абулхасан ас-Самарқандий ва бошқалар бўлган.

Имом ал-Бухорий хижрий 194, милодий 810 йили Бухорода таваллуд топган. Отаси вафот этгач, унинг тарбияси волидаси зиммасига тушган. У 5-6 ёшидан исломий илмларни, Муҳаммад (сав) нинг ҳадисларини ўрганишга ва ёдлашга киришган. 16 ёшликларида онаси ва акаси Аҳмад билан Маккага келиб, ҳаж ибодатини адо этди. Онаси ва акасини Бухорога қайтариб, ўзи Маккада қолади. Макка ва Мадинада машҳур уламолардан ҳадислар бўйича сабоқ олади. Бу вақтда пайғамбарнинг саҳоблари, саҳобаларнинг издошлари турли шаҳар ва мамлакатларга тарқаб кетган эдилар. Бухорий пайғамбаримиз ҳадисларини тўплаб, тартибга солмоқ ниятида ана шу шаҳар ва мамлакатларга ровийларни излаб боради. У Ҳижоз, Макка, Мадина, Тоиф, Жидда, Басра, Куфа, Бағдодга сафар қилади. Шом ва Мисрга боради. Хуросон, Марв, Балх, Хирот, Нишопур, Рай каби шаҳарларда бўлиб ҳадислар тўплаш билан бирга шу илм сирларини ўрганади. Бу ҳақда Имом ал-Бухорий «Мен бир минг саксонга муҳаддисдан ҳадис эшитдим», деб қайд этган. Ул зот ўзининг ноёб қобилияти, иқтидори, кувваи-ҳофиза (хотира) сининг ўта кучлилиги билан илм аҳлларини лол қолдирган. Бухорий жаъми 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг «саҳиҳ» ва 200 минг «ғайри саҳиҳ» ҳадисларни ёд билар эди. Имом Аҳмад ибн Ханбалнинг айтишича: «Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас». Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган Холид ибн Исмоил шундай ёзади: «Имом Бухорий билан бизлар устознинг дарсини эшитардик. Устоз ривоят қилган ҳадисларни бизлар ёзиб олардик, аммо Бухорий фақат кулоқ солибгина ўтирарди. Бир неча кунлар ўтиб, шу орада устоз 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга – Сен нега ҳадисларни ёзмайсан? – деб айтганимизда, - Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман, - деб, устоз ривоят қилган ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди».

Буюк муҳаддис Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож ҳам Бухорийнинг ҳадис илми борасидаги буюкликларига тан берган ва шундай деган эди: «Ҳасад қилувчилардан бўлак ҳеч ким сизга таъна қилолмайди. Дунёда Сизга етадиган муҳаддис йўқлигига мен гувоҳлик бераман». Яна бир ривоятда шундай дейилган: Сиз ҳамма муҳаддислар имоми ва ҳадисларнинг иллоти, заифлигини яхши биладиган моҳир табиби экансиз. Муборак оёғингизни берсангиз, мен бир бўса олай.

Имом Бухорий сафардалиқ чоғларида қайси шаҳарга борсалар ҳадис илмидан, дину-шариатдан мадрасаларда сабоқ берар эди. Унинг шогирдларидан бири Абу Али Солиҳ ал-Бағдодийнинг айтишича Имом

Бухорийнинг Бағдоддалиқ вақтларида олиб борган сабоқларида 20 мингдан ортиқ талаба ҳозир бўларди. Шайх Муҳаммад Юсуф ал-Фирабийнинг айтишича, Имом Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ларини ўзларидан 90 минг киши эшитган экан.

Имом Бухорий ўз ватанлари Бухорога қайтгач толиби илмларга ҳадисдан дарс берган. Араб халифалигининг Бухородаги ноиб Холид ибн Аҳмад аз-Зухайлий Имом Бухорийга: «Бундан буён саройга келиб туриш ва болаларимга (иккинчи ривоятда сарой аҳлига) «ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» дан сабоқ беринг», - деб мактуб юборади. Имом Бухорий бу таклифни қабул қилмай, қуйидаги жавобни берган: «Мен илмни хорлаб султону амирлар эшигига олиб бормаيمان. Агар амирга илм керак бўлса, болаларини (иккинчи ривоятда сарой аҳлини) уйимга ёки масжидимга юборсин». Бухорийнинг фазлини кўролмаган ҳасадгўй кимсаларнинг фитна ва иғволари туфайли амир аз-Зухайлий Имом Бухорийни ўз она шаҳри Бухорони тарк этиш ҳақида фармон беради. Бухорий Самарқандга йўл олади. Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғидаги қариндошларидан бирининг уйига тушиб, шу ерда бир неча кун бетоб бўлиб ётиб қолади ва хижрий 256, милодий 870 йили рамазон ойининг охири куни вафот этади. Эртаси ҳайит куни жаноза ўқилиб, шу Хартангда дафн қилинади. Бу ер ҳозирда халқимизнинг зиёратгоҳига айланган.

Ўз Р Вазирлар Маҳкамасининг «Буюк муҳаддис имом ал-бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлаш ҳақида»ги 1997 йил 29 апрелдаги қарори асосида Самарқандда юбилей тўй-тантаналари бўлиб ўтди. Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди. «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

Бухорий бутун фаолияти давомида илм кишиларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб қуватлаган. Тижорат қилганда топган ойлик даромадидан беш юз дирхамдан фақиру мискин ва талабаларга сарфлаган. Шахсий ҳаётида ортиқча дабдаба ва сарф-ҳаражатларга йўл қўймаган.

Имом Бухорий умр бўйи ўта фидойилик ила бутун ақл-заковатини ишга солиб ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш билан шуғулланган, уларни саҳиҳ ва ғайри саҳиҳга ажратган. Бу машаққатли иш Бухорийга шон-шараф келтирди, уни ислом дунёсининг энг буюк алломаларимиздан бири сифатида танитди. Ундан келгуси влодларга бой ва қимматли илмий-маънавий мерос – 20 дан ортиқ асар қолган. Улардан айримлари бизгача етиб келган. Булар «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам»), «Ал-Адаб ал-Муфрад» («Адаб дурдоналари»), «Ат-Тарих ал кабир» («Катта тарих»), «Ат-Тарих ас-сағир» («Кичик тарих»), «Ат-Тафсир ал-кабир» («Катта тафсир»), «Ал-Жомеъ ал-кабир» («Катта тўплам») ва бошқалар.

Имом Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» деб номланган 4 жилдлик ҳадислар тўплами Ислом оламида Қуръондан кейинги иккинчи муқаддас китоб ва ислом манбаси саналади. Тўплам Пайғамбар ҳадисларидан ташқари, фикҳ, ислом маросимчилиги, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, ўша давр тарихи, этнографиясига оид маълумотлар мавжудлиги билан ҳам қимматлидир. Имом Бухорий ўзи тўплаган 600 минг ҳадисдан 7275 та энг ишонарли

«сахих»ларини мазмунига кўра таснифлаб, буткул янгича тартибдаги ҳадислар тўпламини яратди.¹

Имом Бухорий ахлоқ ва одобга оид ҳадисларни жамлаб «Ал-Адаб ал-Муфрад» ҳадислар тўпламини яратди. Унга 1322 та ҳадис жам қилинган.

Ул буюк зот кўплаб шогирдлар тарбиялаган. Улар орасида энг машхурлари-Муслим ибн Ҳаттот, Исо ат-Термизий, ан-Насоий, Абу Зуръа, Абу Бакр ибн Хузайма ва бошқалардир.

Мовороуннаҳрлик машхур муҳаддислардан яна бири Абу Исо ат-Термизий (824/825-892)дир. Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида туғилган. Самарқанд, Бухоро, Марв ва бошқа шаҳарлардаги машхур уламо ва муҳаддислар асарларини ўрганган. Ат-Термизий ҳадис ўрганиш ва уларни йиғиш учун 20 йил ўзга юртларда бўлди. Нишопурда Имом Бухорий билан учрашиб, кўплаб ҳадислар хусусида фикр алмашди. Ат-Термизийнинг буюк аллома билан беш йил биргаликда яшаши ва мулоқотда бўлиши унинг ҳаётида муҳим ўрин тутди, хусусан «Саҳиҳи Термизий» асарининг яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Агар Имом Бухорий ҳар бир ҳадиснинг ишончлилигини белгилашда барчадан устун бўлса, Термизий ҳадисларнинг даражасини аниқлашда «сахих»дан кейин «хасан» босқичини киритди.

Ҳасан-заиф бўлмасада, сахихдан даражаси пасроқ ҳадисларга нисбатан берилган баҳодир.

Ат-Термизий ҳадисининг фикҳга қандай тааллуқли эканини ҳам кўрсатиб берди. У «Саҳиҳи Термизий»дан ташқари «Шамоиلى Набавия» («Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари»), «Китоб уз-зуҳд» («Зоҳидлик китоби»), «Асмоъ ус-саҳоба» («Саҳобаларнинг исмлари»), «Китобул-илал» («Иллатлар китоби») ва бошқа асарлар ёзган.

Ат-Термизий ёзган «Ал-жомеъ ас-сахих» («Ишонарли тўплам»)-«Саҳиҳи Термизий», «Сунани Термизий» номи билан ҳам юритилади. Мазкур тўплам Имом Термизийнинг 20 йил давомида ўзга юртларда ҳадисларни ўрганиб, йиғиб, сўнг устози ва замондоши Имом Бухорий билан маслаҳатлашиб йиғган тўпламидир. У тартиби ихчамлиги, такрори озлиги билан ажралиб туради. Унда бошқа ҳадис китобларида учрамайдиган хусусиятлар бор. Чунончи, ҳар бир бобнинг ҳадиси келтирилгандан сўнг, худди шу бобга тегишли ҳадис ривоят қилган ровийларнинг исмлари санаб ўтилган. Ҳар бир ҳадиснинг ишонарлилик ва заифлик даражаси аниқлаб берилган. Ҳар бир «сахих» устига «хасан» белгиси, яъни «жуда сахих», «бешак сахих» қўйилганлиги билан ажралиб туради.

1990 йилда ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди.

4. Ислом дини манбаларнинг тарбиявий аҳамияти.

Ислом динининг манбалари «Қуръон» ва «Ҳадис» ларда «... илоҳиёт, диний масалалар билан бирга ўз даврининг ахлоқий ва сиёсий анъаналари,

¹ Қаранг. М. Имомназаров, М.Эшмухамедова. Миллий маънавиятимиз асослари. 135-бет.

инсонпарварлиги, инсонларни қовуштирувчи, улар ўртасида зиддият, низоларнинг олдини олувчи, адолат ўрнатишга қаратилган ахлоқий фикрлар ҳам кенг ўрин олган».¹ Дарҳақиқат Ислом дини маърифатпарварлик ва юксак ахлоқийлик ғояларини илгари суриш билан ажралиб туради. «Қуръон» ва «Ҳадис» ларда илгари сурилган ахлоқий қарашлар инсон маънавий-ахлоқий тарбиясида энг таъсирчан, энг бақувват халқа, усиз жамият, халқ, инсон маънавиятини тасаввур қилиш мумкин эмас. Айтиш жоизки «Қуръон» нинг ҳар бир ояти, «Ҳадис»ларнинг ҳар бир нақли мўмин-мусулмонларнинг ахлоқ-одоб сифатларини ёритишга, уларнинг ўзига хос гўзал қирраларини очиб беришга ва шу руҳда тарбия топишга йўналтирилган. Уларда ҳар бир инсонни инсонпарвар, ватанпарвар, адолатли, маърифатли, маънавиятли, юксак ахлоқ-одоб соҳиби, бунёдкор, яқинларга ғамхўр бўлиши такрор ва такрор уқтирилади. «Қуръони карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига олган. Сирасини айтганда, ҳадислар маънавий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукамал тўпламидир. Қуръони карим, ҳадисларни, шариат кўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик ва поклик, имон ва виждон билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам муҳим масала эътибордан четда қолмаганини кўрамиз. Айниқса, Ислом ҳаром ва ҳалол масаласига мусулмонлар эътиборини қаратади».²

Исломда, хусусан Қуръони карим ва ҳадисларда ота-онага меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, фарзанд тарбияси ва оилага садоқат масалаларига алоҳида эътибор берилган. Кишиларни яхшилик қилиш, савоб ишларга қўл уриш, инсофли-диёнатли, виждонли бўлиш, меҳр-шафқатлилик, тўғрилиқ, ростгўйлик, софдил бўлиш, биродарга ёрдам бериш, камтарликка чақириш ғоялари илгари сурилган.

Ҳадисларда ахлоқий камолот ҳақида айтилган баъзи фикрлар бунинг яққол тасдиғидир:

- Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилишдир;

- Ҳаққингизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг;

- Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан кўрқаман:

1. Нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишдан;

2. Нафсоний ва шахвоний ҳиссиётга берилиб кетишдан;

3. Илму маърифатга эга бўла туриб, ғофилларнинг ишини тутишдан;

- Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат билинг;

Ўлимдан аввал тирикликни, бетобликдан аввал саломатликни, бўш вақтдан аввал бандликни, кексалиқдан аввал ёшлиқни, фақирликдан аввал бойликни;

- Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзоҳга маҳкумдир.

¹ Ҳайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Тошкент. ФАН, 1994, 17-18-бетлар.

² Отамуратов С., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент -2002. 94-бет.

Шарқда, хусусан, бизнинг миллий маънавиятимизда ота-онани беҳурмат қилиш у ёқда турсин, ҳатто юзига тик қараш, гап қайтариш ҳам гуноҳ ҳисобланади. Бу ҳақда биз учун ибрат бўларли ҳадислар мавжуд: «Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, тангри унинг умрини узайтиради»; «Отага итоат қилиш – тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир»; «Ота-оналарнинг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин»;

Мусулмон шарқида аёлларга ҳурмат ва эътибор ҳам муқаддас китобларда ўз ифодасини топган. «Жаннат онанинг оёқ оститадир» ҳадиси жуда теран мазмунга эга бўлиб, аёл зоти жаннат тушунчасидан ҳам юқори кўйилган.

Ислом ахлоқий қарашларида ҳар бир кишининг ўз меҳнати, касб-хунари билан яшашга ҳам қонун қилиб қўйилган. Пайғамбаримиз: «Меҳнат қилишдан уялманг, меҳнат қилиш – ибодат қилишга баробар», дейдилар.

Қуръони карим ва ҳадислар одамзот ақл-идроқини муҳофаза қилиши билан ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этади. Чунончи одамзот боласига ароқ, наша, опий каби зарарли гиёҳванд моддаларни истеъмол қилмасликка ундаб туради. Пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида, «Кайф қилдирувчи нарса – ҳамр. Ҳар қандай ҳамр ҳаромдир», - деган экан.

Ислом ҳозирги даврнинг глобал муоммасига айланиб бораётган инсонларнинг наслини соғлом сақлашга чорлайди, шахвониятга, зинокорликка ва у орқали спидга мубтало бўлишини қоралайди. Зинокорлик катта гуноҳлардан бири эканлигини қайта-қайта уқтиради. Чунки бундай кўнгилсиз ҳатти-ҳаракатлар инсон фарзандлари ирсиятида жиддий нуқсонлар пайдо бўлиши, ҳатто зурриётни баҳтиқаро қилиши мумкин.

Қуръони карим ва ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти инсонларни илм-фанни эгаллаш, маърифатли бўлишга чақиришида ҳам намоён бўлади. Бешиқдан то қабргача илм излаш лозимлигини қайд этилишининг ўзи катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳадислардаги «Садақанинг афзали мўмин киши илм ўрганиб, сўнг бошқа мўминларга ҳам ўргатишдир»; «Илм ибодатдан афзалдир»; «Илму хунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганишлар» каби ҳар бир кишини маърифатга чорловчи сўзларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ислом кишиларни фақат диний билимларнигина эмас, балки шу билан бирга дунёвий илмларни ҳам чуқур эгаллашга чақириши билан ҳам аҳамиятлидир. Дин руҳиятимиз тарбиячиси, илм-дунёни ва охиратни билиш куроли, инсон унисини ҳам, бунисини ҳам эгалламоғи керак. Ҳар икки илмни эгаллаган киши икки дунёсини обод қилади.

Яқин ўтмишнинг ёмон асоратларидан бири шуки, собиқ шўро тузумида дунёвий илм ва диний-фалсафий таълимот бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Улар бир-бирини инкор этадиган ходисалар тарзида талқин этилди. Диний тафаккур дунёвий илм ривожига монелик кўрсатадиган чиркин бидъат сифатида қораланди. Ваҳоланки, биз шуни англашимиз лозимки: «Дунёвий ва диний ғоялар бир-бирин бойитиб борган шароитда

тараққиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Райҳон Беруний, Имом Ғаззолий ва Ибн Сино, Имом Термизий ва Абу Наср Фаробий сингари буюк заковат соҳиблари яшаб фаолият кўрсатган даврлар ёрқин мисол бўла олади».¹

Мустақиллик туфайли фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилиш имконига эга бўлди.

Ислом томонидан асрлар давомида ишлаб чиқилган ахлоқий-маърифий кадриятлар янгиланиш жараёнига хизмат қилмоқда. Зеро, бу кадриятлар доимий равишда одамларда, жумладан ёшларимизда яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонлардан халос бўлишга чорлайди. Диний ва дунёвий илмларни чуқур ва пухта эгаллаш ўз навбатида кишилар, халқлар, мамлакатлар ҳаётига катта ҳавф солаётган ислом ниқобидаги турли экстремистик оқимларга нисбатан мафкуравий-илмий иммунитет ҳосил қилиш, халқаро терроризмга қарши курашишга ёрдам беради.

Юртбошимизнинг изчил саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда бу долзарб масала мувафқиятли ҳал этилмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
2. И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
3. И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
4. И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
5. И.Каримов. Халоллик ва фидоийлик-фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
6. И.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
7. И.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
8. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998й.
9. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 199й.
10. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
11. И.Каримов. Хушёрликка даъват. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
12. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
13. И.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000й.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000, 18-бет.

14. Миллий истиқлол \ояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992й.
16. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
17. Отамуратов С.О., Ра матов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари (Маърузалар матни) Т., 2000й.
18. Отамуратов С.О., Хусанов С., Ра матов Ж. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т., 2002й.
19. Йўлдошев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (Маърузалар матни) Т., 2000й.
20. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
20. Хусанов С. Миржавҳарова Д. Диншунослик (ўқув-услубий қўлланма). Т.: -2005
21. Хусанов С. Жуманиёзов Х. Миржавҳарова Д. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т.: -2005 й.
22. Хуснитдинов З. Исл ом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Т., УМЭ., 2000.

9-МАВЗУ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАСАВВУФ ВА УНИНГ ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

РЕЖА:

1. Тасаввуфнинг келиб чиқиши, мазмуни ва ривожи.
2. Мовароуннаҳрлик буюк тасаввуф вакиллари.
3. Мустақиллик ва тасаввуф.

1. Тасаввуфнинг келиб чиқиши, мазмуни ва ривожи

Шарқ халқлари тафаккурини асрлар давомида нурафшон этиб, халқимизнинг маънавияти ва маърифатига чуқур таъсир ўтказган тасаввуф – сўфийлик таълимоти VIII асрнинг ўрталари IX асрнинг бошларида шакллана бошлаган ва ундан кейин кенг ривож топган.

Исл омда зоҳидлик анъаналари пайдо бўлиши ва ривожланишининг сабаблари мусулмон жамоаси яшай бошлаган дастлабки икки асрдаги ижтимоий-сиёсий ихтилофлар, чуқур ғоявий ва маънавий изланишлар билан давом этган диний ҳаётнинг мураккаблашуви натижасидир.

Илк сўфийлар, яъни зоҳидлар (тарки дунё қилганлар) нинг ўзига хос хусусияти Куръон мазмуни устида мушоҳада қилиш, кундалик ҳаётда бу илоҳий китоб ва пайғамбар ҳадислари кўрсатмаларига қатъий риоя этиш, кўп марта қўшимча намоз ўқиш, бедорлик ва рўза тутиш, ҳар қандай дунёвий

нарсалардан юз ўгириш, кундалик ҳаётда тақволи бўлиш, хусусан руҳсат этилган нарсалар билан ман қилинган нарсаларни қатъий ажратиш, дунёвий ва ҳарбий ҳукуматлар билан ҳамкорлик қилишдан воз кечиш, ўзини тақдири илоҳийга топшириш бўлган. Улар фақирликни улуғлаб, охиратни ўйлаб тавба қилиш кайфияти билан яшаган, берганига шукур қилганлар, азоб-укубатларга сабр-тоқатли бўлишни тарғиб этганлар.

Тасаввуф – сўфийлик дастлаб зоҳидлик яъни бу дунё ҳою-ҳавасидан воз кечиш ҳаракати кўринишида бўлиб Бағдод, Басра, Куфа, Дамашқ каби шаҳарларда кенг ёйилган. Аммо зоҳидлик биз тушунган даражадаги тасаввуф эмас, шу билан бирга тасаввуфни зоҳидликдан айри ҳолда тасаввуф этиш ҳам мумкин эмас. Чунки зоҳидлик ҳаракатида тасаввуфнинг мақомлари, қонун-қоидалари тугал ишлаб чиқилмаган, муайян тизимга тушиб шаклланмаган кўринишда бўлган.

Тасаввуф «Сўфий» сўзидан келиб чиққан. Араблар сўф деб жундан бўлган матони айтадилар. Дастлабки даврларда зоҳидлик – таркидунёчилик йўлини тутганлар жундан тўқилган чакмон-хирқа ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар. Уларни бошқа кишилар жун чакмон, пўстин кийиб юрувчилар, яъни сўфийлар деб атаганлар. Сўфийлар бошқа кишилардан пок ва ғиробна ҳаёт кечириши, доимий тоат-ибодатда бўлиши ва фақат илоҳий руҳга қўшилишни мақсад қилиб қўйиши билан ажралиб турганлар. Улар учун ягона истак Аллоҳнинг дийдорига етишишдир. Дунёвий ҳамма нарсадан воз кечиш, охир-оқибатда ўзликдан кечиш-сўфийлик таълимотининг моҳияти саналади. Буюк сўфий Боязид Бистомий айтадиларки: Ўзингдан ўтдинг, Аллоҳга етдинг. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд айтадиларки: Бизнинг ҳеч нарсамиз йўқ, лекин ҳеч нарсадан камимиз ҳам йўқ. Ўша «ҳеч»... нарса кетидан югуриб ғам ташвишда ҳам эмасмиз. Эғнимизда жанда, орқамизда гўристон, агар ўлсак ҳеч бир мотам керак эмас.

Сўфийлик – тасаввуф аввало кишининг кўрглига, қалбига таянади. Кўнгилни, қалбни тарбиялашга, покизалашга интилади. Чунки Аллоҳ фақат кишининг покиза қалбидагина жилва қилади.

Сўфийлик таълимотида инсондаги жамики худбинлик, иллат, разолат, бойликка хирс қўйиш жисм эҳтиёжи ва нафс таъмасидан келиб чиқади, деб қаралади.

Сўфизм (тасаввуф) аслида комил инсон ва инсон камолоти тўғрисидаги таълимот деса бўлади. Комил инсон бўлиш учун эса аввало жисм ва нафс эҳтиёжи ва таъмасини енгиш керак. Дунёга, бойликка меҳр қўйиш инсонни нафсга қул қилиб қўяди. Сўфийлик йўлини тутган киши нафсни рад этади. Нафс барча худбинлик ва разолат, фалокат ва маънавий ҳалокатнинг сабабчиси. Нафс инсонни тубанлик ботқоғига ботирувчидир. Ана шу фалокат ва иллатлардан фориғ бўлишнинг бирдан-бир тўғри йўли нафс эҳтиёжини енгиш, босиб ўтишдир. Бунинг учун дунё муҳаббатидан воз кечиш ва Аллоҳ муҳаббатига кўнгил боғлаш даркор. Сўфийлик буни инсоннинг ўзлигини англаш йўли деб қарайди. Хожа Баҳоуддин таъбири билан айтганда: Ўз нафсининг ёмонлигини таниш ўзлигини танишдир.

Машхур тариқат (сулук) шайх (йўлбошчи, байроқдор) лари тасаввуф тушунчасига қисқа ва лўнда қилиб нафс билан боғланган ҳолда таъриф берганлар. Чунончи Шайх Нурий «Тасаввуф нима?» деган саволга: «Тасаввуф – нафс лаззатларидан воз кечишдир»; Шайх Сафий Алимшоҳ: «Тасаввуф нафс манзилларини босиб ўтишдир»; Шайх Равим: «Тасаввуф – Худо йўлида нафсдан кечмоқдир»; Сўфий шоир Бобо Тоҳир: «Тасаввуф – нафсоний – ҳайвоний ҳаётда ўлмоқ ва инсоний ҳаётда яшамок», - деб жавоб қайтарганлар. Хуллас, тасаввуфда нафс бузуклиги, очкўзлиги, худбинлиги ҳар томонлама қораланади.

Тасаввуф аҳли учун асосий масала қалбни поклаш, уни худбинлик зангидан тозалаш бўлган. Улар бу ишни нафсни поклашдан бошлаганлар. Бунинг учун нафсни поклаш йўллари ишлаб чиққанлар. Нафсни ва шу орқали кўнгилни поклаш эса риёзат чекиш орқалигина бўлади. Риёзат чекиш шунчаки, сабр-тоқатли бўлиш, қийинчиликларга бардош бериш эмас. Балки, Ҳақ йўлида онгли равишда инсон ўз олдига улуг бир мақсадни белгилаб, унга етишиш учун ихтиёрий равишда барча қийинчиликларни зиммасига олиб, тўсиқларни енгиб ўтиб, олға мақсад сари интилиш риёзат бўлади. Тасаввуф тариқатлари риёзат чекиш орқали инсон нафси ва кўнглини поклаш йўли бўлиб, уни темирчининг оловли кўрасига қиёс этиш мумкин. Унда инсон кўнгли аввал мумдек юмшаб шакл олади, сўнг чиниқтирилади ва сайқал берилади. Охирида кўнгил пўлат кўзгу сингари сайқал топадики, ўзида илоҳий нурни акслантириб, ой сингари нурланиб, ўзи ҳам атрофга зиё тарата бошлайди. Ана шундай кўнгил эгаси комил инсондир. Бундай инсон ўзидан атрофга зиё таратади, ўзга инсонлар руҳини ҳам маърифатли этади, кўнгилларни нурлантиради. Буюк суфийлар, тасаввуф тариқатларининг йўлбошчилари ана шундай комил инсон бўлганлар. Улар риёзат чекиш орқалигина у дунё ва бу дунё саодатига эришганлар.

Тасаввуф гарчи VIII аср ўрталари ва IX аср бошларида юзага келган бўлсада, унинг назарияси ва амалиёти X-XIII асрлар давомида тасаввуф адабиётларида ишлаб чиқилиб ўзининг олий босқичига кўтарилган ва нақшбандия тараққиётида мукамал ниҳоя топган. Уларда инсон ва унинг Худога муносабати қандай бўлиши кераклиги, Худо ва инсон бирлиги, инсонни Аллоҳ билан қўшилиши ҳақидаги таълимот акс этган. Руҳий-маънавий камолотга эришиш йўллари кўрсатиб берилди. Бу йўл 4 босқичдан иборат: 1-босқич-Шариат. Бунга кўра сўфийлик йўлини тутган тариқат аҳли аввало шариатнинг барча талабаларига бўйсунуши, уларни бекаму-кўст эгаллаши ва амал қилиши керак. Шундан кейин 2-босқич-Тариқатга кўтарилиши мумкин. Бунда муридлар ўз пирлари-муршидларга (шайхларга) итоат этиши, ўз шахсий истакларидан воз кечиши шарт. Яъни мурид ўз ихтиёрини бутунлай пир (устоз) ихтиёрига топшириши лозим. Бу босқичдан ўтганлар юқорироқ, 3-босқич- Маърифатга кўтариладилар. Бунда коинотнинг (борлиқнинг)бирлиги Худога мужассам бўлиши, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлиги ақл билан эмас, балки қалб билан англаб етилади. 4-босқич-Ҳақиқат ҳисобланиб, сўфий (зоҳид) «шахс сифатида тугаб» «ҳақиқат»га, Худога етишади, унга сингиб кетиб абадийликка эришади.

Бунга суфийлар махсус рухий ва жисмоний ҳаракатлар-сиғиниш ва ибодатлар орқали интиладилар.

Тасаввуф илми-моҳиятан ва мазмунан инсон ҳақидаги илмдир. У инсонларнинг кўнглигига, қалбига, руҳига хитоб этган, одамларни ҳамиша поклик ва эзгуликка чорлаган, тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳалоллик ва тинчликни тарғиб қилган, ёмонларни йўлга солишига даъват этган. Тасаввуфчи шайхлар ва уларнинг шогирдлари сўфийлик йўлини тутган кишиларни на дунёдан, на охиратдан таъма қилмасликка, нафс кўчасидан ўтмасликка ундаганлар. Сўфийлик одоб-ахлоқли, қалби ва руҳи пок, билими юқори инсонларни-яъники комил инсонларни тарбиялаб камолга етказишни ўзларининг асосий бурчи ва мақсади деб билганлар. Бошқа сўз билан айтганда, инсоннинг рухий-маънавий камолоти тасаввуфнинг асосий мақсади бўлиб, бу мақсад йўлида ҳар бир улуғ шайх ўз тартиб қоидаларини ишлаб чиққан ва шу асосда турли тариқат сулуклари шаклланди.

Юқоридагиларни умумлаштириб «...тасаввуф – бу илоҳият олами, инсон маънавияти, руҳияти, эҳтиёжлари ва унинг Худога муносабати ҳақидаги фалсафий таълимот»¹ – дейишимиз мумкин.

Содда қилиб айтганда, тасаввуф инсон қалбига сайқал бериш илмидир. Халқимиз, айниқса ёш авлод бу илмдан 70 йил давомида беҳабар қолди. Мустақиллик туфайли бошқа маънавий кадриятларимиз сингари тасаввуфий кадриятларимиз қайта тикланди, улар ҳар жиҳатдан ўрганила бошланди.

2. Мовароуннаҳрлик буюк тасаввуф вакиллари.

Тасаввуф ҳаракати араб мамалакатларида вужудга келиб, сўнгра бошқа мамлакатларда, жумладан Мовароуннаҳрда кенг тарқалган. Ўрта Осиёда Яссавия, Кубровия, Нақшбандия каби сўфийлик тариқатлари шаклланди ва шу ердан бошқа ўлкалар халқлари орасида кенг ёйилган.

Юртбошимизнинг Тошкент Ислом Университетининг ташкил этиш тўғрисидаги Фармони ва шу фармонга шарҳда таъкидланганидек: «Ислом оммалашуви ва ривожини сифатида вужудга келган тасаввуф ҳам Ўрта Осиё шароитида Яссавия, Кубровия, Нақшбандия тариқатларини вужудга келтирдик, улар бутун Ўрта Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатларининг асрлар давомида маънавий, маданий ривожланишида муҳим роль ўйнади».¹

Ҳақиқатан ҳам тасаввуф ривожидан Туркистон фарзандларининг хизмати беқиёс бўлган. Хожа Ҳаким ат-Термизий, Шайх Абу Мансур ал-Мотрудий, Хожа Абдуҳолик Гиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Сулаймон Бақирғоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймолар илоҳий маърифат йўлининг раҳномолари бўлганлар. Тасаввуф йўлида риёзат чеккан буюк шайхларнинг Ислом дунёсидаги сони 644 нафар бўлиб, шулардан 100 дан ортиғи Туронзаминдан чиққан. Улар яратган таълимот ва илгари сурган маънавий-ахлоқий, маърифий ғоялар хозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган

¹ Бўронов Қ. Халқимиз маънавияти ва маърифатининг теран илдизлари. 35-бет.

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил, 8 апрель.

эмас. Биз бу ўринда Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандларнинг фаолияти ва таълимотлари ҳақида фикр юритишни лозим топдик.

Аҳмад Яссавий – Туркистонда шаклланган тасаввуфнинг йирик номоёндаларидан бири. Яссавий донишманд, шоир, Яссавийлик тариқатининг асосчиси. Сайрамда Иброҳим ота оиласида дунёга келган. Манбаларда 1105-1166/67 йилларда яшаганлиги қайд этилган. У Бухорода Абдуҳолиқ Гиждувоний билан биргаликда машхур шайх, тасаввуфнинг йирик вакили Юсуф Хамадонийдан тасаввуфдан сабоқ олган. Сўнгра Туркистонга қайтиб, мустақил Яссавия тариқатига асос солиб, ўз таълимоти бўйича муридлар тарбиялаган. Мазкур тариқатда мурид амал қилиши шарт бўлган ўнта қоида, талаб мавжуд. Улар асосан шайх ва мурид ўртасидаги муносабатларга оид. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Муриднинг ҳеч кимсани ўз паридан афзал кўрмаслиги, доимо унга таслимият изҳор қилмоғининг шартлиги;
2. Мурид шунчалик зукко ва идрокли бўлиши керакки, у ўз пирининг ҳатто ишораларини ҳам мукамал англай оладиган бўлсин;
3. Муриднинг пир (шайх) нинг барча сўзлари ва ишларига содик бўлиши ҳамда унга мутлоқ мутеъ (қарам) бўлиши;
4. Муриднинг ўз пири барча топшириқларини чакқонлик билан сидқидилдан бажариб, пирни ҳамиша рози қилиб юрмоғи;
5. Муриднинг ўз сўзига содик, ваъдасига амал қилувчи, пири кўнглида ҳеч қандай шубҳа туғилишига ўрин қолдирмаслигининг шартлиги;
6. Муриднинг ўз ваъдасига вафодорлиги ва сўзида устивор турмоғининг лозимлиги;
7. Муриднинг ўз ихтиёридаги барча мол-мулкани, бутун бор-йўғини ўз пирига бахшида этмоқ учун тайёр турмоғи;
8. Муриднинг ўз пири барча сир-асрорларидан огоҳ бўлиши;
9. Муриднинг ўз пири барча таклифларини назарда тутиб, унинг мушкулотини осон қилмоғининг, панду-насиҳатларини бажо келтирмоғининг шартлиги;
10. Муриднинг Аллоҳ висоли учун ўз пири йўлида бутун молу жонини бахшида этмоққа тайёр туриши, пирнинг дўстига дўст, душманига душман бўлиб яшамоғининг шартлиги.¹

Яссавий эл орасида катта обрў орттириб, авлиё деб улуғланган. «Мадинада – Муҳаммад, Туркистонда - Аҳмад» деган овозлар тарқалган. У Яссиди вафот этган. Мозори муқаддас қадамжога айланган. 1395-1397 йилларда Амир Темур Яссавийнинг қабри узра маҳобатли мақбара қурдирган.

Аҳмад Яссавий ислом аҳкомларини туркий халқлар орасида ёйилишига катта ҳисса қўшди. У ўз ҳикматларида ишқ, поклик, ҳалоллик, ёлғондан сақланиш, киши молига хиёнат қилмаслик, тўғрилиқ каби инсоний фазилатлар ҳақида куйлади. У туркий тасаввуф адабиётида ўзига хос

¹ Қаранг. Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. 148-бет.

мактабга асос солди. Туркий дунёда бирор сўфий шоир йўкки, унга эргашмаган, ундан ўрганмаган бўлсин.

Аҳмад Яссавийнинг тасаввуфий қарашлари унинг «Ҳикматлар» шеърӣ тўпламида берилган. Унда инсоний ғоялар, ахлоқий панд-насихатлар, ислом дини ақидалари ва ҳадисларда илгари сурилган маънавий-маърифий фикрлар содда услуб билан, халқона раван тилда баён қилинган.

Яссавий – тасаввуфнинг машхур ва оташин куйчиси. Унинг ҳикматларида илоҳий ишқ улуғланади. Аллоҳни таниш, унинг ишқини идрок қилиш, Ҳақ васлига эришиш, ундан бошқа нарсага кўнгил қўймаслик ҳақида фикр юритилади.

Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш-нафс эҳтиёжларини таслим этиш йўлидаги кураш деб ҳисоблайди. Нафс инсон учун катта ёв, душман дейди. Шу ёвнинг бошини янчган, уни енгган, нафс эҳтиёжларига таслим бўлмаган кишининг ғурури, инсоний кадр-қимматини ҳеч ким поймол қила олмайди, деб билган. Бу ҳақда ўз ҳикматларидан бирида шундай ёзади:

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.
Ётса-турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур...

Нафсни тебгил, нафсни тебгил эй бадқирдор, - деб хитоб қилади.

Яссавий нафсни инсондаги ички катта душман, у инсондаги бутунликни, иймонни синдиради деб кўрсатади.

«Ҳикмат» ларда поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, етим-есир, бева-бечора, йўқсил, ғарибларга ғамхўр бўлиш лозимлигини айтиб, шундай дейди:

Ғарибларни кўрган ерда оғритмангиз,
Етимларга аччиғланиб сўз қотмангиз.
Заиф кўриб ғарибларга тош отмангиз,
Бу дунёда ғариблиқдек бало бўлмас.

Аҳмад Яссавий нодонликни ҳам кескин танқид этган. Нодонлик шунчаки лоқайдлик, бефарқлик, илмсизлик, жоҳилликкина эмас, балки риёкорлик, илмга амал қилмаслик, Аллоҳни алдаш, мунофиқликдир. Нодон билан дўзахда ҳам бирга бўлиш мумкин эмас. Ундан дўзоҳ ҳам ҳазар қилади, у халқнинг кулфати, ақлнинг жаллоди, деб билади.

Дуо қилинг нодонларни юзун кўмай,
Ҳақ таоло рафиқ бўлса бир дам турмай.
Бемор бўлса нодонларни холин сўрмай,
Нодонлардин юз минг жафо кўрдим мано.

Шундай қилиб, Яссавий «Ҳикматлар» ида инсонга ҳос бўлган барча ижобий хислатлар улуғланади, салбий иллатлар қораланади, меҳр-мурувват, ишқ, садоқат, адолат тараннум этилади.

Нажмиддин Кубро – тасаввуфнинг машхур шайхларидан бири, Кубровия силсиласининг асосчиси. Унинг лақаблари: «Нажмиддин» - «Диннинг юлдузи», «Кубро» - «Улуғ», «Валийтарош» - «Валийларни тарбияловчи». Кубро 1145 йилда Хоразмда таваллуд топган. Ёшлигиданок ҳадис ва каломни ўрганади. Илм истаб Миср, Шом, Бағдод, Нишопур ва Тус

каби шаҳарларга боради. Ўша даврнинг буюк шайх ва олимлари: Бобо Фараж, Исмоил Қасрий, Аммор Ёсир, Рўзбехон Мисрий ва бошқалардан зохирий ва ботиний илмларни ўрганган. Ўз юртига қайтгач, хонақоҳ очиб, валийлик – устозлик қилган.

Босқинчи Чингизхон лашкарлари 1221 йилда Хоразмга яқинлашиб юрт оғир аҳволда қолганида 76 ёшли Кубро она юртини ҳхимоя қилишга отланади ва муғуллар қўлида қаҳрамонларча шаҳид бўлади. Айтишларича ўлими олдидан ялов ушлаган бир муғул аскарига ташланиб, уни маҳкам ушлаган. Ўлимидан сўнг яловни унинг қўлидан қирқибгина ола олганлар. Бу ҳақда Мирзо Улуғбек «Тўрт улус тарихи» асарида шундай ёзади: «Муршиди аъзам Шайх Нажмиддин Кубро худо амри билан Хоразм учун бошини тикди. Бошини топширишда қотил яловига ёпишди. Дини ҳақ иқлимнинг шоҳи. Ул пир сарпанжасидан ўн забардаст йигит яловни чиқариб ола олмадилар. Сайидлар шайхи сарпанжасида кофир яловини кўриб ҳайратда қолган оқиллар бу ҳолни шархладилар: Ялов учини Шайх тутиб, таърих айтдики, вафотим санаси «Шоҳи шуҳадо» («Шаҳидлар шоҳи») дир.

... Биз шундай улуғларданмизки, гавҳар тутамиз; ориқ эчки тутган пасткаш эмасмиз. Имон қадаҳидан бир қўлимиз билан май ичсак, иккинчи қўлимиз билан кофир яловидан тутамиз».¹

Ватандошимиз Нажмиддин Кубронинг бу жасорати авлодлар учун, ватанпарварликнинг ёрқин тимсолидир.

Нажмиддин Кубро тариқатининг ўзига хос хусусияти унинг дунёқарашида ифодасини топган. Худо ва борлиқ масаласини ҳал этишда ислом таълимотига асосланади. Унинг фикрича, ҳамма нарса ва ходисаларинг ягона асоси – бу Аллоҳдир, борлиқдаги қолган ҳамма нарса ва ходисалар, шу жумладан, одамзот ҳам унинг шуъласи, кўриниши, жилваланиши деб ҳисоблайди.

Шайх Кубро одамзот умрининг, дунёнинг моҳиятини ҳам тасаввуф нуқтаи назаридан туриб изоҳлайди. Бу ҳақда шундай деган: «Дунё – ўйлаш ўрни, ибрат манзили, ишрат саройи, кўприк биносидир. У мўминларнинг экинзори, қидирувчиларнинг бозори, интилувчиларнинг савдо дўкони, изланувчиларнинг улови, сулук йўлига кирганларнинг кўприги, алдаганларнинг маъшуқаси, содиқларнинг ўтар жойи, орифларнинг ахлатхонаси ва шайтонларнинг ўлкасидир... Унинг билан савдо қилганлар алданади, унга кўнгил берган йўлдан озади...»¹

Нажмиддин Кубро инсон ҳақидаги қарашларида, инсон ўз моҳияти эътибори билан кичик олам – «олами суғаро» дир, аммо унда катта олам «олами-Кубро» хусусиятлари мужассамдир. Одамзот тараққий этиб борса, у Аллоҳнинг «Раҳим» ва «Раҳмон» сифатларидан бошқа барча сифатларини

¹ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент, Чўлпон, 1994, 165-166-бетлар.

¹ Муллахўжаева К. Кўнгилга назар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2001 йил, 23 ноябрь.

билиб олади. Бироқ бу йўлда унга пири комил раҳнамолик қилиши лозимлигини таъкидлайди.²

Буюк сўфий ўзининг асарларида кубровия тариқати аъзолари – солиқлар амал қилиши, камолотга эришиши лозим бўлган ўнта ахлоқ-одоб қоидаларини ишлаб чиққан. Улар қуйидагилардан иборат:

1. **Тавба.** Солиқ олдинги қилмишларига тавба қилиб, Худони билиши, унга қайтиши, ўз ихтиёри билан уни саваши, зоҳиран ва ботинан муттасил покланиб, такомиллашиб бормоғи лозим.
2. **Зухд фи-дунё.** Тариқат йўлини тутган киши барча дунёвий бойликлардан, мол-мулк ва ноз-неъматлардан воз кечиши, ўзини тийиши даркор.
3. **Таваккул ал-Алло.** Тариқат аъзоси Аллоҳга мутлоқо ишониши, унга ситқидилдан эътиқод қилиши, барча ишларни қилишда унинг меҳрибонлиги ва қудратига умид боғлаши зарур.
4. **Қаноъа-қаноат .** Солиқ мол-дунёга, бойликка муккасидан кетмаслиги, унга ҳирс қўймаслиги, оз нарса билан қаноатланиши, сабр-тоқатли ва қаноатли бўлиши шарт.
5. **Узлат.** Солиқ ёлғиз қолиб, халойиқдан узоқлашиб, қалбини мустаҳкамлаб, хис-туйғуларини жиловлаб, ботинан ўзини чиниқтириб, покланиб бормоғи зарур.
6. **Мулозамат аз-зикр. (Узлуксиз зикр).** Тариқат аъзоси доимо Аллоҳ номини тилга олиб, бутун қалбини У билан тўлдириб боришининг шартлиги. Шундагина пасткашлик, хасад, очкўзлик, иккиюзламачилик ва бошқа салбий иллат ва разилликлар киши кўнглига йўл топа олмайди.
7. **Таважжух.** Солиқ бутун қалби, бор вужуди билан Аллоҳга мурожаат қилиши, Унга чексиз муҳаббат қўйиши, ундан бошқа нарса борлигини ҳис этмаслиги лозим.
8. **Сабр.** Солиқ тўғри йўлдан адашмасдан бориши учун ўз майлларини сўндириши, ҳайвоний хусусиятлардан – шаҳвоний ҳирсу ҳаволардан қутулмоғи керак.
9. **Муроқаб.** Тариқат аъзоси ўз қалбини ҳар қандай пасткашликлардан сақламоғи, риё ва макру ҳийла найранглардан халос бўлмоғи шарт. Шундагина дил ёмон иллатлардан покланади, руҳ нафс натижасида занглаб қолган бўлса, жило топади.
10. **Ризо.** Сўфий энди Аллоҳ уни севиб қолганлигини сезади. Ризолик мақоми солиқнинг Ҳаққа етишганлигини билдиради.¹

Юқоридаги қонун қоидаларда тасаввуфнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари ўз аксини топган.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) – нақшбандийлик тариқатининг буюк намоёндаси. Эл орасида Хожа Баҳоуддин Балогардон, Хўжаи Бузрук,

² Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. Тавҳид асрори. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999, 174-бет.

¹ Қаранг. Ислоом энциклопедия. 138-139-бетлар; Бўронов Қ. Халқимиз маънавияти ва маърифатининг теран илдизлари. 52-бет.

Шоҳи Нақшбанд номлари билан машхур. Бухорода Қасри Хиндувон кишлоғида туғилган. Бахоуддин Нақшбанд Бобойи Самосий, Амир Кулол, Мавлоно Ориф, Ҳалил ота, Қусам Шайх каби устозлардан сабоқ олган. У икки марта ҳаж қилган. Ғарибона ҳаёт кечирган, фақат ўз меҳнати орқали деҳқончилик ва кейинроқ мис ва кимхобга нақш солиш билан кун кўрган. Ўз таълимотини яратишда Абдуҳолиқ Ғиждувоний асос солган. «Ҳожагон» силсиласининг саккиз моддадан иборат қоидасига ўзининг уч қоидаси (талаби) ни қўшиб уни такомилга етказди. Шу тариқа тасаввуф нақшбандия тариқатида янада мукамалликка эришди.

Бахоуддин таҳаллуси Нақшбанднинг динни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун қилган хизматлари улуғ ва беқиёс бўлганлиги учун берилган. Маъноси диннинг фаҳри, бебаҳоси демакдир. Нақшбанд таҳаллусига келсак у икки мазмунда талқин этилади. Бири ул зот мисга, матога гул, нақш солувчи бўлганлиги учун нақшбанд таҳаллуси берилган деб эътироф этилади. Иккинчи талқин эса Аллоҳни қалбига нақш қилиб олган деган маънода ифодаланади. Бахоуддин Балогардон дейилишининг сабаби устози Шайх Бобойи Самосийнинг Нақшбандга қарата айтган «Каромат қилибдурларки, нозил бўлган бало сенинг барокатингдан дафъ бўлгай!» сўзларига нисбат берилади. Яъни ул зот кишиларнинг, элу юртнинг бошига келгувчи балою қазоларни, ёвузликларни қайтарувчи, дафъ этувчилик каромат соҳиби бўлганликларини англатади. Халқимизда бежизга Бахоуддин Балогардонга етти танга атаб юбор деб айтилмайди.

Бахоуддин Нақшбанд шону шуҳратнинг шоҳ супасига кўтарилганларида ҳам ўзлари учун хизматкорлар сақламаган экан. Аксинча шоҳу гадо баробарлиги тўғрисидаги адолатли ғояни илгари сурган. «Ҳожалик бандаликка тўғри келмас, Аллоҳ олдида барча баробар» - деб айтган. Нақшбанд ўзини доимо ҳукмдорлардан узоқда тутган. Одамларга яхшилик қилиш энг юксак инсоний бурч эканлигини таъкидлаб, шам каби ёнгил, элга ойдинлик улаш, аммо ўзинг хилватда тургил деб айтган. У ҳамма учун, айниқса оддий халқ, хунармандлар учун қўл келадиган «Дил ба ёру даст ба кор» - «Дил ёр (Аллоҳ) билан, қўл иш билан банд бўлсин» шиорини ўртага ташлаган. Бу шиор нақшбандийликнинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Айтиш жоизки мазкур ҳаётбахш шиорда тасаввуфни назарий ва амалий жиҳатлари тугал ҳолга келганлиги ўз ифодасини топган. Чунончи, тасаввуф йўлига кирган киши Тавҳид (Аллоҳ) моҳиятини ўзи учун англаб етди, энди бундан кейин нима қилиши керак? Бу саволга тасаввуфнинг охириги тариқати Нақшбандия жавоб берди. Биринчи мақсадга эришилди – «дилда ёр» (Аллоҳ) ҳолати мавжуд, энди ишга киришмоқ лозим – «даст ба кор» га ўтиши керак. «Дилда ёр» ҳолати тасаввуф йўлига кирган кишининг дилида, яъники қалбида ғараз, худбинлик йўқлигини, унинг поклигини билдиради. «Даст ба кор» ишга қўл урилса тасаввуф аҳлининг ўз шахсий ғаразли мақсадлари учун эмас, холис Аллоҳ учун, ҳақиқат ва адолат тантанаси учун амалий ҳаракатга киришилган бўлади. Шу сабабли ҳар нафас «дилда ёр» бўлиши, «Аллоҳ» исми дилда зикр этилиши, яъни «Ҳуш дар дам» қоидасига амал қилиши

тақозо қилинади. Чунки Аллоҳ номи бир нафас дилни тарк этса, дарҳол ўрнини ғараз, худбин бир ният эгаллаши мумкин. «Назар бар қадам» шу маънога яқин туриб, у беҳуда бирор қадам қўймаслик, ҳар бир амалий ҳаракатнинг Аллоҳ йўлида қўйилаётганини ҳис этиб, диққат билан кузатиб, назардан қочирмай бориш кераклигини билдиради.¹

Нақшбанд илгари сурган «Дил ба ёру даст ба кор» шиорини янада соддароқ тарзда шундай изоҳлаш мумкин. Тасаввуф аҳлининг мақсади Аллоҳ васлига эришиш бўлса, бунинг учун тарки дунё қилиш, зоҳидлик йўлига кириши шарт эмас, балки Аллоҳни ҳар дамда дилда зикр этиб, қўл эса меҳнат билан банд бўлган ҳолда ҳам етиш мумкинлигини англатади.

Баҳоуддин Нақшбанд Ислумни ҳаёт билан, шахс ва оила билан, жамият равнақи билан боғлаб «Кам егил, кам ухла ва кам гапир» деб насиҳат қилган. Амир Темур бу шиорга амал қилиб, аркону давлатга, барча мулозимларга айтар сўзим шу бўлди: «Кам енглар – очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар – мукаммаликка эришасизлар, кам гапиринглар – доно бўласизлар»,² – деб ёзган.

Нақшбанд доимо адолатни, меҳнат асосида бунёд этилган ҳалол луқмани мақуллаган. Бу жиҳатдан унинг «инсондаги яхши феъллар, яхши амаллар ҳалол луқмондандир» сўзлари биз учун ибратдир.

Нақшбандия тариқати ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан янги тарбия усуллари – суҳбат таълими, яширин, ботиний зикр, «анжуман ичра хилват»ни олға суради ва тарғиб қилиши билан ажралиб туради. Яъни Аллоҳга яқинлашишнинг бутунлай янги бўлган, сифат жиҳатдан аввалги тариқатлардан тубдан фарқ қиладиган ўн битта қоида, талаб ва усуллари ишлаб чиққанлиги билан ажралиб туради. Бу усул ва қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. **Хуш дар дам.** Тариқат аъзоси доимо Аллоҳ номига зикр қилиши, зикрга ғарқ ҳолатда хушчақчақ бўлиб юрмоғи лозим. Ботиндан чиқаётган ҳар бир нафас ҳушёрлик ва огоҳлик, хузур ила чиқмоғи лозим, токи бунда ғафлат унга ҳеч йўл топа олмасин.

2. **Назар бар қадам.** Муриднинг назари доим оёқ панжаларининг устида бўлсин, унинг назари бошқа нарсаларга сочилмасин ва кераксиз жойга тушмасин. Лозим бўлмаган жойга бормасин.

3. **Сафар дар ватан.** Тариқат аъзоси башарий табиатда сафар қилсин, маъносини билдиради.

4. **Хилват дар анжуман.** Муриднинг доимо «Қалбинг Аллоҳда, қўлинг эса меҳнатда» шиорига амал қилиб, зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бўлишлигини билдиради.

5. **Ёдқард.** Тариқат аъзоси доимо Аллоҳ ёди билан яшамоғи ва зикр тушмоғи лозим.

¹ Қаранг. Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. 176-бет.

² Амир Темур ўғитлари. Тошкент, Наврўз, 1992, 58-бет.

6. **Бозгашт.** Тариқат аъзоси тили ёки дилида калима келтиргандан сўнг унинг орқасидан «Худовандо, менинг мақсадим сенсан» сўзини айтади. Бу қоида одамдан яхши ёки ёмон фикрларни ҳайдовчидир.

7. **Нигоҳдашт.** Тариқат аъзосининг ҳаёлини бир жойга қўйиб, хотиржам бўлиб юриш одатини билдиради.

8. **Ёддашт.** Тариқат аъзоси Аллоҳни доимо завқ ва шавқ ила ёдда тутиш, огоҳ бўлиш одоби.

9. **Вуқуфи замон.** Тариқат аъзосининг доимо ўз вақтини ҳисоб-китоб қилиб юриши, вақтнинг қанчаси ҳайрли, қанчаси ёмонлик учун бўлганлигини ўйлаб юрмоқлиги одобини билдирилади.

10. **Вуқуфи ададий.** Тариқат аъзоси учун ҳамиша ўзининг ягоналигини, танҳолигини, воҳидлигини назарда тутиб юриш одобидир.

11. **Вуқуфи қалб.** Тариқат аъзосининг ҳамиша ўз дилида Аллоҳни сақлаш билан кўнгли тўқ ҳамда хотиржам бўлиб яширин зикр ҳолатида бўлиш одобини билдиради.¹

Юқорида қайд этилган тариқат аъзоси амал қилиши шарт бўлган қоида, талаб, одобнинг саккизтасини Абдуҳолик Ғиждувоний яратган. Улар Баҳоуддин Нақшбанд томонидан яна учта қоида билан бойитилиб тақомилга етказилган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида шундай деб ёзган: «Олий сифатлар эгаси ва мўътабар зот, Ҳақ равшанлигининг шоҳи ва тўғри йўлнинг гул солувчиси бўлган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бу иқлим узра тахт қургач, йўқлик мулкида ҳам подшоҳ бўлди».¹

Ҳақиқатан ҳам, олтин силсила – силсилот аз-заҳоб деб аталган ва кўнгиларда ишқу садоқат уруғини кўкартиришга замин яратган нақшбандия тариқати мусулмон оламида асрлар оша чуқур илдиз отди. Хозирда Покистонда нақшбандия тариқати Жаҳон маркази фаолият кўрсатмоқда.

XXI асрга келиб, нафақат мусулмон оламида, балки АҚШ, Германия, Россия, Австралия, Литва каби мамлакатларда ҳам бу тариқатга ихлосмандлар кўпайди.

«Нақшбандийлик тасаввуфни ҳаётийлаштирган таълимотдир, - дейди Покистондаги нақшбандия тариқати Жаҳон маркази раиси Зулфиқор Аҳмад. – Ушбу тариқат дарахти ҳали бутун оламни тутди, чунки унда кишилик тафаккурининг энг амалий ва оқилона хулосаси мужассам»²

3. Мустақиллик ва тасаввуф.

Шўролар мафкураси ҳукмрон бўлган замонда КПСС ва Совет давлатининг ёвуз даҳрийлик сиёсати натижасида умуман дин, хусусан Ислом дини таъзиққа учради. Диний китоблар йўқотилади, уламолар таъқиб ва қўвғинга учради. Халқимизнинг даҳоси билан барпо этилган мачит ва мадраса каби меъморий обидалар бузиб ташланди, борлари қаровсиз хароба

¹ Қаранг. Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. 154-155-бетлар.

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 17-том, «Фан», Тошкент, 2001, 261-265-бетлар.

² «Халқ сўзи» газетаси, 2003 йил 28 ноябрь.

холга келиб қолди. Азиз авлиёлар номи билан боғлиқ қадамжоҳларга зиёрат қилиш тақиқланди.

Дин ривожи йўлида фидойилдик қилган алломалар, машхур тасаввуфчи мутафаккир ва шоирларнинг: Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Сулаймон Бақирғоний, Сўфи Оллоёр, Хожа Ахрор Валий ва бошқаларнинг маънавий-маърифий меросидан баҳраманд бўла олмадик.

Мустақиллик диний қадриятларимизни халқимизга қайтарди. Қуръони карим, Ҳадислар ўзбек тилида чоп этилди. Исломи йўлида фидойилик қилган алломалар ҳаёти ва фаолияти ҳақида китоблар нашр қилинди, уларнинг асарлари чоп этилди. Улар қилган яхшилик, эзгу савоб ишлари изсиз кетмади. Қадамжоҳлар ободонлаштирилди ва ободонлаштирилмоқда. Мана бир мисол.

1998 йил Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати ва Президентимиз Исломи Каримов ташаббуси билан ул улуг зот мангу уйқуга кетган жойда замонавий тарихий ёдгорлик мажмуа барпо этилиб, халқимиз зиёратгоҳига айлантирилди.

2004 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси Марказини ташкил этиш тўғрисида» қарори эълон қилинди. Қарорда таъкидланганидек ушбу Марказ: «Исломи оламининг беназр намояндаси Баҳоуддин Нақшбанднинг жаҳон тафаккур ҳазинасига ва муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, унинг меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда алломалар ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида» ташкил этилди. Бундай ҳайрли ва савоб ишлар юртимизда мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқдаки, улар ёшларни меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда тасаввур вакилларининг ҳаётбахш ўғитларидан янада самарали фойдаланиш имконини кенгайтишига ёрдам бермоқда.

Тасаввуф вакилларининг юбилейлари ўтказилиб, улар қолдирган мерос халқимизга қайтарилди. Жумладан 1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги нишонланди. Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» тўплами нашр этилди. 1998 йилда Имом Бухорийнинг 1225 йиллиги; 2000 йилда Мотрудий таваллудининг 1130 йиллиги, Марғинонийнинг эса 910 йиллиги; 2001 йилда «Авесто» нинг 2700 йиллиги; 2003 йилда Абдуҳолик Ғиждувонийнинг 900 йиллиги нишонланган бўлса, 2004 йилда Нақшбандийлик тариқатининг давомчиси Хожа Ахрор Валий таваллудининг 600 йиллиги нишонланади. Буларга фақат мустақиллик туфайли эришдик.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
2. И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
3. И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
4. И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
5. И.Каримов. Халоллик ва фидоийлик-фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
6. И.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – таракқиёт омили. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
7. И.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
8. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998й.
9. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 199й.
10. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
11. И.Каримов. Хушёрликка даъват. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
12. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000й
13. И.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
14. Миллий истиқлол ояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992й.
16. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
17. Отамуратов С.О., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари (Маърузалар матни) Т., 2000й.
18. Отамуратов С.О., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т., 2002й.
19. Йўлдошев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (Маърузалар матни) Т., 2000й.
20. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
20. Хусанов С. Миржавҳарова Д. Диншунослик (ўқув-услубий қўлланма). Т.: -2005
21. Хусанов С. Жуманиёзов Х. Миржавҳарова Д. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т.: -2005 й.
22. Хуснитдинов З. Ислom: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Т., УМЭ., 2000.

10-МАВЗУ. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР

РЕЖА:

1. Дин масаласида мавжуд халқаро меъёр (норма)лар.
2. Виждон эркинлиги – диний эътиқод эркинлигидир.
3. Мустақил Ўзбекистонда виждон эркинлигининг конституцион кафолатланиши.
4. Мустақиллик: динга ва диний ташкилотларга муносабатнинг ўзгариши.

Виждон эркинлиги кўп қиррали тушунча бўлиб, у қуйидагиларни билдиради; Ҳар кимнинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятдаги мавжуд ижтимоий меъёрларни бузмаган ҳолда виждони буюрганича яшаш, ишлаш имконияти. Бунда динга муносабат масаланинг бир томони ҳисобланади. Сиёсий жиҳатдан эса унга демократия кўринишларидан бири сифатида қаралади. Юридик нуқтаи назардан виждон эркинлиги инсоннинг асосий шахсий ҳуқуқлари сирасига киради ва демократик эркинликлардан бири ҳисобланади.¹ Кўринадики виждон эркинлиги замирида шахснинг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар ётади. Ҳозирги вақтда виждон эркинлиги демократиянинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Биз бу ўринда виждон эркинлигини фуқароларнинг дин эркинлиги нуқтаи назаридан изоҳлашни мақсад қилиб қўйганмиз. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи барча давлатларнинг ижтимоий ҳаётида муҳим ва шу билан бирга мураккаб масалаларидан бири бўлиб келган.

Бу масалада халқаро меъёрларга келсак, БМТнинг Уставидан тортиб, барча халқаро ҳужжат ва шартномаларда, дунёвий давлатларнинг Конституция ва қонунларида виждон эркинлиги масаласи ўз ифодасини топган. 1948 йил 10 декабарда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси»га мувофиқ ҳар бир инсон эркин фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ва эътиқодини ўзгартириш эркинлигини, диний ибодатларни бажаришда ва диний маросимларда яқка тартибда ва одамлар билан биргаликда қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади.

Дин ва виждон эркинлиги тўғрисида халқаро ҳужжатлардаги яна бир муҳим масала, турли дунёқараш ва эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги, давлат, дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланишини ҳам назарда тутати.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тегишли моддаларида акс этган Виждон эркинлиги, шунингдек «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қабул қилинган қонун халқаро ҳужжатлардаги талабларга мос ҳолда тузилгандир.

¹ Қаранг. Ислом: энциклопедия. 63-бет.

2. Виждон эркинлиги – диний эътиқод эркинлигидир.

Дин эркинлиги нуқтаи назаридан виждон эркинлиги - бу фуқароларнинг у ёки бу динга эътиқод қилиш ёхуд ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида қайд этилганидек, «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳея қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».¹ Мазкур қонуний кафолатга мувофиқ, бирон бир киши бошқа одамларга сен у динга, сен бу динга эътиқод қиласан. Сенинг бирор динга эътиқод қилишга ҳаққинг йўқ, Сен бединсан деб айта олмайди. Айни пайтда у ёки бу ақидага бўйсунмишга мажбур эта олмайди. Ҳеч ким диндор кишини «Диний эътиқодингиздан қайтинг» деб мажбур ҳам қилолмайди. Бундай ҳолатларга қонун йўл бермайди. Диндор ёки дахрий бўлиш, ўзи хоҳлаган динга ишониш ёки ҳеч қайси динга ишонмаслик ҳар кимнинг шахсий иши. Бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 31-моддасида қонун билан мустақамланган.

3. Мустақил Ўзбекистонда виждон эркинлигининг конституцион кафолатланиши

Виждон эркинлигининг кафолатлари кўп қирралидир. Бу – аввало динларнинг ва диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилганлиги; барча фуқаролар учун уларнинг динга эътиқод қилиш ёки қилмаслигидан қатъи назар маориф ва маданият масканлари эшикларининг очиқлиги; мактабнинг диндан ва диний ташкилотлардан ажратилганлиги; диндорларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган шароитларнинг яратиб берилганлиги ва бошқалардан иборат.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг янги шароитда диннинг ва диний ташкилотларнинг жамиятдаги ўрнини яна бир қарра аниқлаб олиш эҳтиёжи туғилди. Бунга сабаб айрим кимсаларнинг ўз сиёсий манфаатларини амалга ошириш учун диндан ва диний ташкилотлардан фойдаланишга уриниб келаётганликларидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 14 июнда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги қонуни қабул қилган. Орадан етти йил ўтиб 1998 йил 1-майда Ўзбекистон Республикаси биринчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида бу қонуннинг янги тахрирдаги матни қабул қилинди.

Мазкур қонун, аввало ҳар бир фуқарога мустақил равишда, бирон-бир тарзда мажбурлашсиз ўзининг динга муносабатини белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш, уларнинг диний ёки дахрийлик эътиқоди муносабати билан боғлиқ хис-туйғуларни ҳақорат қилиш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, муқаддас қадамжоҳ ҳисобланган диний иншоотлар – масжид, мадраса, мақбараларни оёқости қилиш қонунга мувофиқ жазоланиши, ҳеч кимнинг ўзининг диний эътиқодига кўра, қонунда белгиланган

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон»; 2003. 8-бет.

мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаши мумкин эмаслиги тайин этилган.

Қонуннинг 5-моддаси «Динларнинг ва диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилиши» деб юритилади. Бу қандай маънони англатади? Бу дегани – мамлакатимизда динлар ва диний ташкилотлар давлат ишига аралашмайди, айти пайтда эса давлат диний ташкилотларнинг ва диндорларнинг қонунларга зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди, давлат ўз вазифасини ва дин ҳам ўз вазифасини бажариши лозим.

Давлат диндор фуқароларнинг диний эътиқод ва ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик ҳурмат қилса, диндорлар ҳам давлат қонунларини ва сиёсатини шунчалик ҳурмат-эҳтиром қилишлари ҳам шарт. Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, аммо улар жамиятдан ажратилмаган. Бинобарин, диндорлар ва диний ташкилотлар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу ўринда диний ташкилот нима, унинг мақомлари қандайлигини билиб олиш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Диний ташкилот – диний эҳтиёжларни биргаликда қондириш ёки қондиришга кўмаклашиш мақсадида тузиладиган ва диний маросимларни адо этиш асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўз-ўзини бошқарувчи уюшма. У айти вақтда фуқароларнинг виждон эркинлигини қафолатловчи тузилмалардан бири саналади. Диний ташкилотларнинг энг муҳим белгиси уларнинг ўз-ўзини бошқаришидир, яъни улар маъмурий жиҳатдан давлат идораларидан ажратилган.

Диний ташкилотлар ўз Низомларига асосан мустақил иш олиб борадилар.

Янги тахрирдаги қонунга биноан диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида доимий яшаётган 100 кишидан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билан тузилиши мумкин. Тузилган уюшма ва ташкилотлар Республика Адлия вазирлиги томонидан, жойларда тегишли вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ҳудудида бўлган адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Қонунга мувофиқ, диний ташкилотлар бирон бир сиёсий партиялар фаолиятида қатнашиш, сиёсий партияларга молиявий ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас. Шунингдек диний-сиёсий партиялар тузиш тақиқланган.

Диний ташкилотлар, диндорлар ва бошқа фуқароларнинг диндан давлатга, Конституцияга қарши тарғибот олиб боришига, диндан ўз сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун никоб сифатида фойдаланишга давлат йўл қўймайди.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қонунда белгиланган тартибларни бузганлар қонунга биноан жавобгарликка тортилади.

Қонуннинг яна бир муҳим моддаси «Мактабни диндан ва диний ташкилотлардан ажратиш» деб аталади. Буни қққандай тушунмоқ ва изоҳламоқ керак? Мамлакатимизда давлат билим юртлари дунёвий билимлар берувчи билим юртларидир. Умумий таълим, коллежлар, академик лицейлар, олий ўқув юртлари ўқув режаларига диний билим бериш дарс сифатида

киритилмайди. Бироқ, бу фуқаролар диний таълим олиш ҳуқуқига эга эмас, деган гап эмас.

Мамлакатимизда диний таълим қандай тарзда амалга оширилади. Буни ҳам билиб қўйиш муҳимдир. Қонуннинг 3-моддаси 2-қисмида кўрсатилганидек «Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босадиган шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди». Мазкур қонунга зид равишда вояга етмаган болаларни динга ўқитиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддасига мувофиқ – энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан етмиш беш бараваригача жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Қонунга биноан диний таълим махсус диний ўқув юртларида амалга оширилади. Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари ташкил этишга ҳақлидирлар.

Диндан сабоқ берувчилар, мураббийлар тегишли пухта билимга ва уни ўқитиш ҳақидаги махсус руҳсатномага эга бўлишлари шарт.

Қонунда хусусий тартибда, яъни уйда диний таълим бериш ман этилган.

Хозирда Ўзбекистонда 16 та диний ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Булар Тошкентдаги Имом ал-Бухорий номли Ислом институти, Тошкент Ислом университети, «Кўкалдош», Бухородаги «Мир Араб» мадрасалари; шунингдек, Тошкентдаги «Хадичаи Кубро», Бухородаги «Жўйбори Калон» аёл-қизлар ислом ўрта махсус билим юртлари; Намангандаги «Мулла Қирғиз», Урганчдаги «Фахриддин ар-Розий», Андижондаги «Саид Мухйиддин Махдум» ислом ўрта махсус билим юртлари ва бошқалар. Ўзбекистонда дин давлатидан ажратилгани учун диний ўқув юртлари давлат халқ таълими тизимига кирмайди.

Энди ана шу диний билим юртларининг баъзилари ҳақида маълумот берамиз.

Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти олий диний ўқув юрти бўлиб 1970 йилда ташкил этилган ва 1971 йил октябридан фаолиятини бошлаган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида. У динлар тарихи ва назариясини чуқур эгаллаган, ислом дини асосларини ўзлаштирган, араб тилида сўзлаша оладиган мутахассислар, имом хатиблар тайёрлайди. Ўқиш муддати 4 йил. Тошкент Ислом институти Ўзбекистон мусулмонлар идораси томонидан тасдиқланган қоидалар асосида ўрта умум таълим ҳамда ўрта махсус диний маълумотга эга бўлган 35 ёшгача ёшларни қабул қилади. Бу ерда 130 талаба тахсил олади. Бу таълим маскани мустақиллигимизга қадар собиқ Иттифоқда ягона олий ислом ўқув юрти бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университети Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 апрелдаги Фармонида биноан ташкил этилган.

Фармонда таъкидлашича бундай нуфузли илм ўчоғини ташкил этишдан мақсад: «Халқимизнинг муқаддас эътиқоди – ислом динига оид бой маънавий-маданий меросимизни асраб-авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий ғоялари ва асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш ва замонавий руҳда ривожлантириш, шу соҳада илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, замон талаблари даражасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш, уларга лозим бўлган шарт-шароитлар яратиш ҳамда аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосидаги тадқиқ этилган маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш...»¹ эканлиги таъкидланган. Мазкур университетда ҳозирги кунда 500 дан зиёд талаба диншунослик, исломшунослик, ислом фалсафаси, ислом ҳуқуқи, шарқ ва ғарб тиллари, жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ва бошқа фанларни чуқур ўрганмоқда. Ўниверситет таркибида ташкил этилган Исламшунослик илмий-тадқиқот марказида: Қуръон, тафсириларни ўрганиш, ислом тарихи ва фалсафаси, шариат, манбашунослик, кўлэмаларни ўрганиш каби бўлимлар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда малакали диний мутахассислар тайёрлайдиган билим юртларидан яна бири Бухородаги Мир Араб мадрасаси саналади. У 1530-1536 йилларда қурилган. Собиқ Шўролар даврида унинг фаолияти вақтинча тўхтатилган ва 1945 йилда яна қайта тикланган. Ўқув юртига 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли кишилар қабул қилинади.

Дунёвий умумтаълим мактабларида ва бошқа билим юртларида динлар тарихи, жумладан Ислам дини тарихи – диншунослик сифатида ўрганилади.

4. Мустақиллик: динга ва диний ташкилотларга муносабатнинг ўзгариши

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, динга ва диний ташкилотларга муносабат тубдан ўзгаради. Бу ўзгаришларнинг моҳиятини ва аҳамиятини теран англаб етмоқ учун собиқ Шўро даврида динга ва диний қадриятларга нисбатан бўлган салбий муносабатни билиш бизни ўйлаш ва фикр юритишга, мустақилликнинг қадрини англашга йўллайди.

Собиқ Шўро даврида «Дин халқ учун афюн дир», «Дин маънавий оғунинг бир туридир» деган ғоя асосида динга атеистик ёндошув шаклланган эди. Бу эса амалда фуқароларнинг виждон эркинлигини камситиш, диний қадриятларга нисбатан маълум маънода салбий муносабатнинг шаклланишига олиб келган эди. Коммунистик мафқуранинг яловбардорлари деярли 70 йил мобайнида дахрийликка асосланган жамиятни қуришга ҳаракат қилдилар. Оқибатда халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган диний руҳдаги китоблар халқ кўзидан яширилди, кўплари йўқотилди. Дин равнақи йўлида заҳмат чеккан ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мотрудий, Замахшарий каби ўнлаб буюк бобоқолонларимиз яратган ислом маданияти реакцион маданият деб қораланди.

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 8 апрел.

Диний-маъмурий обидалар, улуғ алломалар мангу уйқуга кетган мақбаралар қаровсиз, ташландик ҳолга келиб қолди. Бунга истаганча мисол топилади.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон фуқаролари учун том маънодаги виждон эркинлиги таъминланди.

Миллий ва диний қадриятларимиз қайта тикланди ва тикланмоқда. Жумладан Рамазон ва Қурбон хайитлари ҳар йили оммавий равишда, эмин-эркин байрам сифатида нишонланиб келинмоқда.

Диний-маърифий соҳада Имом Бухорий, Имом Мотрудий, Имом ат-Термизий, Бахоуддин Нақшбанд, Бурхониддин Марғиноний каби улуғ мутафаккирларимизнинг юбилейлари ўтказилди.

Мустақиллик туфайли республикамиз фуқаролари Ҳаж сафарига бориш, муқаддас қадамжоҳларни зиёрат қилиш имконига эга бўлдилар. Агар ўтмишда собиқ Шўро бўйича ҳар йили 25-30 киши ҳажга борган бўлса, 1991 йилда Ўзбекистондан 1500 киши, 2003 йилда 3800 нафар киши Ҳаж ибодатини бажариш имконига эга бўлди. Мустақилликнинг ўтган ўн уч йили давомида жаъми 48000 дан ортиқ юртимиз фуқаролари Ҳаж ва Умра каби диний фарзини адо қилиш имконига эга бўлдилар.¹

Мустақиллик йиллари диний ташкилотларнинг ҳам сони ортди. Агар XX асрнинг 90 йилларида республикамизда 119 та диний ташкилот мавжуд бўлган бўлса, 2003 йилга келиб уларнинг сони 2091 тага етди. Мустақиллигимизга қадар бор йўғи 2 та диний ўқув юрти фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 16 тага етди. Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтини 1975-1990 йиллар орасида 153 киши, Мир Араб мадрасасини 1950-1990 йилларда 272 киши битирган бўлса, 1991-2003 йиллар орасида уларни 4732 киши битириб чиқди. Бу имомларнинг диний маълумот даражаси кескин ошганлигини кўрсатади. Мустақиллик йиллари ўрта махсус диний маълумотга эга бўлган имомлар улуши 2,6 фоиздан 47 фоизга, олий диний маълумотга эга бўлганларнинг улуши 1,6 дан 23 фоизга ўсди.

Ўтган йиллар давомида халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган ноёб манбаларни тизимли ўрганиш йўлга қўйилди. Уларнинг натижаси ўларок Имом Бухорийнинг хадислар тўплами 4 жилдда, Бурхониддин Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя»си, Имом ат-Термизийнинг «Сунан ат-Термизий» асарлари ўзбек тилида илк бор нашр этилди. Муқаддас Қуръони карим маъноларининг таржимаси 2 маротаба нашр этилди.

Буюк диний уламо ва мутафаккирларнинг юбилейлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда, мақбаралари таъмирланиб халқимизнинг зиёратгоҳига айлантирилмоқда. Чунончи 1993 йилда Бахоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги; 1995 йилда Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги; 1998 йилда Имом Бухорийнинг 1225 йиллик; 2000 йилда Имом Мотрудийнинг 1130 йиллиги ва Бурхониддин Марғинонийнинг 910 йиллиги; 2001 йилда «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллиги; 2003 йилда

¹ Қаранг. Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. 13-бет.

Абдухолик Ғиждувонийнинг 900 йиллик юбилейлари нишонланган бўлса, 2004 йилда Хожа Ахрор Валий таваллудининг 600 йилликлари нишонланади. Мана шуларнинг ҳаммаси мустақиллик йиллари Ўзбекистонда виждон эркинлиги, дин, диний ташкилотлар ва диндорларга нисбатан давлат сиёсатида туб ўзгаришлар бўлганлигини исботловчи далиллардир.

Мустақиллик йиллари диннинг жамиятдаги мавқеи тикланди, барча диний уюшмаларга, мазҳаб ва жамоаларга қонун доирасида очиқ ва дахлсиз фаолият имконияти яратилди.

Ўзбекистон кўпмиллатли, кўп конфессияли давлатдир. Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаб, улар турли динларга эътиқод қиладилар. Бундай шароитда диний бағрикенглик мамлакатимизда қурилаётган демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолаётганлиги табиий ҳолдир.

«Диний бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англади».¹

Азал-азалдан диёримизда ислом, насронийлик, иудаизм каби динлар ёнма-ён яшаб келган. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир дамларида ҳам улар ўртасида диний асосда мажоро ва зиддиятлар бўлмаган. Хозирда Ватанимизда турли динлар ва дин вакиллари ўртасида умумбашарий кадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга муҳим аҳамият берилмоқда. Бунда республикаимизда мавжуд бўлган 16 та диний конфессия бирлашмалари фаолияти катта аҳамият касб этаётир. Уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шароитлар яратилган.

Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги қонунда ўз ифодасини топган. Диний бағрикенглик ғоясининг амалдаги тасдиғини 1995 йилда мусулмон ва христиан илоҳиётчилари иштирокида «Бир само остида» мавзуидаги халқаро христиан-мусулмон конференцияси; шунингдек Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги ҳамда Евангелъ – Лютеран жамоасининг 100 йиллиги нишонланганлигида; ҳамда 1998 йилдан Тошкент Православ диний семинарияси, Самарқанд Протестант семинариялари фаолият кўрсатиб келаётганлигида кўришимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
2. И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
3. И.Каримов. Ватан саждағоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996й.
4. И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994й.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент. 2000 йил.

5. И.Каримов. Халоллик ва фидоийлик-фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994й.
6. И.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
7. И.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995й.
8. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998й.
9. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 199й.
10. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
11. И.Каримов. Хушёрликка даъват. Т., «Ўзбекистон», 1999й.
12. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000й
13. И.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
14. Миллий истиқлол ояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000й.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992й.
16. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
17. Отамуратов С.О., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари (Маърузалар матни) Т., 2000й.
18. Отамуратов С.О., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т., 2002й.
19. Йўлдошев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (Маърузалар матни) Т., 2000й.
20. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002й.
20. Хусанов С. Миржавҳарова Д. Диншунослик (ўқув-услубий қўлланма). Т.: -2005
21. Хусанов С. Жуманиёзов Х. Миржавҳарова Д. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т.: -2005 й.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-Мавзу: «Диншунослик» фанига кириш.....	4-10
2-Мавзу: Диннинг ибтидоий шакллари.....	10-14
3-Мавзу: Миллий динлар.....	14-23
4-Мавзу: Зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби «Авесто».....	24-31
5-Мавзу: Буддавийлик дини ва таълимоти.....	31-37
6-Мавзу: Христианлик дини, моҳияти, мазмуни. Ҳозирги даврда христианлик.....	38-46
7-Мавзу: Ислом дини, унинг келиб чиқиши, моҳияти ва мазмуни.....	47-59
8-Мавзу: Ислом динининг асосий манбалари.....	59-71
9-Мавзу: Марказий осиёда тасаввуф ва унинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни.....	72-84
10-Мавзу. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар.....	84-93